З.А.ИЛҲОМОВ

# АМИРЛАШКАР ТАРИХИ



**ИЛҲОМОВ** Зиёвутдин Адҳамович.

## Амирлашкар тарихи

Мазкур монография XIX аср 60-йилларида Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган ва бир қатор ислоҳотларнинг амалга оширилиши учун фаол ҳаракат этган сиёсат арбоби, Россия империясининг босқинчилигига қарши матонатли кураш олиб борган ҳарбий саркарда Алиқули Амирлашкар Ҳасанбий ўғлининг ҳаёти ва Қўқон хонлигининг ички ва ташқи сиёсий ҳаётидаги фаолиятига бағишланган.

Монография олий ўқув юртлари тарих факультетлари талабалари, магистратура талабалари, аспирантлари, тадқиқотчилар, мактаб ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир**: **С.Т.Тилеуқулов,**
тарих фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар**: **В.Т.Ишқуватов**,
тарих фанлари номзоди, Низомий номли ТДПУ
**С.Тиллабоев**,
тарих фанлари номзоди, ЎзР ФА Тарих Институти

# КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи ҳар томонлама холис ва илмий ёритила бошланди. Айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихи ва унинг жаҳон цивилизацияси тараққиёти жараёнларида тутган ўрнини ёритишга катта эътибор берилмоқда.

Маълумки, тоталитар тузум ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида ўзбек халқининг маънавий мероси ва қадриятлари, ҳаққоний тарихини ўрганишга, ўзбек давлатчилиги тараққиётига муҳим ҳисса қўшган, миллий озодлик учун курашган тарихий шахслар фаолиятини ёритиш ва оммалаштиришга йўл берилмаган эди. Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ушбу муҳим мавзуни нафақат батафсил тадқиқ қилиш, балки бу масалаларни маҳаллий тарихчилар томонидан битилган энг бирламчи манбалар асосида ўрганилиши учун катта имкониятлар юзага келди.

Президент И.А.Каримов 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда халқнинг бебаҳо миллий бойлиги ҳисобланган минглаб қўлёзмаларни илмий асосда ўрганишга даъват этиб: - «Ота–боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассамлаштирган нодир қўлёзмаларни ўрганиш вақти келди», - деган эди.[1] Дарҳақиқат, бу қўлёзмалар миллий тарих фанининг ҳаққоний ва холисона ёритилишининг муҳим омили ва кафолатидир.

Мустақиллик даврида тарих фанига қўйилаётган талаблар ўтмишни синчиклаб ўрганиш, жамият олдида турган муаммоларни бор мураккаблиги билан баҳолаш, уларни ҳал этишга бўлган ёндашувлар ва нуқтаи-назарларни таҳлил этиб, улардан бугунги кун учун зарур хулосаларни чиқаришни талаб этади. Тарихни ўрганишга бўлган муносабатнинг турли сиёсий тузумлар таъсирида ўзгариб туриши бугунги кун тадқиқотчилари олдига уни холисона таҳлил қилиш ва объектив илмий хулосалар чиқариш каби катта ва масъулиятли вазифа қўяди. Тарихий жараёнларнинг содир бўлиши тарихий қонуниятлар ва тарихий заруриятлар таъсирида юз берар экан, бунда албатта алоҳида шахсларнинг фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. Жамият тарихида кўплаб кескин ўзгаришлар, туб бурилишларнинг юз беришида турли шароит ва омилларнинг таъсири билан биргаликда алоҳида шахслар етакчилик фаолиятининг ҳам маълум даражада ўрни бўлишини инкор

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, -Т.: Шарқ, 1998. –Б.4; Қаранг: Халқ сўзи. -1998. 28 июль.

этиб бўлмайди. Шундай экан, тарихнинг бир қисми сифатида ўз вақтида тарихий жараёнларга маълум даражада таъсир кўрсатган конкрет тарихий шахсларнинг фаолиятини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бирор-бир шахс ёки унинг фаолияти тарихни тубдан ўзгартириб юбориш қудратига эга эмас. Ҳар бир тарихий шахс фаолиятининг асосий қирраларини очиб беришда уни албатта ўша давр тарихий шароити ва тарихий зарурият даражаси нуқтаи-назаридан таҳлил этиш ва баҳо бериш талаб этилади.

Шундай шахслардан бири XIX асрнинг 50-60 – йилларида Қўқон хонлигининг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида, айни вақтда Россия империясининг босқинчилик юришларига қарши курашларида сезиларли из қолдирган Мулло Алиқули Амирлашкар Ҳасанбий ўғлидир (1831 – 1865).

XIX аср ўрталарида ғарб ва жанубда Бухоро амирлиги билан, шимол ва шарқда Россия империяси ҳамда Шарқий Туркистон билан чегарадош бўлган Қўқон хонлиги ҳудудлари ташқи давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар олиб боришда қулай геополитик афзалликларга эга эди.

XIX аср ўрталарига келиб, хонликнинг ички ҳаётида рўй берган иқтисодий ва сиёсий кескинликлар ташқи сиёсатга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Бир томондан хонликнинг ички низолар оқибатида сиёсий инқирозга юз тутиши, иккинчи томондан, Россия империясининг Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий босқинчилик юришларининг кучайтирилиши аҳволнинг янада мураккаблашувига олиб келди. Мулло Алиқули Амирлашкар хонлик учун ана шундай таҳликали бир вазиятда сиёсат майдонига чиқди.

Алиқули Амирлашкар нафақат хонлик ички сиёсий ҳаётини барқарорлаштиришда, балки Россия империяси тажовузига қарши курашларда ҳам муҳим ўрин эгаллади. Ҳаёти давомида турли кескин ва зиддиятли вазиятларга дуч келган бу шахснинг фаолияти жуда мураккаб кечди. Шу боис хонлик сиёсий ҳаётини бошқариш давомида сезиларли ютуқларга эришиш билан биргаликда айрим камчиликлар ва хатоларга ҳам йўл қўйди.

Ҳозирги кунларгача Алиқули Амирлашкар шахси ва у билан боғлиқ маълумотларнинг чалкашлиги, унга баҳо беришда турлича ёндашувлар давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби Алиқули Амирлашкар шахси ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётидаги фаолиятининг чуқур ва атрофлича ўрганилмаганлигидадир. Ушбу масалани айнан маҳаллий манбалар асосида, архив манбалари ёрдамида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, тадқиқотнинг аниқланган ва

мавжуд барча манбаларни солиштириш ва таққослаш орқали ўрганилиши уни ёритиб беришда холис ёндашувни таъминлайди ва бу ишнинг илмий қимматини янада оширади.

Шахс ва унинг тарихдаги етакчилик ролини Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлиги ички ва ташқи сиёсий ҳаётида ҳамда чор Россияси босқинчилигига қарши курашлардаги фаолияти мисолида холислик нуктаи–назаридан очиб бериш монографиянинг аҳамиятини янада оширади. Масаланинг мана шу жиҳатларига асосланган ҳолда мазкур монорафияда тадқиқ этилаётган мавзуни диққатга сазовор ва долзарб деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур монографиянинг асосий мазмуни Алиқули Амирлашкар шахси ва фаолияти билан боғлиқлигини назарда тутиб, асосан XIX асрнинг 50-60 – йиллари этиб белгиланди. Бу йилларда Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётига кириб келиши ва унинг барча жараёнларида бевосита фаол иштирок этиши кузатилади. Айнан шу йилларда Алиқулининг сиёсий ва ҳарбий соҳадаги фаолиятидаги асосий хусусиятлари намоён бўлади. Шу билан бирга Алиқули Амирлашкарнинг 1831-32 йиллардан XIX аср 60 – йилларигача бўлган ҳаёт йўли ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилади. Бунда Алиқули Амирлашкарнинг шахси ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрнини ёритиб бериш асосий мақсад сифатида белгиланди. Шунингдек, XIX асрнинг 50–60 йилларидаги Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаётига умумий тавсиф бериш. Гарчи Қўқон хонлиги сиёсий ҳаёти ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд бўлсада, уларни асосан маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбалар асосида ёритиб бериш, XIX аср ўрталари – XX аср бошларида яшаб ўтган ва Алиқули Амирлашкар шахси ва фаолияти билан яқиндан таниш бўлган, бевосита унинг раҳбарлиги остида фаолият юритган ва шу билан бирга тарих асарлари ёзиб қолдирган тарихчилардан Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар», Муҳаммад Юнус Тошкандийнинг «Хотиралар»и, бундан ташқари тарихчи Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихи жаҳоннамойи» асарларида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда Алиқули Ҳасанбий ўғлининг таржимаи ҳолини ёритиб бериш, Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётига кўрсатган таъсирини илмий ўрганиш. Алиқулининг хонлик сиёсий ҳаётидаги фаолиятини саройдаги сиёсий жараёнлар, қирғиз-қипчоқ муаммолари, сарой фитналари, хонликдаги иқтисодий-ижтимоий вазиятнинг сиёсий ҳаётга таъсири, ташқи сиёсат - Бухоро амирлиги билан олиб борилган курашлар ва чор Россияси босқинчилиги шароитидаги умумий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда

ёритиб бериш, ҳақида сўз юритилиб, асосий урғу Алиқули Амирлашкарнинг тарихий шароит ва ўз даври нуқтаи назаридан шахс сифатидаги жиҳатларини объектив равишда очиб бериш ва фаолиятини ёритиб беришга қаратилади.

Монографиянинг назарий ва методологик асосларини белгилашда монография муаллифи энг аввало илмий билишнинг асосий тамойиллари, умумжаҳон тарих фанининг назарий – концептуал асослари, миллий истиқлол мафкураси фалсафаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида таъкидланган, шунингдек Мустақиллик йилларида илмий тадқиқот ишларини амалга ошираётган тарихчи олимларнинг тарихни ўрганиш ва унга илмий жиҳатдан ёндашиш тўғрисида кўрсатиб ўтган фикрларига асосланди. Шунингдек, монографияда мустамлака даври тарихининг асосий хусусиятлари, Россия империясининг босқинчилик сиёсати ва унга қарши маҳаллий ҳалқларнинг миллий-озодлик курашлари ва уларнинг моҳияти, айрим тарихий шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрни ва фаолияти холис, илмий ҳамда тарихийлик нуқтаи-назаридан чуқур таҳлил этилади.

Тадқиқотни амалга оширишда Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган манбалар ва архив ҳужжатларини таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш, мавжуд маълумотларни танқидий ва объектив жиҳатдан ўрганиб, хулосалаш услубларидан фойдаланилди.

XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келаётган Қўқон хонлиги тарихининг ўрганилиш даражасини тарихий тадқиқотларнинг масалага концептуал – методологик ёндашув хусусиятларига кўра қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади:

**- Биринчи давр XIX асрнинг 30-йилларидан – XX асрнинг бошларигача ўз ичига олади.** Бу даврни икки қисмга ажратиш мумкин:

***Биринчи қисми*** XIX асрнинг 30-60 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу вақтда Қўқон хонлиги тарихи масалаларига бағишланган ишларда асосан хонликнинг ички сиёсати, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт масалалари ёритилган маълумотларни кўриш мумкин. Бу маълумотлар хонлик ҳаётини акс эттириш билан бирга кейинчалик унинг чор Россияси томонидан босиб олнишида подшо армияси ҳарбийлари учун қўлланма-маълумотнома вазифаларини ҳам бажарган. Бу маълумотлар ва асарлар ўзининг маълум даража объективлиги билан хусусиятланади.

***Иккинчи қисми*** XIX асрнинг 60-йилларидан XX аср бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда яратилган асарларда хонликнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши масалаларига кенг ўрин берилган ва уларнинг аксариятида «буюк давлатчилик» шовинизми хусусиятлари яққол сезилиб туради. Шу билан бирга айрим рус тарихчилари масалани объектив ёритиш фикрларини ҳам илгари сурадилар. Ушбу хусусиятлари билан бу даврда яратилган асарлар Қўқон хонлиги тарихи ва унинг чор Россияси томонидан босиб олиниши масалаларини ўрганишда ниҳоятда катта ахамиятга эга.

**- Иккинчи даврни Совет даври (1917-1991 йй) тарихшунослиги ташкил этади.** Бу даврни ҳам тарих фанига бўлган ёндашув хусусиятларига асосланган ҳолда уч қисмга бўлиш мумкин:

***Биринчи қисмини*** Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан – XX асрнинг 50-йиллари ўрталаригача бўлган давр билан белгилаш мумкин. Бу даврда яратилган илмий асарлар ва тадқиқотлар масалага қисман объектив ёндашуви билан хусусиятланади.

Совет даври тарихшунослигининг ***иккинчи қисми*** XX аср 50-йилларидан – 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида коммунистик мафкура ва социалистик тузум ғоялари таъсирида тарихни ўрганишга бир томонлама, Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан мустамлакага айлантирилишига «прогрессив» жараён сифатида, маҳаллий халқлар тараққиётида «буюк рус халқининг роли»ни бўрттириб кўрсатишга мойиллик ҳукм суради.

***Учинчи қисми*** XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан 90-йиллари бошигача («қайта қуриш» даври). Бу даврда асосан ўзбек олимлари томонидан эълон қилинган бир қатор илмий ишларда ва мақолаларда чор Россияси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши ва мустамлакага айлантириши жараёнларини манбалар ва архив ҳужжатлари асосида ҳаққоний ва объектив ёритишга интилиш муҳим ўрин эгаллайди.

**Учинчи давр Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан (1991 йил 31 август) кейинги йилларни ўз ичига олади.** Бу даврда амалга оширилган ва бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар ўзининг холислиги ва масалага объектив ёндашуви билан хусусиятланади.

Қўқон хонлиги тарихини, айниқса хонликнинг чор Россия томонидан босиб олиниши ва унга қарши курашларда Алиқули Амирлашкарнинг фаолиятини очиб беришда манбаларнинг ўрни ҳам ниҳоятда каттадир. Қўқон хонлиги тарихи ёритилган манбалар Бухоро

амирлиги ҳамда Хива хонлиги тарихи манбашунослигига нисбатан бой ва салмоқли бўлиб, уларни икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган тарихий асарлар бўлса, иккинчиси ҳужжатгоҳларда сақланиб турган архив ҳужжатларидир. Маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбаларнинг ўзи масалага ёндашув хусусиятлари ҳамда мазмунига кўра бир қанча турларга бўлиниши мумкин. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб XX аср бошларигача яратилган манбалар ўзларининг авалги давр манбаларига нисбатан турфалиги ва мукаммаллиги билан ажралиб туради. Хонлик тарихи ёритилган манбалар умумий ҳолда бир яхлитликни ташкил этсада, уларда мавжуд воқеликка бўлган муносабат ва унда иштирок этаётган тарихий шахсларнинг фаолиятига баҳо беришда ҳар-хиллик кўзга ташланади.

Қўқон хонлиги тарихини ёритувчи манбалар юқорида таъкидланганидек салмоқли бўлсада, ушбу тадқиқот ишини ёритишда Алиқули Амирлашкар фаолияти ёритилган асарлар ва расмий ҳужжатларга асосланилди. Жумладан, Муҳаммад Юнус ибн Муҳаммад Амин – Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар»,[1] Мулло Аваз Муҳаммад ибн Мулло Рўзи Муҳаммад Сўфи – Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи»,[2] Бекназарнинг «Амирлашкар жангномаси»,[3] Мулло Юнус Тошкандийнинг «Хотиралар»и,[4] Мулло Олим Маҳдумхожанинng «Тарихи Туркистон»,[5] Исҳоқхон Жунайдулло ўғли – Ибратнинг «Тарихи Фарғона»,[6] Мулло Холибой Мамбетовнинг «Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269–1282 саналарда қилғон футуҳотлари»,[7] Абу Убайдулло Тошкандийнинг «Хулосат ул –аҳвол»,[8] Мирзо Олим ибни Мирзо Раҳим Тошкандийнинг «Ансоб ус – салотин ва таворих ул – хавоқин»,[9] Мулло Холбек ибни Мулло Мусо Андижонийнинг «Алиқули жангномаси ва Мулло Холбек саргузаштлари»,[10] Муҳаммад Ниёз Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳруҳий»,[11] Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад Раҳим

[1] Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти қўлёзмалар хазинаси (кейинги жойларда ЎзР ФАШИ), қўлёзма, № 12136.
[2] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, №9455.
[3] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, №1925.
[4] Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Марказий Давлат кутубхонаси. В 961-3.
[5] ЎзР ФА ШИ, тошбосма, №18096.
[6] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, №11080.
[7] ЎзР А.Навоий номидаги МДК, № 10136.
[8] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 2084.
[9] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 1314
[10] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 8816.
[11] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 4463 – 1.

Тошкандийнинг «Тарихи жадиди Тошканд» асари[1] ва бошқалар ишнинг манбалари бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида сақланаётган бир қатор тарихий ҳужжатлар ҳам монорафияда фикр юритилаётган мавзунинг мукаммал ёритилиши учун муҳим манбалар ҳисобланади.[2]

Монографияда сўз юритилаётган мавзунинг илмий янгилигини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

**Биринчидан**, мазкур монорафияда Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни илк маротаба махсус ўрганилмоқда;

**Иккинчидан,** тарихда жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, бурилишлар, давлатларнинг юзага келиши ёки инқирози каби турли ҳолатларнинг юз беришига алоҳида шахсларнинг таъсири сезиларли рол ўйнаганлиги ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. XIX аср иккинчи ярмида Маллахон, Султон Саййидхон ҳукмронлиги йилларида Қўқон хонлигида марказий ҳокимиятни кучайтиришга бўлган интилиш, элчилик муносабатлари географик ҳудудларининг кенгайиши каби ҳолатларнинг вужудга келтирилиши кўп ҳолларда Алиқули Амирлашкар номи билан боғлиқ бўлди. Бунда юқорида келтириб ўтилган жараёнлар ва уларда Алиқулининг ўрни ва фаолияти илмий жиҳатдан асосланиб берилади;

**Учинчидан**, бугунги кунгача Қўқон хонлиги тарихига оид, жумладан Алиқули Амирлашкар фаолияти ёритилган бир қатор асарлар ва мақолалар эълон қилинган бўлсада, уларда Алиқули шахси билан боғлиқ маълумотлар ягона тизимга солинмаган. Мазкур монорафиянинг асосий вазифаларидан бири ана шу бўшлиқни тўлдиришдир;

**Тўртинчидан,** XIX аср 50-60 – йилларида Қўқон хонлигида ҳарбий соҳанинг аввалги даврлардаги ҳолида қолиб кетмаганлиги, гарчи хонликда кенг миқёсда ҳарбийислоҳотларни амалга ошириш учун вакт ва имкониятнинг чекланганлиги мавжуд бўлсада, ҳарбий соҳада амалга оширилган ўзгаришлар, ислоҳотлар йўлидаги ҳаракатлар ва ҳарбий соҳанинг такомиллаштирилиши борасидаги ютуқлар ҳамда унда Алиқули Амирлашкарнинг ўрни ҳақидаги маълумотлар ҳам тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади;

---

[1] ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 5732, №№ 11072,11073.

[2] ЎзР МДА. 1043-фонд. - «Архив Кокандского ханства»; 715-фонд. - «Подготовительные материалы к составленной полковником Серебренниковым публикации документов «Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания»; 1-фонд.- «Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора»; 17-фонд.- «Сырдарьинское областное управление»; 19-фонд.- «Ферганское областное управление».

**Бешинчидан,** Алиқули Амирлашкар тарихини ёритиш билан бир вақтнинг ўзида XIX асрнинг иккинчи ярмида Муҳаммад Юнус Тошкандий, Мулло Ҳолибой Мамбетов каби тарихчилар томонидан ёзилган айрим тарихий манбаларнинг, Алиқули номи билан боғлиқ айрим архив ҳужжатларининг илк бора ўрганилаётганлиги ҳам монорафиядаги фикрларнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Монографияда келтирилган маълумотларнинг амалий аҳамияти ҳақида шуни айтиб ўтиш лозимки, у Қўқон хонлиги тарихини ёритиш ва ўтмишдаги тарихий шахслар фаолиятини ўрганиш ишларига ҳисса бўлиб қўшилади.

# I БОБ АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАР ВА УНИНГ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК-МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Тарихшунослик масалалари.** Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ҳозиргача хонлик тарихи бўйича яратилган асарлар ва илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта. Ўтган бир ярим аср мобайнида хонлик тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар, айрим вақтларда тарихий жараёнлар ва воқеликни объектив баҳоламаслик ҳолатларига йўл қўйилди. Хонлик тарихини ёритишдаги бундай муносабат ушбу ҳолни тарихшунослик нуқта-назаридан чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда мавзунинг ўрганилишини мавжуд илмий тадқиқотларнинг йўналиши, давр ва бошқа хусусиятларига кўра бир неча гуруҳга бўлиб кўриб чиқиш талаб этилади.

**<u>Биринчи асосий даврга</u>** XIX аср 30-йилларидан XX асрнинг дастлабки ўн йилликларигача, яъни Туркистоннинг мустамлака даврида яратилган асарларни киритиш мумкин. Бунда айниқса рус шарқшуносларининг меҳнати салмоқли ўрин эгаллайди. Рус шарқшунослари томонидан Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошланди. Бунгача хонлик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ҳақида асосан чор армияси ҳарбийлари ва элчилик алоқалари орқали, турли йўллар билан олинган маълумотлар умумий маълумотлар тарзида тўпланган. XIX асрнинг ўрталарида ва айниқса иккинчи ярмида яратилган тарих асарларида, эсдаликларда, тавсифнома ва жосуслик хизмати ҳисоботномаларида хонликнинг асосан сўнгги давр тарихи ёритиб берилган. Шундан келиб чиқиб, бу давр тарихшунослигининг ўзини икки қисмга ажратиш мумкин.

**<u>Биринчи қисмида</u>**, яъни XIX асрнинг 50-60 - йилларигача яратилган асарлар Россия империясининг ўзбек хонликларини босиб олиш мақсадидаги ҳарбий босқинчилигини амалга ошириш вақтида фойдаланиш учун йиғилган маълумотлар бўлсада, хонликнинг шу давргача бўлган умумий аҳволи ҳақида қимматли маълумотларни бугунги кунгача етиб келишини таъминлади. Бундай асарлар қаторига Ф.Назаров,[1] Н.И.Потанин,[2] В.В.Вельяминов-Зернов,[3] М.Н.Галкин,[4]

---

[1] Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии. С.-Пб., -1821; Также: Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии. - М.: Наука, 1968. - 76 с.

А.Макшеев[5] ҳамда А.Нурекин[6] кабиларнинг асарларини ва мақолаларини киритиш мумкин.

Бу муаллифлар асарларидаги асосий хусусият шундаки, улар рус тарихчилари ёки тадқиқотчилари учун деярли номаълум бўлган Қўқон хонлиги ҳақида, унинг аҳолиси, урф-одатлари, ҳудудлари ва чегаралари, ҳарбий аҳволи ва бошқалар юзасидан асосан илк ахборотларни тўплаганлар маълумот тарзида етказиб берганлар. Шунингдек, бу асарларда кейинги даврларда юзага келган «буюк давлатчилик» ғояларини бўрттириб кўрсатиш каби ҳолатлар сезилмайди.

Мустамлака даври тарихшунослигининг **иккинчи даврида**, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган асарларда хонликнинг сўнгги даврлари ички ва ташқи сиёсати, ҳарбий аҳволи, хонликнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва тугатилиши воқеалари кенг маълумотлар асосида ёритиб берилган. Бу асарлардаги маълумотлар воқеаларнинг бевосита иштирокчилари ва айни замонда яшаган олимлар томонидан ёритилганлигига қарамай, уларда Россия империяси мустамлакачилиги манфаатларига мос равишда, буюк давлатчилик нуқтаи назаридан ёндашилганлигини кўриш мумкин. Масалага бундай концептуал ёндашувнинг асосий сабаби бир томондан буюк давлатчилик қарашлари бўлса, иккинчи томондан подшо тузумининг таъсири эди. Г.А.Аҳмаджоновнинг таъкидлаб ўтишича, “мустамлакага айлантириш ва унинг оқибатлари билан алоқадор ҳаққоний тарихий-сиёсий асарларни чоп этиш” “подшо цензураси таъқиқлари сабабли” мумкин эмас эди.[1] Бироқ, бу маълумотларни танқидий равишда жиддий ўрганиш фойдадан холи эмас. Бу даврда рус шарқшунос тарихчи олимларидан В.Бартольд, В.Пяньков, Н.Остроумов, В.Наливкин, В.Веселовский, Е.Т.Смирнов, М.А.Терентьев, К.К.Абаза, Н.Дингельштед, Н.Павлов, А.Н.Макшеев, А.Н.Куропаткин, Е.Желябужский, А.И.Добромислов, Д.Л.Иванов ва бошқалар Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг

---

[2] Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1829-1830 гг.) // Туркестанский сборник. -Т.389; // Военный журнал. С.-Пб. 1831. № 4-5. –С.35.

[3] Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худаярхана. -С.-Пб.: 1856. -С.327-371; Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Русского Географического общества. –С.-Пб. 1856. Т. 18. -С.108-151.

[4] Галкин М.Н. Краткая записка об исторических правах России на кокандские города Туркестан и Ташкент // Русский вестник. 1856. №5. Туркестанский сборник. Т.6.

[5] Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Батыришкина, бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 гг. // Вестник Русского Географического обҳества. –Ч.17 (II). –С.-Пб. 1856. -С.20-32.

[6] А.Нурекин. Очерки истории Коканда с 1841 по 1864 гг. // Туркестанские ведомости. 1871, сентябрь.

[1] Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. – Т.: Фан, 1995. – 137 с.

босиб олиниши ва мустамлака қилиниши масалаларига доир бир қанча асарлар ёзиб қолдирганлар.[1]

Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан забт этилиши бу ерда яшовчи халқлар учун «жуда фойдали бўлганлиги» ҳамда Россия Ўрта Осиёга «цивилизация олиб келганлигини» зўр бериб кўрсатишга уриниш асосан ҳарбийлар учун жуда хусусиятли бўлган. Улар орасида М.А.Терентьев томонидан ёзилган уч жилдлик «Завоевания Средней Азии» асари бошқа муаллифларнинг асарларига нисбатан воқеаларнинг кенг ва мукаммал ёритилганлиги билан алоҳида ўрин тутади.[2] Бунда муаллиф чор Россиясининг фақатгина XIX аср иккинчи ярмидаги ҳарбий юришларини эмас, балки XVIII аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларига қилинган ҳарбий юришлар тарихига ҳам кенг ўрин беради. Муаллиф ўзининг «Россия и Англия» асарида ҳам икки мустамлакачи давлатнинг ташқи сиёсий муносабатларини таҳлил қилиш билан бирга Ўрта Осиё хонликларига уюштирилган ҳарбий босқинчилик жараёнларини ҳам очиб беради. Ҳар икки асарда ҳам М.А.Терентьев воқеларни бир томонлама, яъни чор империясининг манфаатлари нуқтаи – назаридан ёритади. Бунда асосан подшо армияси аскарларининг жанг фаолиятлари воқеалар тафсилотининг марказида туради. У бошқа муаллифларга нисбатан маҳаллий тарихчилар асарларидан фойдаланиш имкониятига кўпроқ эга бўлсада, уларга масаланинг асосий манбалари сифатида қарамайди. Шунга қарамасдан, М.А.Терентьевнинг асарлари Қўқон хонлиги тарихи ва унинг чор Россияси томонидан босиб олиниши тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади ва уни танқидий жиҳатдан ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Бу даврда тадқиқотлар олиб борган рус тарихчилари орасида Е.Т.Смирнов ва Н.И.Веселовскийларнинг ишлари ўзига хос ўрин тутади. Уларнинг ҳар иккиси чор Россиясининг Ўрта Осиё

---

[1] Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании // Туркестанские ведомости. -1898. -№13, 14, 35, 37, 40; Туркестан. Соч. Т.III. – М.:1963; Коканд. Соч. III. – 1965; Пяньков В. Туркестанские дневники. М.: 1879. -С.43; Остроумов Н. Константин Петрович фон Кауфман. М.: 1887; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань. 1886; Веселовский В. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – Спб., 1894; Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. Т.: Тип С.И.Лахтина. 1889; Терентьев М.А. Россия и Англия. -М., 1879; Завоевания Средней Азии. Тт. I-III. М.1906; Абаза К.К. Завоевания Туркестана. М., 1902. Диваев А. Киргизские пословицы. М.: 1900. Стр. 13; Дингельштед Н. Наши колонизации в Средней Азии // Вестник Европы. -1892. -Кн.II -С. 231-237; Н.Павлов. История Туркестана (в связи с историческим очерком сопредельных стран: Персии, Афганистана, Белуджистана, Индии и Восточного Туркестана). -Т., 1911. -С. 138-167; А.Н.Макшеев. Исторический обзор Туркестана и наступительного движения в него русских. -Спб. 1890. С. 235 – 254; Куропаткин А.Н. Завоевание Туркмении. 1889; Желябужский Е. Очерки завоевание Хивы. 1875; Добромыслов А.И. Города Сырдарьинской области. –Т., 1912; Иванов Д.Л. Очерки военных действий в Средней Азии с 1847 по 1869 гг. Т., 1879.

[2] Терентьев М.А. История завоевании Средней Азии. – СПб., 1906.

хонликларини босиб олиши тарихини маҳаллий тарихчилар асарларини ҳам ўрганган ҳолда ёритишга катта эътибор берадилар.

Е.Т.Смирнов томонидан ёзилган «Султаны Кенисары и Садик (библиографические очерки)» номли асарда Қозоғистон ҳудудларининг чор қўшинлари томонидан босиб олинишига қарши курашган Кенисари султон, Жанубий Қозоғистон ҳудудлари, Тошкент ҳимояси, Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигининг чор Россияси қўшинларига қарши олиб борган курашларида саркардалик фаолияти билан машҳур бўлган Султон Содиқ ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади. Муаллиф ҳар икки саркарда ҳақида маълумотларни маҳаллий манбалар асосида таҳлил этиб беради. Шунингдек, ушбу асардан Қўқон хонлиги ички сиёсатига алоқадор маълумотлар билан бирга Мулло Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва саркардалик фаолияти ҳақида ўта қимматли маълумотлар ўрин олган.[1]

Н.И.Веселовскийнинг «Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае» номли асари маҳаллий тарихчи Мулло Ҳолибой Мамбетовнинг «Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари» асари асосида ёзилган ва рус тилига таржима қилиб, айрим воқеалар муаллиф томонидан таҳлил этилган. Ушбу асар Қўқон хонлигининг чор Россиясига қарши 1853 йилдан 1865 йилларгача олиб борган курашлари ҳақидаги қимматли маълумотларни ўз ичига олиш билан бирга Мулло Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолиятига ҳам кенг тўхталиб ўтилган.[2]

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, А.Зимин Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши тарихини маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган асарларни, уларда бу масалага билдирилган муносабатларини ўрганиб, холис ёндашилгандагина объектив баҳо бериш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.[3] Шу жиҳатлари билан бу олимлар томонидан ёзилган бир қанча асарлар ўзининг маълум даражада объективлилиги билан ажралиб туради, бунда улар маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган асарларни бевосита ўрганиб ва таҳлил этиб, масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилганлар.

Қўқон хонлиги тарихи масалаларига бағишланган тадқиқотларнинг **<u>иккинчи асосий даврни</u>** совет даври тарихшунослиги ташкил қилади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан XX асрнинг 40-50 - йилларигача бўлган вақт мобайнида

[1] Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. -Т.: Тип С.И.Лахтина, 1889;
[2] Веселовский Н.И. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – Спб., 1894;
[3] Веселовский В. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае. -С. 7-9.

собиқ иттифоққа бирлаштирилган мамлакатларда фаннинг барча соҳаларида социалистик тузум ва коммунистик мафкура таъсири кучайиб борди. Тарих фани соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар коммунистик мафкура тамойиллари асосида йўналтирилган бўлиб, уларда партиявий-сиёсий таъсир ва босим остида совет ижтимоий фанлари соҳасига хос бўлган методологик нохолисликлар устунлик қилади.

Бу давр мобайнида фан соҳасида бирмунча юутуқлар қўлга киритилган бўлсада, XX асрнинг 50-йилларига келиб собиқ Совет Иттифоқи марказининг миллий масалалар борасидаги сиёсатининг кучайиши, хусусан «ягона совет халқини» шакллантириш борасидаги мафкуравий сиёсати фан соҳасига, жумладан тарих фани соҳасига ҳам катта таъсир ўтказди. Ўрта Осиё давлатлари тарихининг миллий хусусиятларини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш чеклаб қўйилди. Айниқса, чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши ва мустамлакага айлантириши масаласида объективлик жиҳатлари камайди. XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, собиқ иттифоқда «қайта қуриш» жараёни бошланиши билан ошкоралик ва демократия тамойиллари юзага чиқа бошлади. Тарих фани соҳасида, айниқса, чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши ва мустамлакага айлантириш борасида илмий жиҳатдан асосланган ва коммунистик мафкурадан ҳоли бўлган фикрларни билдириш учун кенг имкониятлар юзага келди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Советлар даври (1917-1991 йй.) тарихшунослигини, гарчи у умумий яхлитликни ташкил этсада, масалага бўлган ёндашув хусусиятига асосан уч қисмга бўлиш мумкин.

**<u>Биринчи қисми</u>** Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан XX асрнинг 50-йиллари ўрталаригача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда А.Ф.Калужин, А.Баймурзин, Г.А.Пляшко, А.Попов ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ва тарих китобларида Қўқон хонлиги тарихи ва чор Россияси томонидан унинг мустамлакага айлантирилиши масалалари қисман аввалги давр тадқиқотлари анъаналарини давом эттирган ҳолда, яъни воқеаларни манбалар ва архив ҳужжатлари асосида деярли объектив равишда ёритишга ҳаракат қилганлар.[1]

---

[1] Калужин А.Ф. Из истории завоевания Узбекистана царской России // Труды Узб. гос. ун-та. Самарканд. 1939. Т.16. С.109; Баймурзин А. Из истории захвата царизмом Большой и Средней Орды. // Изв. Каз филиала АН СССР. Серия история. Алма-Ата. 1940. -Вўп.I. -С.95; Пляшко Г.А. К истории русско - английских отношений в Средней Азии. Дисс … канд.ист.наук. -Кировоград,, 1953; Попов А. Из истории завоевания Средней Азии. -М.- Л. Наука, 1940.

Қўқон хонлиги тарихи масалаларини ёритишда бир томонлама, «буюк давлатчилик шовинизми» нуқтаи назаридан ёндашувни Совет даври тарихшунослигининг **иккинчи қисмида** яққол кўриш мумкин. Бу давр XX асрнинг 50-йилларидан 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган вақтни ўз ичига олади.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёни «босиб олиши» ибораси ўрнига сунъий равишда «қўшиб олиши» ибораси ишлатила бошланди. Мазкур жараён 1955 ва 1959 йилларда Ўрта Осиёнинг 1917 йилгача бўлган тарихига бағишланган бирлашган илмий анжуманлардан сўнг янада авж олди. Уларда расмий равишда Ўрта Осиёнинг чор Россияси «қўшиб олиниши», маҳаллий халқларнинг империя таркибига «ихтиёрий» равишда «қўшилганлиги»нинг «прогрессив натижалари» таъкидлаб ўтилди.[1] Айнан шу вақтдан бошлаб амалга оширилган илмий тадқиқотларда ҳамда мақола ва асарларда масалага холис, илмийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан объектив ёндашувга тўла амал қилиш камайди. Бу ҳолни XX асрнинг 50-80 йилларида тадқиқот олиб борган аксарият тарихчиларнинг асарларида кузатиш мумкин.

Жумладан, К.Усенбаев,[2] С.Сагатов,[3] С.Т.Тилеуқулов,[4] Л.Д.Дергачёва,[5] Р.Бекназаров,[6] А.Х.Хасанов,[7] Х.Ш.Иноятова,[8] Н.Халфин,[9] Р.Набиев,[10] Ҳ.З.Зиёев,[11] О.Бўриев ва А.Ўринбоев[12] ҳамда бошқаларнинг илмий тадқиқотларида Россия империяси томонидан ўзбек хонликларининг босиб олиниши воқеалари анча батафсил, манбалар ҳамда архив ҳужжатлари асосида ёритиб берилган бўлсада, коммунистик мафкура тазйиқи ва цензураси таъсирида масаланинг асл

---

1 Материалы объединенной научной сессии, посвяҳенной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. – Т., 1955; Материалы объединенной научной сессии, посвященной прогрессивному значению присоединения Средней Азии к России. – Т., 1959.

2 Усенбаев К. Присоединение Южной Киргизии к России. Дисс … канд. ист. наук. - Фрунзе, 1954.

3 Сагатов С. Присоединения Узбекистана к России и его значение: Дисс … канд. ист. наук. -М., 1957.

4 Тилеукулов С.Т. К истории присоединения Чимкента к России // Учёные записки кафедры истории СССР. Вып. XXIII, часть III. –Т., -1960. -С.159-173.

5 Дергачёва Л.Д. Средня Азия в политике России 1857-1868 гг. (Борьба правительств и обҳественных группировок): Дисс … канд. ист. наук. -М. -1967.

6 Бекназаров Р. Юг Казахстана в составе Кокандского ханства и его присоединение к России (по русским архивным и опубликованным материалам): Дисс … канд. ист. наук. -Алма-Ата, 1969.

7 Хасанов А.Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. -М.: Наука, -1977. – 96 с.

8 Иноятов Х.Ш. Қўқон хонлиги Россияга қўшилиш арафасида ва 1875 – 1886 йиллардаги Қўқон хонлигидаги қўзғолон. -Т.: 1956.

9 Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-80 гг. XIX в). М.: Наука, 1965; Политика России в Средней Азии (1857 – 1868). -М.: Наука, 1960; О движущих мотивах политики России в Средней Азии (60-70-ые годы XIX века) // История СССР. -1970. -№4, -С129-135.

10 Набиев Р. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоёрхана). –Т.: Фан, 1973.

11 Зиёев Ҳ.З. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. -Т.: Фан, 1966.

12 Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Известия АН УзССР. Серия общественных наук.–1957. -№3. -С.33-38.

моҳиятини очиб беришда тўсқинликка учрадилар ва айни вақтда чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олинишининг «прогрессив ахамияти»га ҳам алоҳида урғу беришга мажбур бўлдилар.

Тарихшунослик масалаларининг бу босқичидаги тарихий тадқиқотлар орасида Х.З.Зияев, Х.Ш.Иноятов, Р.Н.Набиев, А.Попов, Н.А.Халфин каби тадқиқотчиларнинг асарлари алоҳида ўрин тутади. Ўрганилаётган мавзу юзасидан уларнинг амалга оширган энг катта хизматлари мавзуга алоқадор маълумотларни тўплаш ва системалаштириш, янги манбаларни илмий муомалага киритиш Қўқон хонлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий – сиёсий ҳаёти ҳамда хонликда содир бўлган тарихий жараёнлар ва чор Россиясининг ҳарбий босқиничилиги масалаларини чуқур илмий таҳлил қилиш билан белгиланади. Буларнинг барчаси ўрганилаётган муаммо юзасидан тарихий билимлар савиясининг ортишига хизмат қилди. Бироқ, мавжуд тоталитар тузумнинг партиявий – сиёсий мафкураси таъсири ва таъқиқлари туфайли мазкур олимлар ҳам ўз ишларида тарихий воқеликни асл ҳолида кўрсатиб беришда тўсқинликка учрадилар.

Р.Н.Набиевнинг «Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоёрхана)» номли монографияси хонлик иқтисодий ва ижтимоий, жумладан сиёсий тарихининг энг муҳим жиҳатларини ёритиб берадиган ва бу даврда маҳаллий тарихчиларнинг асарлари асосида ёзилган диққатга сазовор асар бўлишига қарамасдан, марказнинг Ўзбекистон тарихига бўлган чеклаш сиёсати таъсирида ундан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди. Асар совет даври тарихий тадқиқотлари доирасида амалга оширилган бўлиб, унга ҳам шу давр тарихий тадқиқотлар учун айрим умумий методологик хусусиятлар хос бўлсада, бироқ муаллиф томонидан хонлик тарихига оид бўлган кўплаб маҳаллий тарихчилар асарлари, архив ҳужжатлари асосида мукаммал тадқиқотни амалга оширилади. Бироқ бундай мукаммаллик подшо Россияси мафкуравий қарашларидан сақланиб қолган ҳамда совет давридаги мавжуд партиявий – сиёсий тамойилларига асосланган «чоризмнинг Ўрта Осиёга цивилизация олиб келганлиги»га зид бўлганлиги учун монография қатағонга учради.

Асарда хонликнинг Худоёрхон ҳукмронлиги давридаги иқтисодий соҳаси тарихини ўрганишга асосий урғу берилиб, бу ҳақда кенг маълумотлар ва илмий таҳлил келтирилган бўлсада, айни вақтда хонликнинг XIX аср ўрталаридаги сиёсий аҳволи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олиш мумкин.[1]

---

[1] Набиев Р. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоёрхана). –Т.: Фан, 1973.

Совет даври тарихшунослигида чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини мустамлага айлантириши масалаларига бир томонлама ёндашиш ҳолати айниқса Н.А.Халфиннинг тадқиқотларида яққол ўз аксини топган.[1] Н.А.Халфин ўзининг «Присоединение Средней Азии к России (60–80 годы XIX века)» асарида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг мустамлакага айлантирилиши масаласи юзасидан кўплаб қимматли маълумотларни берган бўлсада, «қўшиб олиниши» ва унинг «ижобий аҳамияти» ҳақидаги сохта қарашларга кенг ўрин беради. Маҳаллий халқларнинг «рус ҳарбийларидан ўз хонлари зулмидан озод қилишни илтимос қилганликлари»,[2] мустамлакачилик сиёсатининг хонликлар аҳолиси учун «ижобий жараён» сифатида бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилинади.[3]

Бироқ бу билан юқорида номлари келтирилган муаллифлар асарларининг илмий қиймати пасаймайди ва уларни тарихни ўрганишда яроқсиз деб ҳисоблаш мутлақо нотўғри бўлади. Аксинча, уларда келтирилган қимматли маълумотлар ва тарихий таҳлилларни чуқур ўрганиб, айрим ҳолларда танқидий ёндашиб илмий хулосалар чиқарилиши бугунги кун тарихшунослигида мухим ахамият касб этади. Совет даври, шунингдек чор Россияси мустамлакаси даври тарихшунослигини илмий жиҳатдан синчиклаб ўрганиш, хаққонийлик ва холислик, объективлик ва тарихийлик тамойилларига амал қилган ҳолда илмий асосланган назарий хулосалар чиқариш тарихчилар олдидаги ўта муҳим вазифадир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида номлари келтирилган муаллифлар Алиқули Амирлашкар шахси билан боғлиқ масалага махсус тўхталиб ўтмаганлар.

Совет даври тарихшунослигининг **учинчи қисми** XX асрнинг 80 -йиллари иккинчи ярми билан белгиланади. 80 - йилларнинг охирларига келиб масалага объектив, тарихийлик нуқтаи-назаридан ёндашиш кучайиб борди. Тарихчи олимлардан бири З.Ҳ.Зиёевнинг ташаббуси билан 1990 йил ўтказилган «Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши» мавзусидаги илмий анжуман масалага тубдан янгича ёндашувга асос яратди. Буни ўша йиллардаёқ олим томонидан эълон қилинган бир қанча мақолаларда ҳам кузатиш мумкин.[4]

---

[1] Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-80 гг. XIX в). -М.: Наука, 1965; Политика России в Средней Азии (1857 – 1868). -М., Наука, 1960; О движущих мотивах политики России в Средней Азии (60-70-ые годы XIX века) // История СССР. -1970. -№4, -С.129-135;

[2] Присоединение Средней Азии к России. -С 4-5.

[3] Присоединение Средней Азии к России. -С. 427

[4] Зияев Х.З. «К истории завоевания узбекских ханств». // Общественные науки в Узбекистане. -1990. №2; «Завоевания Бухарского и Хивинского ханств». // Общественные науки в Узбекистане. -1990. -№8.

Ҳ.Н.Бобобеков ҳам ўзининг бир қатор илмий мақолаларида чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши масаласига доир долзарб масалаларни кўтариб чиқади.[1] «Қайта қуриш» сиёсати давом этиб турган 1989 йилдаёқ у ўзининг «Россия Ўрта Осиёни босиб олганми?» ҳамда «Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми?» номли икки мақоласида архив ҳужжатлари ва айрим маҳаллий тарихчилар асарлари асосида Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан ҳарбий зўравонлик ва босқинчилик юришлари орқали босиб олганлигини исботлаб берди.[2] Ҳ.Н.Бобобеков ўзининг бу илмий қарашларини «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические предпосылки» номли монографиясида ҳам давом эттирди.

Ушбу олимларнинг бу йилларда яратган илмий хулосалари ҳақли равишда шу вақтгача Ўзбекистон тарихига нисбатан ҳукм сурган мафкуравий тазйиқни рўйи-рост очиб ташлади ва тарихни объектив ва холислик нуқтаи назаридан ўрганишга бўлган муносабатнинг юзага келишига туртки бўлди.

Қўқон хонлиги тарихи тарихшунослигининг у**чинчи асосий даврини** Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши ва мустақиллик йилларида яратилган илмий асарларни ва тадқиқотлар ташкил этади.

Мустақиллик йилларида Ҳ.З.Зиёев, Ҳ.Н.Бобобеков, Ш.Ҳ.Воҳидов, Ғ.Аҳмаджонов, Н.А.Абдурахимова ва бошқалар томонидан Қўқон хонлиги ва Россия империяси мустамлакачилиги тарихига бағишланган бир қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди ва асарлар яратилди.[3] Ҳ.З.Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш»[4] асари кейинги йилларда нашр этилган ишлар орасида ўзининг мукаммаллиги билан алоҳида ўрин тутади. Асарда Россия империясининг Ўрта Осиё хонликларига ҳарбий юришлари, мустамлакачиликнинг ўрнатилиши ва унинг моҳияти, миллий истиқлол учун курашган ватанпарварлар, жумладан Алиқули Амирлашкар фаолиятига ҳам кенг ўрин ажратади. Бироқ бунда Алиқули Амирлашкарнинг ҳаёти ва фаолияти махсус ёритилмай, воқеалар ривожи жараёнидагина тўхталиб ўтилади. Шунга қарамай

---

[1] Бобобеков Ҳ.Н. Россия Ўрта Осиёни босиб олганми? // Фан ва турмуш, - 1989, - 8-сон; Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми? // Фан ва турмуш, - 1989, -10-сон.

[2] Ўша жойда.

[3] Зиёев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарк, 1998; Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально – экономические и политические предпосўлки (XVIII – XIX вв). Дисс … д-ра ист. наук. - Т. - 1991. 302 с. Воҳидов Ш.Ҳ. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари д-ри илм. 1998. - 240 б.

[4] Зиёев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарқ. 1998. -478 б.

бугунги кунгача ўз илмий ишларида Алиқули Амирлашкар фаолиятига қисман ўрин берган муаллифлар орасида Ҳ.З.Зиёев томонидан айрим манбалар асосида берилган маълумотлар диққатга сазовордир. Ҳ.Н.Бобобеков ўз илмий тадқиқот ишларида XIX аср иккинчи ярмида Қўқон хонлигида юз берган миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг сабаблари ва натижаларини ёритишга катта аҳамият берган.[1]

Ш.Ҳ.Воҳидов ўз илмий тадқиқот ишида Қўқон хонлиги тарихшунослик мактабининг шаклланиши ва хусусиятлари ҳамда манбалар таҳлилига бошқа тадқиқотчиларга нисбатан кенгроқ тўхталиб ўтади.[2]

Ғ.Аҳмаджоновнинг «Российская империя в Централной Азии» номли монографияси чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини мустамлакага айлантириши ва империянинг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати тарихининг тарихшунослигига бағишланган бўлиб, бу соҳада тадқиқот олиб борган бир қатор олимларнинг илмий хулосалари тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилган.[3]

Н.А.Абдурахимова ва Г.Рустамовалар томонидан чоп этилган «Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I четвертьи XX века» номли монографиясида чор Россиясининг Туркистон ўлкасида олиб борган мустамлака сиёсати ва бошқарув тизимининг асосий хусусиятлари ёритиб берилган.[4] Ж.Ҳ.Исмоилова эса XIX аср охири - XX аср бошларида миллий – озодлик ҳаракатларининг янги босқичга кўтарилганлиги масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борди.[5]

Шу соҳада айрим манбалар билан танишиб, ўзига хос тадқиқот ишлари олиб борган адабиётшунос олим Ш.Юсупов Алиқули Амирлашкар шахси билан боғлиқ маълумотларга бир мунча батафсил тавсиф беришга ҳаракат қилган. У Алиқули Амирлашкар фаолиятини асосан Ибратнинг «Тарихи Фарғона», Мулло Олим Маҳдумҳожанинг «Тарихи Туркистон», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарлари асосида ёритиб берган.[6]

---

[1] Бобобеков Ҳ. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. -Т.: Шарқ, 2000. Б. 160–163.

[2] Воҳидов Ш.Ҳ. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари д-ри ... диссер. -Т. -1998; Қаранг: Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. -1996. №1-2; Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ юлдузи. 1998 йил. 6–сон; Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. Т.: Фан, 1996. Б. 49.

[3] Ахмеджанов Г.А. Российская империя в центральной Азии (история и историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Т.: Фан, 1995. – 218 с.

[4] Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I четвертьи XX века. Т.: Университет, -1999, -162 с.

[5] Исмаилова Ж.Х. Национально - освободительное движения в Туркестане в начале XX века. Автореф. дисс. … д-ра. ист. наук. – Т., 2002, 27 с.

[6] Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. -Т.: Маънавият, 1999. Б. 80-95.

Келтириб ўтилган асарлар билан бир қаторда ҳорижлик тарихчи олимлар ҳам XIX аср иккинчи ярми Қўқон хонлиги ва Россия империяси ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласига тўхталиб ўтганлар. Ҳориж олимлари томонидан чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларига қарши олиб борган ҳарбий сиёсати ва уларни мустамлакага айлантириши тарихи масаласида олиб борган тадқиқот ишлари ҳам ўрганилаётган мавзунинг таҳлилини чуқуррок ва кенгроқ таҳлил этишда катта аҳамиятга эга. Тоталитар тузум даврида мурожаат қилиш ва ўрганилиши таъқиқланган ҳориж тадқиқотчиларининг асарларида совет тадқиқотчилари учун мумкин бўлмаган тарихий таҳлилга кенг ўрин берилган ҳамда тарихий жараёнларнинг асл моҳияти очиқ ойдин ёритиб берилган. Бундай тадқиқотчилар ва уларнинг асарлари орасида Д.Бергхорн, Э.Бэкон, Р.Коннуэст, Э.Оллворт, Т.Рановски–Хармстоун, Л.Тиллет, Д.Уилер, Д.Хусон ва бошқаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар ҳақли равишда совет тарихшунослик фани ва унда йўл қўйилаётган ҳаддан ташқари мафкуравий ёндашишни қаттиқ танқид қилган эдилар.[1]

Ўзида Қўқон хонлиги тарихи, айниқса хонликнинг элчилик масалалари билан боғлиқ сиёсати ҳақида қимматли маълумотларни жамлаган М.Сарай ва Иналчикларнинг асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳориж тадқиқотлари саналади. Бу асарлар Алиқулининг Турк султонига юборган элчилик масалаларининг батафсил ёритиб берилганлиги билан аҳамиятлидир.[2] Японияниңг Токио университети (Х.Коматцу) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Б.М.Бобожонов, Ш.Х.Воҳидов) ҳамкорлигида Японияда чоп этилган «Туҳфа-йи Таиб» асарида муаллифлар манбаларга асосланган ҳолда Қўқон хонлигининг чор Россиясига қарши курашлари ҳамда хонликнинг ички сиёсати масалалари билан биргаликда Алиқули Амирлашкарнинг номини ҳам тўғри келтирадилар[3].

Юқорида санаб ўтилган асарларда учрайдиган умумий камчилик Алиқули Амирлашкар исмининг нотўғри ифодаланишидир. Бундай

---

[1] Barghorn L. Sovet Russian Nationalism. – New York, 1956; J. Wheeter. The modern history of Central Asia. – London, 1964; E.A. Allworth. Uzbek Literary politics – New York 1964; E. Bacon. Central Asiens under Russians Rule. – New York, 1966; R. Conguest. Soviet Nationalitiea in Practice. – London, 1967; L. Tillet. The Great Friendship. Soviet Historians on the Non-Russian Nationalities. – North Carolina, 1969. T. Rakovska-Harmstone. Russian and Nationalism in Central Asia. – Baltimore, 1970; D.Hooson. The Soviet Union. People and Regions – California, 1977 и др.

[2] Saray M. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabetler(1775-1875). -Ankara. 1994. -S74. Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. – Istanbul. 1975. -S.35. Inalcik. Osmanli – Rus rekabetinin mensei ve Volga – Don kanali tesebbusi.- Ankara. 1948. -S349-402.

[3] Муҳаммад Йунус Хаджа б. Муҳаммад Амин-Хаджа. Туҳфа-йи Таиб // Islamic Area Studies Project Central Asian research Series –Ташкент-Токио. 2002. -№ 6. -С.1.

ҳолни бошқа нашрларда, хусусан «Ўзбекистоннинг янги тарихи» мажмуасининг биринчи китобида, мактаб дарсликларида, бадиий адабиётларда ҳам кўриш мумкин.[1]

Мустақиллик йилларида яратилган асарлар орасида алоҳида муҳим ўринга эга бўлган «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобининг «Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида» номли биринчи қисми кейинги йилларда яратилган салмоқли асарлардан биридир. Асарда кўплаб қимматли маълумотлар архив манбалари ҳамда қўлёзма манбаларга асосланганлиги унинг илмий қимматини янада оширади. Бироқ айрим ҳолларда аниқлик талаб этиладиган маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, муаллифлар Алиқули Амирлашкарнинг М.Черняев билан сулҳ борасида олиб борган алоқалари хусусида сўз юритар эканлар, унинг айрим мулоҳазаларини Муҳаммад Юнус Тоиб асарига асосланган ҳолда, «…бул тараф Ўрунбурх, ул тараф Симфулод (Симферопол) ва Шомғача олур эрдук…», - тарзида келтириб ўтадилар. Бундан «Симферополдан Шомғача» сўз борганлиги ҳақида маъно келиб чиқади. Бироқ бу сўз қўлёзмада Шом (Сурия – З.И.) тарзида эмас, балки Шамай (Семипалатинск (Семей) – З.И.) тарзида ёзилган. Бундан келиб чиқадики, Алиқули Амирлашкар бу ерда Симферополдан Суриягача эмас, балки Россия империясининг жанубий ҳудудлари, Симферополдан Семипалатинсккача бўлган ҳудудларни кўзда тутган.[2]

Тарихчилар билан бир қаторда бадиий адабиёт соҳасида қалам тебратувчи адиблар ҳам бу масалага тўхталиб ўтганлар. Жумладан, Тоғай Мурод ва Аббос Саид[3] ўз асарларида фақат биргина жойда Алиқули Амирлашкар номини тилга олсалар, қирғиз адиби Тўлаган Қосимбеков ўзининг «Синган қилич» романида Алиқули Амирлашкар шахсини тасвирлашга ҳаракат қилади.[4]

Юқоридагилардан кўринадики, келтириб ўтилган асарларда муаллифлар Алиқули Амирлашкар фаолияти ва ҳаётига махсус тўхталиб ўтмаганлар ва бу масалани алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этмаганлар. Уларда Алиқули Амирлашкар шахси билан боғлиқ бўлган у ёки бу масалани ёритиш билан чекланилган, бироқ маълумотлар таҳлил этилмаган. Ушбу монографияда бу

---

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. -Т.: Шарқ. -1998; Бобобеков Ҳ, Содиқов Ҳ, Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи. -Т.: Ўқитувчи. -1994; Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи. -Т.: Ўқитувчи. -1999; Қосимбеков Т. Синган қилич. Т.: Адабиёт ва санъат нашр.
1980. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. -Т.: Шарқ. 1997. Аббос Саид. Беш кунлик дунё. -Т.: Шарқ, 1996.

[2] Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. – Б. 67.

[3] Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. -Т.: Шарқ. 1997. -272 б. Аббос Саид. Беш кунлик дунё. -Т.: Шарқ, 1996.

[4] Қосимбеков Т. Синган қилич. -Т.: Адаб.ва санъат нашр., 1980. -382 б.

масалани махсус тадқиқ этиш ва илмий таҳлилни амалга ошириб, хулосалаб бериш кўзда тутилди.

**Манбашунослик масалалари.** XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қўқон тарихнавислиги махсус фан даражасига кўтарилди. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлиги тарихшунослик мактаби ривожланиб, хонлик ҳаётининг барча соҳаларини ёритиб берувчи кўплаб қимматли асарлар яратилди.[1] Улар орасида маҳаллий тарихчилар томонидан Россия империясининг Қўқон хонлигини босиб олиши воқеаларини акс эттирувчи бир қатор асарлар ёзиб қолдирилган.

XIX асрнинг 60–йиллари иккинчи ярми – 70-йилларида Бекназар ҳамда Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийлар томонидан яратилган манбалар бўлиб ўтган воқеаларга объектив нуқтаи–назардан ёндашиш кузатилади. Шу билан бирга бевосита монография мавзусига оид бўлган Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ҳам батафсил тарзда ёритиб берилган.[2] Бекназар ва Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий асарлари воқеаларнинг холисона, жонли ва ишонарли тарзда ёритилганлиги билан ажралиб туради.

Бекназарнинг «Амирлашкар жангномаси» ҳижрий 1269 (милодий 1878) йилда Муҳаммад Ниёз Охунд томонидан кўчирилган бўлиб, 17 варақдаги 238 байтдан иборат шеърий асардир. «Амирлашкар жангномаси» араб алифбосида, настаълиқ хатида ўзбек тилида ёзилган бўлиб, Бекназар ўз асарига махсус сарлавҳа қўймаган. Муаллиф чор Россиясининг ҳарбий босқинчилигига қарши курашларда фаол иштирок этиб, кўплаб жанглар ва уларда Алиқули Амирлашкарнинг саркардалик фаолиятининг гувоҳи бўлган. У ўз асарида нафақат Алиқули Амирлашкар фаолияти билан боғлиқ воқеаларни, балки Қўқон хонлигининг ички сиёсати билан алоқадор бир қатор воқеаларни ҳам ёритиб берган.[3]

Мулло Аваз Муҳаммад ибн Мулло Рўзи Муҳаммад Сўфи - Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи» асари икки жилддан иборат бўлиб, тожик тилида, араб алифбосининг настаълиқ хатида ёзилган. Бу асар манбашунос олим Ш.Ҳ.Воҳидов томонидан чуқур ўрганилган.[4] Олимнинг таъкидлаб ўтишича, «Тарихи

---

[1] Қаранг: Воҳидов Ш.Ҳ. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари д-ри … 1998. - 240 б.

[2] Тарихи жаҳоннамойи, Б. 309а-321б.

[3] ЎзР ФА ШИ, №1925 рақамли қўлёзма баёзнинг 70б-87б – варақлари.

[4] Воҳидов Ш.Ҳ. О двух редакциях сочинения Аваз Мухаммад Аттара Хуканди // Адабий мерос. -1989. -№1. (47). –С.37-42; Аваз Мухаммад Аттар Хуканди и его сочинание «Тарих-и жахоннамойи» исследование, перевод и примечания: Автореф. дис. … канд. ист. наук. –Т., 1990, -19 с; XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фанлари д-ри… -1998. - 240 б; Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ юлдузи. -1998, №6. –С.119-141.

жаҳоннамойи» асарининг биринчи жилди бугунги кунда Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик Институтининг Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар хазинасида С 439 рақами остида сақланади.[1]

Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий ўз асарида ушбу монографияда тадқиқ этилаётган Алиқули Амирлашкар шахси ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни масаласи билан боғлиқ кўплаб қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Муаллиф Қўқон хонлигининг чор қўшинларига қарши олиб борган курашлари тарихини ёритар экан, унда Алиқули Амирлашкарнинг саркардалик фаолиятига жуда юқори баҳо беради. Айрим ҳолларда унинг маълумотларида муболаға ҳолатлари учраса-да, ўз навбатида маълумотлар ҳам мукаммаллиги билан бошқа асарларга нисбатан ажралиб туради. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий Алиқули Амирлашкарнинг ўлимигача бўлган жанг тафсилотларини тўлиқ ёритиб бергач, ундан сўнг Амирлашкарнинг таржимаи ҳолини ёритиб беришга ўтади.[2] Шу ўринда ушбу монография муаллифи тадқиқотни бажаришда «Тарихи жаҳоннамойи» асарининг Ш.Ҳ.Воҳидов томонидан амалга оширилган мукаммал таржималаридан ҳам фойдаланганлигини таъкидлаб ўтишни ўринли деб билади. Бундай асарлар қаторига Муҳаммад Юнус Тоибнинг “Тарихи Алиқули Амирлашкар” асарини ҳам киритиш мумкин.[3] Тоибнинг “Тарихи Алиқули Амирлашкар” асари 196 бет (98 варақ)дан иборат бўлиб, ўзбек тилида, араб алифбосининг настаълиқ хатида насрий усулда ёзилган асардир.

Муҳаммад Юнус Тоиб Қўқон хонлигида 1860-1865 йиллар давомида шиғовуллик мансабида фаолият юритиш билан бирга Алиқули Амирлашкар юритган сиёсатнинг фаол иштирокчиси бўлган. Муҳаммад Юнус Тоиб маслаҳати билан XIX асрнинг 60-йиллари ўрталарида Қўқон хонлигидан Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Англия ва Россияга элчиликлар уюштирилган. Тоиб Алиқули Амирлашкар билан биргаликда Авлиёота, Туркистон, Чимкент, Тошкент мудофааларида фаол иштирок этган, ҳар бир жанг ҳаракатлари ва хонлик ички сиёсатида Алиқули Амирлашкар томонидан олиб борилаётган сиёсатда унга яқиндан кўмак берган. Кейинчалик Муҳаммад Юнус Тоиб Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берувчи “Тарихи Алиқули Амирлашкар” асарини ёзади. Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолияти ёритилган асарлар орасида “Тарихи Алиқули Амирлашкар” ўзининг энг мукаммаллиги ва

[1] XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фанлари д-ри… 1998. – 159 б.
[2] Тарихи жаҳоннамойи. 302б – 328б – вв.
[3] ЎзР ФАШИ, қўлёзма, № 12136.

ишончлилиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асар турли вақтларда Ш.Воҳидов, Р.Шамсутдиновлар томонидан мустақил тарзда ҳозирги ёзувга ўгириб ўрганилган.[1] Ушбу монография муаллифининг ҳам мустақил равишда асарни ўрганиши натижасида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг ҳар иккисида ҳам таржимада айрим хатоларга йўл қўйилиб, Алиқулининг исми "Алимқул" тарзида нотўғри кўрсатилган. Кейинчалик Ш.Воҳидов бу фикрнинг нотўғрилигини эътироф этиб, Амирлашкарнинг исми "Алимқул" эмас, балки "Алиқули" эканлигини таъкидлаб ўтган эди.[2]

Муҳаммад Юнус Тоибнинг "Тарихи Алиқули Амирлашкар" асари Алиқули Амирлашкар шахси ва фаолиятини ёритиб берувчи таржимаи ҳол тарзидаги асардир. Бу асарда юқорида айтилган маълумотлар билан бирга Қўқон хонлари Маллахон, Султон Саййидхон ва бошқалар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди.

Қўқон хонлиги тарихи ва чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши тарихи масалаларини ёритиб берувчи манбалардан яна бири Мулло Ҳолбек ибн Мулло Мусо Андижонийнинг "Алиқули жангномаси ва Мулло Ҳолбек саргузаштлари" асаридир. Асар ўзбек тилида, араб алифбосининг настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, 75 варақдан иборат. Асарнинг сақланиб қолган нусхаси тўлиқ бўлмай, унинг охирги варақлари қўлёзмадан тушиб қолган ёки йўқолган.[3]

Мулло Ҳолбекнинг асари Қўқон хонлиги тарихига бағишланган бўлиб, унинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, Алиқули Амирлашкар ва унинг ҳарбий юришлари, унинг Тошкент мудофаасида ҳалок бўлиши воқеаларини баён этади. Шунингдек асарда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати, турли жиноий ишлари ва мазлум халқнинг азоб-уқубатлари ҳақида аниқ ва ишонарли далиллар билан ёритилиши асарнинг манбавий қимматини янада оширади.

Мулло Ҳолбек чор ҳукмронлигига қарши чиқиб, ахлоқнинг бузилиши, Фарғона аҳлидан бирлик, иттифоқнинг кетганлигини сабабчи деб билади. Чор қўшинлари билан курашларда катта маҳорат кўрсатган Алиқули Амирлашкар, Мингбой парвоначи каби саркардаларга юқори баҳо бериб, улар тарихда из қолдирганлигини таъкидлаб ўтади.[4]

---

[1] Қаранг: Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар. // Шарқ юлдузи. 1996,-№1-2. –Б.214-217; Муҳаммад Юнус Тоиб. Амирлашкар Алимқул тарихи. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази. 1997. Б.12-54.

[2] Қаранг: Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи Азизий. -Т.: Маънавият, 1999. Б.107.

[3] ЎзР ФА Шарқшунослик Институти қўлёзмалар хазинаси, №8816.

[4] Алиқули жангномаси ва Мулло Ҳолбек саргузаштлари. 8а-32а.

Бу асар Қўқон хонлиги тарихи, чор ҳукумати мустамлакачилиги сиёсати тарихи ҳамда Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда муҳим манба саналиши шубҳасиз.

Қўқон хонлиги тарихи ҳақида қимматли маълумотларни берувчи мукаммал битилган манбалардан бири "Тарихи жадиди Тошканд" асаридир. Бу асар Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандий қаламига мансуб бўлиб, хонлик тарихига оид йирик манбалардан биридир. Асар араб алифбосининг настаълиқ хатида ўзбек тилида ёзилган бўлиб, бир неча нусхаси мавжуд.[1]

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий чор Россиясининг Қўқон хонлигига қарши ҳарбий юришларига қарши курашларда, хусусан Тошкент мудофаасида энг фаол иштирок этган тарихчилардан биридир. У бўлиб ўтган жанглар ва тўқнашувлар, уларда содир бўлган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва уларда бевосита иштирок этган. Шу жиҳатдан олганда "Тарихи жадиди Тошканд" асари тадқиқотни амалга оширишда энг асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Алиқули Амирлашкарнинг Тошкент мудофаасида олиб борган жангларини тасвирлар экан, энг майда тафсилотларгача маълумот бериб ўтади. Айниқса, Тошкент мудофаасида юзага келган қипчоқларнинг хоинлик ҳаракатлари ва жангга кирмасликлари оқибатида мудофаачиларнинг оғир қийинчиликларга учраганлиги, муаллифнинг ўзи эса жанг кетаётган айни вақтнинг ўзида қўшин хазинасига нисбатан талончиликнинг олдини олганлиги тафсилотларини ниҳоятда ўринли келтириб ўтади.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Қўқон хонлиги қўшинларига бошчилик қилиб, Тошкент шаҳрига етиб келган Алиқули Амирлашкарни халқ томонидан катта умид ва ишонч билан кутиб олинганлиги, мудофаада шаҳарнинг барча аҳолиси фаол иштирок этганлиги тўғрисида қимматли маълумотларни бериб ўтади. Алиқулининг жангдаги иштироки ва ҳалок бўлиши тафсилотларини турли гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида айнан тасвирлаётганлигига алоҳида урғу бериб ўтади.[2]

"Тарихи жадиди Тошканд" асаридан бир қатор тадқиқотчилар ўз илмий ишларида фойдаланганлар, айниқса Ҳ.З.Зиёев ўз асарларида бу манбадан ниҳоятда кенг фойдаланган ва ундаги Алиқули Амирлашкар тўғрисидаги қимматли маълумотларни ўз ўрнида келтириб ўтган.[3]

---

[1] Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандий. Тарихи жадиди Тошканд. Қўлёзма, ЎзФАШИ, №№ 7791, 11072, 11073, 5732.

[2] Тарихи жадиди Тошканд. Б. 431-522.

[3] Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Б. 101-195.

XIX аср иккинчи ярмида Қўқон хонлиги тарихи ҳақида ёзилган манбалардан яна бири Мулла Ниёз Муҳаммад Ҳўқандийнинг «Тарихи Шохрухий» асаридир. Муҳаммад Ниёз Ҳўқандий сарой амалдорлари сафига кирганлиги учун Шералихон ҳукмронлигидан XIX асрнинг 70-йилларигача юз берган сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этган. Муаллиф ўз асарида хонлик ички сиёсий ҳаётининг барча томонларини атрофлича ёритиш билан бирга, хонларнинг ташқи сиёсатга муносабати, ҳарбий аҳволнинг ёмонлиги ва ачинарлиси, ҳарбий аҳволнинг шундай қолиб кетганлиги, хаттоки чор Россиясининг дастлабки ҳарбий юришларида хонлик аскарларининг мағлубиятга учраши ва шаҳарларнинг қўлдан бой берилишини хонларнинг бепарволиги оқибатида эди, дея баҳолайди.[1] Шунингдек асарда Худоёрхон ва Маллахон даври сиёсий гуруҳбозликларнинг кучайиши, бундан аввалроқ юз берган қипчоқлар воқеалари ҳам батафсил ёритиб берилган.

«Тарихий Шохрухий» асари XIX аср охирларидаёқ тарихчилар томонидан тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошланган асарлардан бири саналади. Рус тарихчиси Н.Н.Пантусов 1876 йилдаёқ асарнинг рус тилидаги таржималарини нашр қилдира бошлаган бўлса, 1885 йилда унинг тўлиқ нусхасини рус тилидаги таржима ва изоҳлар билан нашр қилдирди.[2] Шунингдек, Т.К.Бейсембиев ҳам «Тарихи Шохрухий» асарини чуқур ўрганиб, унда ёзилган маълумотлар асосида Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон тарихига оид бир қатор масалаларни тадқиқ этган.[3]

Қўқон хонлиги тарихи ва чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши тарихини ёритиб берувчи маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган айрим қўлёзма манбаларнинг бугунги кунга келиб биронта ҳам нусхалари сақланиб қолмаган. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат кутубхонасида Н.И.Веселовский томонидан ёзилган “Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае» асари сақланади.[4] Бу асар аслида Мулло Ҳолибой Мамбетов қаламига мансуб бўлиб, «Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари» деб номланади. Бу асар тошкентлик савдогар ва тарих ихлосманди Акрам Асқаров илтимосига кўра ёзилиб, кейинчалик Н.И.Веселовскийга тухфа

[1] Тарихи Шохрухий. Б. 199-200.
[2] Пантусов Н.Н. Теварихи Шахрухие // Туркестанские ведомости. -1876. -№30.
[3] Бесембиев Т.К. «Тарих-и Шохрухи» как исторический источник. Алма-Ата. «Наука», 1987. – С 200; «Тарих–и Шохрухи» о Восточном Туркестане // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в XV – XIX вв. –Т., 1987. – С. 162-174.
[4] Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – Спб., 1894.

этилган ва олим томонидан рус тилидаги таржима ва изоҳлар билан нашрдан чиқарилган.

Оқжар волостининг Чорбулоқ овулида 1856 йилда туғилган ва қозоқларнинг Шанишқли уруғидан бўлган Мулло Ҳолибойнинг отаси Алиқули Амирлашкар қўшинида аламбардор лавозимида бўлиб, Оқмасжиднинг босиб олинишидан Тошкент мудофаасигача бўлиб ўтган барча жангларда иштирок этган. Кейинчалик унинг айтиб берган тафсилотлари асосида Мулло Ҳолибой ўз асарини ёзиб қолдирган.[1]

Китобнинг Н.И.Веселовский томонидан чоп этилган нашрида рус тилидаги таржима ва изоҳлар билан бирга, арба алифбосидаги қўлёзма варианти ҳам тўлиқ берилган ва унинг умумий ҳажмиҳар бири 16 сатрдан иборат 105 бетни ташкил этади. Асар асосан шеърий йўл билан ёзилган.

Мулло Ҳолибой ўз асарини Оқмасжид беги Ёқуббекнинг чор қўшинларига қарши мудофаа курашлари тафсилотларидан бошлайди. Асарда Қўқон хонларининг босқинчиларга қарши курашларда тутган чоралари, ҳар бир шаҳар ва қалъа учун олиб борилган жанглар, ҳар бир жангни бошқариб борган саркардалар ва уларнинг фаолиятлари, Авлиёота, Туркистон, Чимкент, тошкент шаҳарларининг чор қўшинлари томонидан босиб олиниши воқеаларини кенг шарҳлаб беришга ҳаракат қилади. У ўз асарида Мулло Алиқули Амирлашкар ва унинг фаолиятига юқори баҳо беради. Айниқса, Амирлашкарнинг жанг қилиш услублари, ҳарбий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Иқон жангидаги муваффақияти ва Тошкент мудофаасидаги олиб борган жангларини тўлиқ ёритиб беради. Асарнинг яна бир хусусиятли томони шундаки, унда бошқа манбаларда мутлақо учрамайдиган Алиқули Амирлашкарнинг ўлими олдидан Тошкент мудофаачиларига қилган васиятлари ҳам ўрин олган.[2]

Асл қўлёзма нусхаси йўқолиб кетган яна бир шундай асар Муҳаммад Юнус Тошкандийга тегишли. У асли тошкентлик бўлиб, анча ўқимишли одам бўлган. Кейинчалик эса Қўқон хонлиги саройида мирзо, закотчи лавозимларида ишлаган. У саройдаги хизмати давомида сиёсий ҳаётда рўй бераётган жуда кўп воқеаларга гувоҳ бўлган. Муҳаммад Юнус Тошкандий ўзининг кўрган кечирганлари ва эшитганларига ҳамда аввал ёзилган китобларга асосланиб, Қўқон хонлигининг 1805 -1865 йилларга тааллуқли тарихини ёзиб қолдирган. Бунда у Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги даврига

---

[1] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари. -Б. 4-5.

[2] Ўрус лашкаринг Туркистонда тарихи 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари. –Б. 88–89.

қисман тўхталиб ўтади. Асарнинг асосий мазмуни эса Алиқули Амирлашкарнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Муҳаммад Юнус Тошкандийнинг ушбу асари йўқолиб кетган бўлсада, рус олими Е.Т.Смирновнинг «Султанў Кенисара и Садўк» асарида келтирилган.[1]

Е.Т.Смирнов чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини мустамлакага айлантириши масалалари билан шуғулланар экан, бунга маҳаллий тарихчиларнинг муносабатларини билишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда олим томонидан тўпланган бир қатор маълумотлар юқорида номи келтирилган асарга илова тарзида киритилади. Шу жойдан ўрин олган Муҳаммад Юнус Тошкандийнинг асари номланмаганлиги учун мазкур монография муаллифи томонидан шартли равишда «Мулло Юнус Тошкандий хотиралари» деб номланди ва тадқиқотни амалга оширишда ундан унумли фойдаланилди.

Муҳаммад Юнус Тошкандий ўз хотираларида Алиқули Амирлашкарнинг туғилиши тафсилотларидан то умрининг сўнгги кунигача бўлган ҳаёт йўлини ёритишга ҳаракат қилади. Бунда келтирилган маълумотлар Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи», Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар» асарларида келтирилган маълумотларни тўлдириб келади ва ўзига хос яхлитликни юзага келтиради.

Шундай асарлардан яна бири муаллифи номаълум бўлган «Мирот ул-футух» («Ғалабалар кўзгуси») асаридир. Бу асарнинг ҳозирда қўлёзма нусхаси ҳам, ёки ундан фойдаланиб ёзилган бошқа нусхалари ҳам йўқ. Р.Н.Набиев ўз асарида  А.А.Семёновда мавжуд бўлган нусхасини ўз кўзи билан кўрганлиги ва ундан айрим маълумотларни олганлигини ёзиб қолдиради.[2] Қўқон хонлигининг чор Россияси томонидан босиб олинишига қарши курашлар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар бериши мумкин бўлган ушбу асарни топиб ўрганишнинг имкони бўлмади ва буни Ш.Ҳ.Воҳидов ҳам ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтган.[3]

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида чор Россияси мустамлакачилик сиёсати энг авжига чиққан бир вақтда вазиятга мослашувчи, ҳукмрон мафкура манфаатлари нуқтаи–назарини ифодаловчи муаллифлар томонидан айрим асарлар ҳам яратилганки, буларда асл воқеликдан четга чиқиш, воқеалар тафсилотлари ҳамда

[1] Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. Т.: Тип  С.И.Лахтина. 1889.
[2] Из истории Кокандского ханства. -С.12.
[3] XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фанлари д-ри… -Т., 1998. –Б. 233.

тарихий шахслар фаолиятларининг моҳиятини нотўғри талқин қилиш ҳоллари учрайди.

Тарихчиларнинг бундай йўл тутишларига XX аср бошларига келиб ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида мустаҳкам ҳукмронлигини ўрнатган чор ҳукуматининг цензураси сабаб бўлган бўлиши сир эмас. Улар томонидан яратилган асарлар аввалги манбалар асосида ёзилган бўлишига қарамасдан, айрим маълумотларнинг нотўғри ёки бузиб талқин қилиш ҳоллари учрайди. Масалан, Исҳоқхон Ибрат Маллахоннинг ўлдирилиши воқеаларига тўхталиб, «1278 ҳижрийда вазирлари Мулло Алиқули (қўлёзмада Олимқули – З.И) ва Олимбек қирғизлар ва неча иноқлар қўлида Маллахон ўлдирилди. Бу ишда Мулло Алиқули бош экан»,- дея баҳо беради.[1] Бошқа манбаларда эса Алиқули Амирлашкарнинг бу ишга алоқаси бўлмаганлиги ва аксинча у фитначиларни жазолаганлиги кўрсатилади.[2]

Яна бир муаллиф - Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавоқин» асари Қўқон хонлиги тарихининг ташкил топишидан сўнгги кунларигача бўлган тарихий воқеаларни ёритишда муҳим ўрин тутади.[3] Бу асарда XIX асрнинг 50-60-йилларида содир бўлган сиёсий воқеалар таҳлилига катта ўрин берилади. Худоёрхон, Маллахон, Шоҳмурод, Султон Саййидхонларнинг тахтда ўтирган вақтларида юритган сиёсатлари, шу вақтда хонликдаги умумий аҳволни ёритиш билан бир қаторда Алиқули Амирлашкар шахсига ҳам катта ўрин беради. Мирзо Олим Мушриф Алиқулининг сиёсий ва ҳарбий соҳадаги фаолиятини ёритишда унга ижобий ёндошсада, айрим ҳолларда Алиқули Амирлашкарни «Мулло Олимқули Амирлашкар» деб атаса, баъзан «Мулло Олимқули шайтон»[4] каби номлар билан атайди ва Алиқули фаолиятини баҳолашда турлича ёндашади.

Шундай ҳолатни Мулло Олим Маҳдумхожанинг «Тарихи Туркистон» асарида ҳам учратиш мумкин. «Тарихи Туркистон» асари Мулло Олим Маҳдумҳожа томонидан ёзилган Қўқон хонлиги тарихига бағишланган тарихий асар бўлиб, унинг бугунги кунда тошбосма нусхаси сақланиб қолган.[5]

Мулло Олим Маҳдумхожа яшаган давр ва асарнинг ёзилиш вақти асарда келтирилган воқеалардан анча кейин бўлганлиги учун ҳамда чор ҳукуматининг маҳаллий тарих асарларига қўйилган цензураси оқибатида айрим ҳолларда воқеларнинг бузилган талқини учрайди.

---

[1] Исхоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. -Т.: Мерос, 1991. - 302 б.
[2] Тарихи Алиқули Амирлашкар. - Б. 82–83.
[3] Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. (Қўқон хонлиги тарихи). - Т.: Шарқ. -1995.
[4] Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. –Б. 32 - 48.
[5] Мулло Олим Махдумхожа. Тарихи Туркистон. Туркистон генерал губернаторлиги кутубхонаси. -Т.: 1915.

Масалан, муаллиф Алиқули Амирлашкар шахсига баҳо беришда асосан бир томонламаликка йўл қўяди. Алиқули Амирлашкарни давлат бошқарув ишларидан мутлақо бехабар ва ҳукумат мансабларини билимсиз кишиларга бериб, халқнинг оғир аҳволга тушишига сабаб бўлган эди, дея баҳо беради.[1]

Бироқ, манбалар Алиқулининг камчиликлари ва хатоларини инкор қилмаган ҳолда, унинг ниҳоятда обрўли ва ҳурматга лойиқ киши бўлганлигини ҳам инкор этмайди.

Шулардан ҳам кўринадики, Алиқули шахсига бўлган муносабат турлича ва бу унинг ҳам шахс сифатида, ҳам давлат арбоби сифатида мураккаб характерга эга эканлигини англатади. Маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган асарлар орасида Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули Амирлашкар» ва Муҳаммад Юнус Тошкандийнинг хотиралари, Мулло Ҳолибой Мамбетовнинг «Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269–1282 йилларда қилғон футуҳотлари» асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу асарлар биографик руҳда ёзилганлиги билан бирга уларда Алиқули Амирлашкар билан бир сафда туриб Россия империяси босқинчиларига қарши курашган ва хонликнинг сиёсий бошқарувида биргаликда иштирок этган одамлар томонидан ёзилгани учун воқеалар тафсилотига нисбатан ҳаққонийроқ баҳо берилган. Шу билан бирга ушбу манбаларда Қўқон хонлигининг ижтимоий–сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва ҳарбий соҳалар тарихи ўша давр шароитига асосан ёритиб берилган.

Қўқон хонлиги тарихини фақатгина юқорида келтирилган маҳаллий тарихчилар асарлари асосидагина ёритилса, бир ёқламаликка йўл қўйилиши табиий. Маҳаллий манбалар билан биргаликда архив ҳужжатлари ҳам хонлик тарихини ўрганишда муҳим ва зарур манбалар бўлиб хизмат қилади ва уларни ўрганмай туриб, хонликнинг сўнгги даврлари тарихини мукаммал ўрганиб бўлмайди.

Энг аввало хонлик тарихини ўрганишда «Қўқон хонлиги архиви» ҳужжатлар жамғармаси ниҳоятда катта ўрин тутади.[2] Бу жамғармадан хонлик саройида битилган фармонлар, турли иқтисодий ва сиёсий ҳарактерга эга бўлган ҳужжатлар ўрин олганки, улар билан бевосита танишиш мумкин. Бу жамғарманинг Алиқули Амирлашкар шахси ва фаолияти билан боғлиқ айрим ҳужжатлар билан танишиш жараёнида шу вақтларгача «Олимқул» ёки «Алимқул» тарзида номи нотўғри

---

[1] Тарихи Туркистон. Б. 71.

[2] ЎзР МДА. 1043-фонд. - «Архив Кокандского ханства».

айтилиб келинаётган саркарданинг ҳақиқий номи Алиқули эканлиги аниқланди.[1]

Чор Россиясининг ҳарбий юришлари чоғида амалга оширилган ҳаракатлар, жанг тўқнашувлари, ҳарбийлар сони ва қўшин турлари ҳақидаги қимматли маълумотларни берувчи архив жамғармаларидан яна бири полковнинг Серебренников томонидан тўпланган ва архив фондларига киритилган.[2] Кўплаб қимматли маълумотларни ўзида жамлаган минглаб ҳужжатлар бир неча ўн йиғма жилдга тақсимланган. 14-30 – йиғма жилдлардан бевосита Қўқон хонлиги тарихи ва унинг чор Россияси томонидан мустамлакага айлантирилиши воқеаларига оид ҳужжатлар ўрин олган. Гарчи бу ҳужжатлар тарихий жараёнларни мукаммал даражада ёритиб беришда муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, «Туркистон генерал губернаторлиги канцелярияси»,[3] "Сирдарё вилояти бошқаруви»,[4] «Фарғона вилояти бошқаруви»[5] номли архив хужжатлари фондларида Қўқон хонлигининг сўнгги йиллари тарихига оид кўплаб маълумотларни олиш мумкин.

Кейинги йилларда чоп этилган Ибратнинг «Фарғона тарихи», Мулло Олим Махдумхожанинг «Тарихи Туркистон», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус–салотин ва таворих ул-хавоқин», Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», «Шарқ Юлдузи» ойномасида нашр эттирилган Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи» ва Муҳаммад Юнус Тоиб қаламига мансуб «Тарихи Алиқули Амирлашкар» асарлари манбаларга бўлган эътиборнинг сезиларли равишда ўсганлиги ва уларни илмий изланишларнинг асосий манбалари сифатида катта ўрин тутаётганлигини кўрсатиб турибди.[6] Бироқ, фақат бу асарлар билан кифояланиб, Қўқон хонлиги тарихини чуқур ўрганиб бўлмайди, албатта. Бу эса ўз–ўзидан манбашунослар олдида улкан вазифалар турганлигини, тарихнинг ўрганилмаган ёки кам ўрганилган қирраларига янада кўпроқ эътибор бериш зарурлигини кўрсатади.

Ана шундай кам ўрганилган қирралардан бири, Қўқон хонлиги тарихида, айниқса, Россия империяси босқинчилигига қарши

---

[1] ЎзР МДА. 1043-фонд. 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 1-варақ.

[2] ЎзР МДА. 715-фонд. - «Подготовительные материалы к составленной полковником Серебренниковым публикации документов «Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания».

[3] ЎзР МДА. 1-фонд.- «Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора»

[4] ЎзР МДА. 17-фонд.- «Сырдарьинское областное управление».

[5] ЎзР МДА. 19-фонд.- «Ферганское областное управление».

[6] Исхокхон Ибрат. Фарғона тарихи. Т: Мерос, 1991; Мулло Олим Махдумхожа. Тарихи Туркистон. -Т.: Шарқ, 1993; Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. - Т.: Шарқ, 1995; Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. - Т.: Маънавият, 1999; Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ юлдузи. -1998. № 6.; Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. -1996. №1-2. Б. 214-217.

курашларда катта ўрин тутган Мулло Алиқули Амирлашкар фаолияти, ҳаёти ва у ҳақда ёзилган манбаларни ўрганишдир. Ушбу монографияда шундай манбалар қаторига кирувчи айрим асарлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади.

# II БОБ АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАРНИНГ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

## II.1. XIX аср 50-60 йилларида Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият

Ўзбек давлатчилиги тарихи ўзининг узоқ давом этган кўп асрлик тараққиёти давомида турли тарихий жараёнларни бошидан кечирди. Бу жараёнда Туркистон халқлари ўзлигини, ўз маданияти ва қадр-қимматини мардонавор ҳимоя қилди, унинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймади ва келажак авлодларга етказиб беришга эришди.[1] Бунда ўзбек халқининг жаҳонга машҳур Имом ал-Бухорий, Беруний каби олимлари, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалари билан бир қаторда ўз вақтида халқ томонидан катта ҳурматга сазовор бўлган фарзандлари ҳам катта жонбозлик кўрсатган эдилар. Туркистоннинг шундай шижоатли ва ватанпарвар фарзандларидан бири Алиқули Амирлашкар Ҳасанбий ўғли (1831-32 – 1865 й, 9 май) эди.[2] Алиқули Амирлашкар XIX аср 50 – 60 йилларида Қўқон хонлигининг Россияси империяси ҳарбий босқинчилигига қарши миллий истиқлол учун

---

[1] Ўзбек давлатчилиги тарихи масаласига доир қаранг: Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992; Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиҳа // Ўзбекистон тарихи. – 1999. №1; А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Т.: Шарқ, 2000; А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш манбашунослиги. // Ўзбекистон тарихи. 1999. №1; А.Асқаров, М.Жўрақулов. «Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё». - Самарқанд. 1984; А.Сагдуллаев, Б.Аминов, У. Мавлонов, Н.Норқулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Т.: Академия, 2000; Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. -Т.: Мерос, 1991; Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1994; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодальное хозяйство Худоярхана). - Т.: Фан, 1973; Зияев Ҳ. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. - Т.: Фан, 1996;.Зияев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. -Т.: Адабиёт. ва санъант нашр. 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. - Т.: Шарқ. 1998; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилик даврида. - Т. Шарқ. 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.: Шарқ. 1999; Ўзбек давлатчилиги тарихи очерклари. ЎзР ФА илмий тўплами. - Т.: Фан, 2002; Ўзбекистон давлатчилиги – тараққиёт босқичлари. (Олий ўқув юртлариаро илмий – назарий анжуман материаллари). -Т.:ЎзМу, 2003. ва бошқ.

[2] Қаранг: Исхоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. - Т.: Мерос, 1991; Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. (Қўқон хонлиги тарихи). - Т.: Шарқ, 1995; Мулло Олим Махдумхожа. Тарихи Туркистон. Туркистон генерал-губернаторлиги кутубхонаси. - Т.: 1915; Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. - Т.: Маънавият, 1999; Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ юлдузи. – 1998. № 6; Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. – 1996. №1-2. Б. 214-217; Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. - Т.: Маънавият, 1999. - Б.80-95; Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. - Т.: Маънавият, 1999. -Б.80-95; Амирлашкар Алимқул тарихи. Алимқул жангномаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси. Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази. -Т.: 1997; Saray M. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabetler (1775-1875). –Ankara, 1994. - S74. ва бошқ.

курашларида раҳбарлик қилган ҳамда хонликнинг ички ва ташқи сиёсатида сезиларли из қолдирган давлат арбобларидан бири саналади.

Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихида Қўқон хонлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган давлат саналган. Хонлик тарихига назар ташланса, унда хонликнинг ташкил топишидан бошлаб, сўнгги кунларигача мураккаб сиёсий жараёнлар, кескин ижтимоий ва иқтисодий вазиятлар ҳукм сурганлигини кўриш мумкин. Шунга қарамай, хонлик Ўрта Осиёдаги бошқа хонликларга нисбатан ўзига хос нуфузга ва стратегик мавқега эга давлат ҳисобланган.[1]

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Олимхон (1798-1810), Умархон (1810-1822) ва қисман Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги йилларида (1822-1841) бирмунча кучли ва марказлашган давлатга айланган Қўқон хонлиги XIX аср ўрталарига келиб, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан инқирозга учрай бошлаган бўлсада, ўзининг куч - қудратини сақлаб турарди.

XIX асрнинг 50-йиллари Қўқон хонлиги учун ички сиёсий бўҳронларнинг энг кучайган жараёнлари билан бошланди. Биринчидан, Саййид Муҳаммад Худоёрхон 1844 йилдан буён тахтга эгалик қилиб келаётган бўлишига қарамай, ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлига ололмаган эди. Бироқ Худоёрхонни лаёқатсиз хон эди дейиш нотўғри

[1] Қўқон хонлиги тарихига оид қаранг: Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании // Туркестанские ведомости. -1898. №13, 14, 35, 37, 40; Туркестан. Соч. Т.III. – М.:1963; Коканд. Соч. III. – 1965; Пяньков В. Туркестанские дневники. - М., 1879. -С.43. Остроумов Н. Константин Петрович фон Кауфман. -М., 1887; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. Веселовский В. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – Спб., 1894. Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. -Т.: Тип С.И.Лахтина. 1889. Терентьев М.А. Россия и Англия. -М.: 1879. Завоевание Средней Азии. Тт. I-III. -М., 1906. Абаза К.К. Завоевание Туркестана. -М., 1902. Диваев А. Киргизские пословицў. -М., 1900. С. 13. Дингельштед Н. Наши колонизации в Средней Азии // Вестник Европў. -1892. -Кн.II. С.231-237. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-80 гг. XIX в). -М.: Наука, 1965; Политика России в Средней Азии (1857 – 1868). -М.: Наука, 1960; О движущих мотивах политики России в Средней Азии (60-70-ые годы XIX века) // История СССР. -1970. -№4, -С129-135. Попов А. Из истории завоевания Средней Азии. -М.-Л.: Наука, 1940. Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Феодальное хозяйство Худоёрхана. –Т.: Фан, 1973. Зиёев Ҳ.З. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. 1966. Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. – 1957. -№3. -Стр. 33-38; Брагинский И.С., Раджабов С., Ромодин В.А. К вопросу о значении присоединения Средней Азии к России // Вопросы истории. -1953. -№8. -С.80-95. Saray M. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabetler(1775-1875). – Ankara, 1994. –S.70-81. Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. – Istanbul, 1975. -S.31-47. Inalcik. Osmanli – Rus rekabetinin mensei ve Volga – Don kanali tesebbusi. - Ankara, 1948. – S.349-428; Зияев Х.З. К истории завоевания узбекских ханств // Общественные науки в Узбекистане. -1990. -№2. «Завоевания Бухарского и Хивинского ханств // Общественные науки в Узбекистане. -1990. -№8; Зиёев Ҳ.З. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. -Т.: Фан, -1967. 5-27 – бб; Зиёев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарқ, 1998; Тарих – келажак кўзгуси. -Т.: Адабиёт ва санъат, 2000; Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально – экономические и политические предпосылки (XVIII–XIX вв): Дисс … д-ра. ист. наук.-Т., -1991. 302 с. Воҳидов Ш.Ҳ. XIX–XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари д-ри … дисс. –Т., 1998. - 240 б. Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. -1996. №1-2. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ юлдузи. -1998. 6–сон; Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. 1996. Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. Т.: Маънавият, 1999. -Б.80-95.

бўлади. Дастлабки йилларда Мусулмонқул мингбоши ва қипчоқ амалдорларининг саройдаги кучли таъсири унинг мустақил равишда тахтни бошқаришига йўл бермаган бўлса, кейинги йилларда ўзаро тахт талашишлар ва унга нисбатан умумий норозиликнинг ошиши бу имкониятларни йўққа чиқарган эди. Бу ҳолни унинг ҳукмронлик йилларида хонликнинг турли ҳудудларида рўй берган қўзғолонлар, норозилик ҳаракатларида ҳам кузатиш мумкин эди.[1]

Иккинчидан, XIX асрнинг 50-йилларига келиб, Россия империясининг хонликка нисбатан босқинчилик юришларига қарши курашга ҳам етарли эътибор берилмаганлиги ва сиёсий ҳамда ҳарбий ожизлик босқинчиликнинг кенгайиб кетиши ва жиддий тус олишига, пировард натижада эса хонликнинг ҳалокатга учрашига олиб келган эди. Чунки Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олиш ва уни мустамлакага айлантиришда энг асосий эътиборни ҳозирги Қозоғистон ҳудудларини бутунлай босиб олишда катта тўсиқ ва жиддий рақиб бўлиб турган Қўқон хонлигини бўйсундиришга қаратган эди.[2]

Худоёрхон ҳукмронлиги йилларида юзага келган шароитда бошбошдоқлик, тахтга бўйсунмаслик ва марказий ҳокимиятга итоатсизлик кучайиб кетди, йирик мансаб ва вазифаларни эгаллаган қабила–уруғ зодагонлари эса, Мирзо Олим Мушрифнинг таъкидлашича, «...ҳамиша фитнажўйликға мубтало бўлдилар».[3] Юзага келган сиёсий вазиятга тарихчи Мулло Ниёз Муҳаммад Мовароуннаҳрнинг мусулмон вилоятидаги дастлабки дарвоза – Оқмасжид хонларнинг бепарволиги ва масъулиятсиз-лиги оқибатида қўлдан бой берилди, дея баҳо берган эди.[4]

XIX асрнинг 50–йилларида Қўқон хонлигидаги сиёсий вазиятнинг кескинлашувига асосий сабабчилардан бири бўлган Мусулмонқул мингбоши қипчоқ-қирғиз зодагонлари кўмагида ўзининг саройдаги аввалги мавқеини тиклаш учун қаттиқ кураш олиб боради.[5] Бу курашга ҳар икки томондан энг кучли мавқега эга ҳарбийлар ва амалдорлар қатнашади. Бунда айниқса Мусулмонқулга қарши Фарғона ва Тошкент зодагонларининг иттифоқи фаол иштирок этади.[6] 1852 йил Мусулмонқулнинг Тошкентга қилган ҳарбий юриши мағлубият билан

---

[1] Зиёев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Б. 33; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. -С. 29-48; Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи (Ансоб ус –салотин ва таворих ул – ҳавоқин). –Б. 41-51.
[2] Зиёев Ҳ.З. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. Б. 47.
[3] Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус - салотин ва таворих ул - хавоқин. -Б.49.
[4] Муҳаммад Ниёз Ҳўқандий.Тарихи шоҳрухий // Қўлёзма, №1787. –Б.199-200.
[5] 1847-1852 йилларда мингбоши лавозимида хонликни идора қилган Мусулмонқул уч марта ҳоки-миятдан четлатилган ва дастлаб икки марта уни яна қайта қўлга киритган эди. Қаранг: Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. - С. 40–43. Ансоб ус салотин ва таворих ул –хавоқин. –Б. 41-51.
[6] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. - С.43.

ниҳояланди ва у қолган-қутган аскарлари билан Чотқол тоғларига чекина-ди.[1]

Қўзғолончилар билан бўлиб ўтган қаттиқ жанглардан сўнг Худоёрхон уларни мағлубиятга учратади ва Мусулмонқулни ҳамда қўзғолонда иштирок этган кўплаб кишиларни қатл қилдиради. Бу воқеалар тафсилоти ҳақида манбаларда қуйидаги маълумотларни ўқиш мумкин: «Мусулмонкул Андижон яқинидаги Билқиллама мавзесида қўлга туширилгач, Қўқонда дорга осилди. Унинг мурдаси худди ўғриларнинг мурдаси каби уч кун дорда осилиб турди. Кейин эса шаҳарларда ва бошқа жойларда қипчоқларни оммавий қирғин қилиш бошланди, ҳатто хомиладор аёлларни ҳам ўлдирдилар».[2]

Мусулмонқулнинг ўлими ва қипчоқларнинг қирғин қилиниши билан вазият бир мунча юмшагандек бўлди. Бироқ, бир томондан хонликдаги ички курашлар ва иккинчи томондан чор Россиясининг мустамлакачилик мақсадидаги ҳарбий босқинчилик тажовузлари туфайли иқтисодий аҳвол оғирлашди ва бу энг биринчи навбатда давлат ва ҳокимият эгаси сифатида Худоёрхондан умумий норозиликнинг кучайишига сабаб бўлди.[3] Хонлик фуқароси кейинги йилларда солиқларнинг ҳаддан ошиқ кўпайганлигидан норози бўлса, юқори табақа вакиллари ва сарой зодагонлари Худоёрхоннинг давлат бошқаруви ишларидан сиёсий вазиятни тўлиқ ўз қўлига ола олмаганлигидан норози бўлган эдилар. XIX асрнинг 40 – 60 йилларида Қўқон хонлигида рўй берган сиёсий вазиятга баҳо берар экан, Ҳ.Зиёев шундай таъкидлаб ўтади: -«... ўзаро урушларнинг тинимсиз давом этиши ва тахтга нобоп шахсларнинг ўтириши оқибатида хонлик ҳар жиҳатдан чуқур инқирозга учради. Оғир аҳволга қарши халқ ғалаёнлари кўтарилди».[4]

XIX асрнинг 50–йилларига келиб Қўқон хонлигининг кўчманчи қозоқлар яшайдиган ҳудудларида, шунингдек Туркистон, Чимкент ва бошқа ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларида солиқларнинг миқдори ошириб юборилади. Хонликнинг солиқ сиёсатига қарши норозилик ҳаракатларидан бири 1858 йил Тошкент беклигига қарашли ҳудудларда бўлиб ўтган эди. Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қўшбеги Чимкент, Туркистон ва Авлиёотада яшовчи аҳолидан одатдан ташқари барча чорва молларига солиқ тўланиши ҳамда турмушга чиқаётган ҳар бир

---

[1] Гр. Потанин. Показания сибирского казака Максимова о Кокандском владении. ВИРГО. Ч.28. СПб., 1860, -С.74.

[2] Гр. Потанин. Показания сибирского казака Максимова о Кокандском владении. ВИРГО, ч.28, СПб., 1860, -С.73-74; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. -С.45.

[3] Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар. –Б.13-14.

[4] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.33-34.

қиз учун бир тиллодан солиқ жорий қилинганини маълум қилганда, норози бўлган халқ қўзғолон кўтаради.[1] Бундан ташқари манбаларда ёзилишича, Тошкент ҳокими бўлиб турган Мирзо Аҳмад қўшбеги амалда мустақил бошқарувни амалга ошириб, зулм ва зўравонликни ҳаддан оширади. Айниқса, солиқ сиёсатида шафқатсиз йўл тутади. Хаттоки, қуш пули, кўк пули каби майда солиқларни йиғиш жараёнида солиқ тўлай олмаганлардан ёш ўғли ёки қизини солиқ сифатида тўлашга ҳам мажбур қилади.[2] Бу эса юқорида таъкидланганидек, фақат Мирзо Аҳмад қўшбегидангина эмас, балки давлат раҳбари сифатида Худоёрхондан ҳам умумий норозиликнинг ошишига олиб келган эди.

Мазкур қўзғолоннинг сабабларини тарихчи Муҳаммад Юнус Тоиб халқнинг амалдорлар сиёсатидан, хусусан, Нормуҳаммад парвоначи ҳамда Мирзо Аҳмад қўшбеги зулмидан сабр косаси тўлганлигида ва Худоёрхоннинг бепарво ҳамда фуқаролар ҳолидан ғофил эканлигида, деб кўрсатади.[3]

Тарихчи ва давлат мансабдори бўлган Абу Убайдулло Тошкандийнинг ёзишича, Мирзо Аҳмад қўшбеги томонидан кўплаб солиқларнинг солиниши ва зулмнинг ҳаддан ортиши натижасида халқ оммасининг норозилиги кун сайин кучайиб боради. Ҳатто солиқчилар закот ва ҳирож йиғиш учун қўшин билан чиқадиган бўлдилар. 1857 йил Авлиёота атрофида яшовчи аҳолидан солиқ йиғиш ишларида Абу Убайдуллонинг ўзи ҳам иштирок этган. Бу қўзғолонга Худойберган ибни Бойит Баҳодур бошчилик қилган эди.[4]

- «Дашти Қипчоқнинг, - деб ёзади Муҳаммад Солиҳ, - турли чеккаларида яшовчи қабила ва уруғлар ўзаро бирлашиб, Қўқон хонлигининг ва айни вақтда Тошкент беклигининг тасарруфидан чиққанлигикларини эълон қилдилар. Улар солиқчиларга бир дирҳам[5] у ёқда турсин, бир фулус[6] ҳам тўламадилар. Аксинча, Дашти Қипчоқнинг Туркистонгача бўлган ҳудудлари қўзғолонлар ва тартибсизликлар исканжасида қолди».[7]

Юзага келган вазиятнинг сабаблари ҳақида бошқа манбаларда мутлақо бошқача талқиндаги маълумотлар учрайди. Масалан, Л.Соболевнинг кўрсатишича, Оқмачитнинг қўлдан кетиши оқибатида

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.14-18.
[2] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. -С.51.
[3] Туркистонда Россия тажовузи ва босқинчилигига қарши кураш. –Б.110-111; Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.16-б.
[4] Абу Убайдулло Тошкандий. Хулосат ул – аҳвол. –Б.261а-261б.
[5] Кумуш танга
[6] Мис чақа
[7] Тарихи жадиди Тошканд. Б.202.

Худоёрхон хонликнинг шимолий ҳудудларида алоҳида бошқарувни[*] жорий этади ва ҳокимлик вазифасига ўзининг энг яқин амалдорларидан бири Мирзо Аҳмад қўшбегини қўяди. Унга ваколат топширар экан, Худоёрхон «руслар таъсири ва ҳукмронлиги остида бўлган барча кўчманчиларни талон–тарож этиш ва қатл этиш»ни алоҳида тайинлайди. Бунинг оқибатида эса «хонликнинг барча шимолий ҳудудлари қўзғолонлар гирдобида қолди».[1]

Мирзо Аҳмад қўшбеги қўзғолонни бостириш учун қўшин билан Олма отада тўхтади ва бу вақтда Пишпакда турган йирик қўзғолончилардан бири Сўфитой бийга қарши беш понсот бошчилигида қўшин жўнатди. Бироқ юборилган қўшин мағлубиятга учради. Қозонилган ғалабадан руҳланган қўзғолончилар бу вақтда Авлиё отага қайтиб келган Мирзо Аҳмадни шаҳар ичига қамаб, қамал қилдилар. Қамалда арғун, дуғлат, барлос, қўнғирот, бештамғали, санчқли, сирғали, қора қалпоқ ва бошқа уруғлар иштирок этади.[2] Тошкент ҳукуматининг вазири Мирзабий бошчилигида Чимкент атрофларига закот йиғиш учун юборилган қўшин сирғали, қўнғирот ва бошқа уруғлар томонидан мағлубиятга учратилади. Мирзабийнинг ўзи ва яқин амалдорлари эса тўқнашувларда ҳалок бўлади.[3] Хонликнинг шимолий ҳудудларида шундай аҳвол юзага келиб қолдики, ҳеч бир лашкарбоши бу ерга келишни истамай қолди. Худоёрхон қўзғолонни бостириш ва қўзғолончилар томонидан Авлиёотага қамаб олинган Мирзо Аҳмад қўшбегини қутқармоқ учун дарҳол Шодмонҳожи мингбоши ва ўзининг акаси Маллабек бошчилигида қўшин жўнатади. Қўзғолон Маллабекнинг тадбиркорлик билан йўл тутиши, яъни қўзғолончилар қўйган шартларни бажаришни зиммасига олганлиги натижасида бостирилади ва юртда тинчлик ўрнатилади. Шодмонҳожи мингбоши эса Тошкентга ҳоким этиб тайинланади.[4] Юқоридаги воқеалардан сўнг Худоёрхон ва унинг ҳукуматига бўлган ишончсизлик ошиб кетади.

Бу вақтда Бухоро амири Насрулло Ўратепани қамал қилиб, қўқонликларни мағлубиятга учратади ва Хўжандга юриш қилади. Бироқ, амирнинг юриши шаҳар ҳокими Ёқуббек Бадавлат томонидан тўхтатилади ва амир чекинишга мажбур бўлади. Бу воқеалардан сўнг Маллабек хоннинг акаси сифатида энг нуфузли

---

[*] Фавқулодда ҳолат ҳам бўлиши мумкин.

[1] Соболев Л. Краткий обзор положения дел в Коканде. Туркестанский сборник, Т.152.

[2] Тарихи жадиди Тошканд. –Б.203.

[3] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. -С.52; Тарихи жаҳоннамойи. Б.242б.

[4] П.П.Иванов. Очерки по истории Средней Азии.. (XVI-середина XIXв.). -М., 1958. -С.212; Тарихи жаҳоннамойи. –Б.242б – 243а; Ансоб ус - салотин ва таворих ул - хавоқин. -Б.49.

амалдорлардан Мирзо Аҳмад қўшбеги ва Дўстмуҳаммад дастурхончиларни Худоёрхоннинг юрт ва фуқаро ҳолидан бехабар ва ғофил бўлишида асосий айбдорлар ҳисоблаб, уларни қатл қилмоқчи бўлади. Бироқ бошқа амалдорларнинг аралашувларидан сўнг ўз фикридан қайтиб, одамлари билан Қўқондан чиқиб Андижонга кетади.[1]

Маллабекнинг бу иши Худоёрхонда норозилик уйғотиб, бош вазирнинг аралашуви билан эса қатлга ҳукм қилинди. Айнан шу сабаб йирик давлат амалдорлари ва бир қатор қирғиз - қипчоқ жамоалари ва уруғлари бошлиқларининг Маллабекка хайрихоҳлигини янада кучайтириб юборди.[2]

Андижонда Маллабек бошчилигидаги гуруҳ Худоёрхонни тахтдан ағдариб, тахтни эгаллаш режасини амалга оширишга киришади. Бу ердан Маллабек ўзининг энг ишончли кишиларидан бирига айланган Мулло Алиқулининг маслаҳати билан Ўшга келади. У Ўшда Олимбек додхоҳ, Сайидбек додхоҳ ва бошқа нуфузли кишилар билан иттифоқ тузиб, ҳокимиятни ўз қўлига олиш ва мамлакатда тартиб ўрнатиш фикрида эканлигини айтади. Бу ерда бир қанча маслакдошлар орттириб, ҳарбий кучга эга бўлган Маллабек яна қайтиб Андижонга, Тошлоқ мавзесига келади ва бу ерда Алиқулининг ҳовлисида хонлик рутбасига кўтарилади. Улар шу ерда туриб ҳокимиятни эгаллаш учун тайёргарлик кўра бошлайдилар.[3] Маллахоннинг бу ҳаракатини давлатга қарши сиёсий жиноят ёки сиёсий фитна сифатида, ислом динига ва қонунларига мос келмайдиган ҳамда шариат йўл қўймайдиган бир ҳаракат деб ҳам баҳолаш мумкин, бироқ, юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Маллахон юртда тартиб ўрнатиш, саройдаги бошбошдоқликларни тугатиш, ўзаро фитналарга барҳам бериб, кучайиб бораётган Россия имериясининг босқинчилик тажовузини олдини олиш мақсадида ҳокимият учун кураш олиб борган. Унинг бу мақсадини кўпгина амалдорлар ва давлат арбоблари, дин пешволари ҳам қўллаб қувватлаган эдилар.

Бироқ, Маллахоннинг тахт учун кураш олиб бориши ва тахтга келиши илгари ҳокимият эгалари бўлиб, давлат сиёсий бошқарувига ниҳоятда катта таъсир ўтказиб келган қирғиз - қипчоқ зодагонларининг мақсадлари асосида амалга оширилди, деб қараш нотўғри бўлади. Гарчи бунда катта ҳарбий куч ва мавқе эгалари бўлган қирғиз-қипчоқ зодагонлари Маллахонга яқиндан ёрдам берган бўлсаларда, бу кураш

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.17; Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. 1996. №1-2. –Б.214-217.
[2] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. -С.55.
[3] Ўша жойда.

саройдаги ҳокимият учун интилаётган кучларнинг ўзаро тўқнашуви, фитналар, тахтга бўйсунмаслик ва Худоёрхон томонидан фуқароларнинг барча қатламлари манфаатларини кўзлаб сиёсат юритилмаганлиги, қолаверса бир қанча вақтлардан буён тахтни қўлга киритишни кўзлаб юрган Маллахоннинг шахсий манфаатлари асосида юзага келган эди, деб ҳам қараш лозим.

1858 йилда Маллабек Алиқули ёрдами билан айни дамда Бухоро амирига қарши жангда бўлган Сўфибек ва Шоҳмуродларнинг йўқлигидан фойдаланиб, уларнинг ҳукми остида бўлган Андижон ва Марғилонни қўлга киритади.[1] Кейинги юришлар Қўқонни эгаллашга қаратилади ва ака – ука ўртасидаги жанг Самончи мавзесида бўлиб ўтади.[2] Маллахон бу жангда ғалабага эришади ва бир неча кунлик қамалдан сўнг, Қўқонни эгаллайди. Маллахоннинг бу ғалабаси ва тахтни эгаллаши Тошкент ҳокими Султон Муродбек, Ўтамбой қўшбеги, Андижон ҳокими Сўфибек ҳамда курамаликлар томонидан муборакбод этилади ва унинг қонуний тахт эгаси бўлганлиги эътироф этилиб, Маллахонга ўз тобеликларини билдирадилар.[3]

Худоёрхон эса ўзини қўллаб-кувватловчи куч қолмаганлиги туфайли Бухоро амири ҳузуридан паноҳ топади.

Маллахон тахтга ўтиргач, биринчи навбатда хонликда тартиб ўрнатишга ва хон ҳокимиятини кучайтиришга киришади. Давлатни бошқаришда Маллахон қаттиқ сиёсат юритади. Бу ҳақда тарихчи Мирзо Олим Мушриф, - «[Маллахон] чунон тез ва сиёсатлик бўлди ва андак баҳона бирлан етмиш беш тахта урдирар эрди. Мардумни қўрқитиб олди, сипоҳ ва фуқаро доим ваҳму–ҳаросда эрдилар”- деб ёзиб қолдирган эди.[4]

Шунга қарамай, Маллахон тахтни эгаллашда ўзига ёрдам берганларнинг хизматларини унутмайди. Уларга ўзига содиқ ва шу билан бирга ўзини қўллаб - қувватловчи ҳамда марказий ҳокимиятни кучайтиришда асосий омил бўлувчи ҳарбий, сиёсий куч эгаларини шакллантириш мақсадида турли мартабалар, вилоят ва бекликлар ҳокимлигини топширади. Шу ўринда айтиб ўтиб жоизки,

---

[1] Ансоб ус – салотин ва таворих ул–хавоқин. –Б.61-62; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. –С.55.

[2] Худоёрхон ва Маллахон ўртасидаги кураш жойини Муҳаммад Юнус Тоиб (Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.18), Мирзо Олим Мушриф (Ансоб ус – салотин ва таворих ул – хавоқин. –Б.62), Л.Соболев (Краткий обзор положения дел в Коканде. Туркестанский сборник. Т.152)лар Самончи мавзеси деб кўрсатсалар, Р.Набиев Риштон (Из стории Кокандского ханства. –С.55)да, В.Наливкин эса (Краткая история Кокандского ханства. Казань, -1886. -С188) Қашғар қишлоғида деб кўрсатадилар. Тўқнашув аслида Самончи мавзесида бўлиб ўтган.

[3] Ансоб ус–салотин ва таворих ул–хавоқин. –Б.61-62; Из истории Коканского ханства. -С.56; Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Б.111; Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.19-21.

[4] Ансоб ус–салотин ва таворих ул–хавоқин. –Б.61.

Маллахоннинг амалга оширган бундай тадбирлари ҳамда ички сиёсат соҳасида олиб бораётган амаллари кейинчалик ўзини оқламайди ва Маллахон ҳукмронлигининг инқирозга учрашига олиб келади. Бунга воқеалар ривожланишининг давомида гувоҳ бўлиш мумкин.

Маллахоннинг тахтга чиққан дастлабки йилларини таҳлил қилар экан, Мулла Ниёз Муҳаммад унинг давлат бошқарувида аввалдан фаолият кўрсатиб келган ва бу борада катта тажрибага эга бўлган амалдорларнинг барчасини давлат ишларидан четлатилганлиги, уларнинг ўрнига эса Маллахонга содиқ бўлган, айни вақтда эса давлат бошқарувида мутлақо тушунчага эга бўлмаган кўчманчилар вакиллари, виждони соф бўлмаган кўплаб одамларни саройга киритгани ҳақида куюниб ёзади. Шу билан бирга Маллахоннинг тўлақонли мутлақ ҳукмдор бўлганлиги, ҳокимият жиловини тўлалигича ўз қўлига олганлиги ва ўзбошимчаликларга йўл қўймаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.[1]

Қўқон хонлигидаги ички сиёсий вазиятни диққат билан кузатиб борётган чор Россиясининг ҳарбийлари Маллахоннинг тахтни эгаллаш воқеаларини ҳам назардан четда қолдирмаганлар. Бу ҳақда Сибир корпуси қўмондони генерал Госфорд 1859 йил 4 январда ҳарбий вазирга юборган махфий телеграммасида – «Маллабекнинг хонлик тахтига ўтиргани тасдиқланди. Худоёрхон доимий яшаш учун Хўжандга юборилди ва барча хуқуқларидан маҳрум қилинди. Янги хонни халқ қўллаб - қувватламоқда», - деган сўзларни ёзган эди.[2]

Маллахон дарҳол хонликнинг ҳарбий салоҳиятини оширишга ва Россия империясининг ҳарбий босқинчилик тажовузига қарши курашга тайёргарлик кўришга киришади. Тошкентлик Қурбонбекни ўз акаси Рустамбек ўрнига Туркистон ҳокими этиб тайинлайди ва «барча вилоятлардаги ҳокимларга отларни яхшилаб боқишни, куролларни тартибга келтиришни буюради ҳамда иссиқ кунлар бошланиши билан босқинчиларга қарши кураш бошлашини билдиради».[3]

1859 йил баҳорида Бухоро амири Қўқон хонлигига қарши навбатдаги ҳарбий юришини бошлайди. У Маллахон олдига хонликни икки қисмга бўлиш, Қўқон ва унга тобе вилоятларни Мадалихоннинг ўғилларидан бирига бериш,[4] Маллахоннинг ўзига эса Тошкент вилоятига ҳокимлик қилиш шартини қўяди. Бироқ, бу шарт Маллахон томонидан қатъиян рад этилади.[5]

---

[1] Мулла Ниёз Муҳаммад. Тарихи Шоҳруҳий. –Б.214–215.
[2] ЎзР МДА, 715-ф., 1-р., 21-й.ж. 63-в.
[3] ЎзР МДА, 715-ф., 1-р., 20-й.ж. 596-в.
[4] Айнан қайси ўғли эканлиги кўрсатилмаган.
[5] ЎзР МДА, 715-ф., 1-р., 20-й.ж. 592-593 – вв.

Амир Ўратепани босиб олади ва Нов қалъасига юриш қилади. Уни эгаллагач, бу ерда тажрибали қўмондонларидан бири Қаноатшоҳ оталиқни қолдиради. Бироқ, амир кетиши биланоқ, Қаноатшоҳ Маллахон томонига ўтиб, Нов қалъасини тарк этади. Қаноатшоҳнинг қўқонликлар тарафига ўтиши кучлар нисбатини Қўқон фойдасига ўзгартириб юборади ва Бухоро амири учун оғир оқибатларга олиб келади.[1]

Бухоро амирининг Қўқон хонлиги ғарбий ҳудудларини босиб олиш учун қилаётган курашлари Маллахоннинг ҳам қатъий ҳаракат қилишга мажбур қилади. Бу вақтда Марғилон ҳокими вазифасига тайинланиб, Лангарда янги қалъа қуриш ишлари билан машғул бўлиб турган Қаноатшоҳни Қоратегинга қўшин билан жўнатади. Қоратегин ҳокими Хайит уч–тўрт кун қаршилик кўрсатгандан сўнг, Қаноатшоҳ қўшинларига таслим бўлади ва Маллахон ҳукмронлигини тан олади. Бухоро амири Музаффар эгаллаб турган жойларини ҳам ташлаб чиқишга мажбур бўлади.[2] Чунки Маллахон томонидан Ўратепани озод қилиш учун бу вақтда эшикоғаси мансабида бўлган Алиқули ва Ёқуббек парвоначи бошчилигида жўнатилган қўшин ҳам Бухоро қўшинларига зарба беради ва уларни чекинишга мажбур қилади.[3] Бироқ орадан бир йил ўтиб, 1861 йил бошларида бухороликлар Ўратепани яна қайтариб олишга муваффақ бўладилар.[4]

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Бухоро амири Шаҳрисабз томондан юриш бошлайди. Бу ҳақда хабар келиши биланоқ, Маллахон ва Алиқули эшикоғаси қўшинга бош бўлиб, Зомин орқали Жиззахга юради. Амирнинг юришни кучайтирганлигини эшитиб, қўқонликлар ҳам ўз юришларини тўғри Самарқандга қараб давом эттирадилар. Мирзо Олим Мушриф амир бундан ниҳоятда қаттиқ хавотирланиб, дарҳол юришни тўхтатганлигини ва Маллахон ҳузурига элчи юборганлигини ёзади.[5]

Амир Музаффар Самарқанддан қайтгач, музокаралар бошланади. Бунда Маллахон номидан элчи Бобохўжа Шайхулислом музокараларда иштирок этади. Натижада икки давлат ўртасида Қозоқбулоқ мавзеси чегара этиб белгиланади.[6]

Хонликнинг Бухоро билан муносабатларида бир оз барқарорлик юзага келгач, Маллахон хонлик ички сиёсий аҳволини яхшилаш

---

[1] ЎзР МДА, 715-жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш 592-593 – вв.
[2] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. -С.56.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар.-Б.54.
[4] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. –С.56.
[5] Ансоб ус–салотин ва таворих ул–хавоқин. -Б 65.
[6] Воҳидов Ш.Ҳ. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фанлари д-ри … дисс. –Т., -1998. –Б.50.

ишларини давом эттиради. У 1858 йил 8 октябрда Тошкентга келади ва Бухоро амирлигига қарши курашларда катта жонбозлик кўрсатган Қаноатшоҳни Муҳаммад Мусобек ўрнига Тошкент беклигининг ҳокими этиб тайинлайди.

1859 йил охирларига келиб, Қўқон хонлигининг айрим қалъалари Россия империяси ҳарбий кучлари томонидан босиб олинади.[1] Манбаларда қайд этилишича, - «ўлканинг мусулмон аҳолиси бундан ниҳоятда ташвишланиб, Маллахондан босқинчиларга қарши уруш бошлашни талаб қиладилар. Маллахон, агар хонликнинг ички ҳудудларида осойишталик сақланса, шу қишда ёки эрта баҳорда уруш бошлашга тайёр», - эканлигини билдиради.[2]

Маллахон Россия империясининг босқинчи ҳарбийларига қарши курашда Бухоро амирлиги билан бирлашишга кўзи етмагач, Хива хонлиги билан ҳарбий иттифоқ тузишга интилади. Чор Россиясига қарши бир неча бор кураш олиб борган ва бунда кечадиган тўқнашувларнинг қандай кечишини жуда яхши англаган ёки айтиш мумкинки, бу борада муайян тажрибага эга бўлган хиваликлар Қўқон хонлигининг бу ҳаракатини қўллаб қувватлайдилар. Маллахон 1859 йил ноябрь ойи бошларида ушбу масалада Хива хонига ўз элчиларини юборади. Шу йилнинг 28 ноябрида Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида шартнома тузилади ва бунга кўра, қишда, дарё музлаганда ҳар икки хонликнинг қўшинлари подшо қўшинлари устига юриш қилишга келишиб оладилар.[3]

Шу билан бир вақтда Маллахон Россия империяси ва Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатлар масаласида юзага келган сиёсий кескинликларни бартараф қилиш, айрим сиёсий масалаларни ҳал этиш, жумладан Оқмасжидни қайтариб беришни талаб қилиб ва ўзаро манфаатли шартномалар тузишга умид боғлаб 1859 йил декабрда ўттиз кишидан иборат элчиликни император ҳузурига жўнатади.[4]

Бироқ, бу элчилар ҳеч қандай натижага эриша олмадилар. Маллахон бундан умидсизликка тушмади ва қайтадан элчилик ташкил этиб, бу элчилик 1860 йил апрелида Ҳожа китобдор бошчилигида Сибир орқали Петербургга юборилди. Ҳожа китобдор бошчилигидаги элчилиги ҳам Қўқон хонлиги учун натижасиз тугади.[5]

Айни вақтда Буюк Британиянинг Осиёдаги фаолиятининг кенгаяётганлигидан ташвишга тушган Россия империяси ҳукмрон

---

[1] Ҳ.З.Зияев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.111-112.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 23-й.ж. 43-45 – вв.
[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 22-й.ж. 442-443 – вв.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 23-й.ж. 103-в.
[5] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 23-й.ж. 168-169 – вв.

доиралари Ўрта Осиё хонликларига, хусусан Қўқон хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни кучайтириш ҳамда хонликнинг ички ҳудудларига жадал кириб бориш ва ишғол қилиш режасини ишлаб чиқа бошлади. Бу масалага империянинг энг тажрибали ҳарбий саркардалари жалб этилди. Генерал-адъютант граф Д.Милютин ҳарбий вазир лавозимига, граф Н.Игнатьев эса Бош штаб Осиё бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди. Айни вақтгача йиғилган жосуслик маълумотлари ва ахборотлар чуқур таҳлил қилиниб, XIX асрнинг 60 – йилларидан бошлаб Қўқон хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар кенг кўламда амалга оширила бошланди.[1]

Ўз навбатида Қўқон хонлигида ҳам ташқи сиёсий вазиятни яхши англаган давлат раҳбарлари ҳимоя учун зарурий чораларни алоҳида эътибор бера бошладилар. 1860 йилда Маллахон чор Россияси ҳужумларига қарши курашни ташкил этиш учун Тошкентга келди. У Тошкентдан Рустамбек ва Нормуҳаммад қипчоқ бошчилигида бир қанча қўшинни чор Россияси ҳарбий қўшинларининг йўлини тўсиш ва уларга қарши кураш олиб бориш учун жўнатди. Бу қўшин айтарли катта жанглар олиб бормасдан, бир оз муддатдан сўнг ортига қайтди.

Бу орада чор Россиясининг босқинчи ҳарбийлари Қўқон хонлигининг Пишпак, Тўқмоқ каби қалъаларига дастлабки босқинчилик ҳужумларини амалга оширади.

Пишпакни ҳимоя қилишда Шодмонҳожи мингбоши, Қаноатшоҳ оталиқ ва Олимбек додҳоҳлар ўз қўшинлари билан биргаликда ҳаракат қиладилар. Бироқ, Мулла Ниёз Ҳўқандийнинг ёзишича, Олимбек додҳоҳ умумий қўмондонлик масаласида Қаноатшоҳ билан келиша олмай қолади ва ўз қўшинларини олиб, хоинларча мудофаани тарк этади.[2]

Қаноатшоҳ мавжуд қўшинлар билан Пишпакни қайтариб олади ва бир ой давомида бу ерда бўлиб, қалъанинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бироқ, амалга оширилган ишлар наф келтирмайди ва кўп ўтмай бу қалъалар чор қўшинлари томонидан босиб олинади.[3]

Бу воқеадан сўнг Тошкент ҳокими Қаноатшоҳ Маллахон ҳузурига келиб, юзага келган вазиятни билдиради. У саройдаги эътиборли уламолар иштирокида Қўқон хонлигининг айни вақтдаги ҳарбий аҳволини таҳлил этиб, чор Россиясининг босқинчилигига қарши мудофаани кучайтириш масаласида ўз фикрларини ўртага

[1] Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. –Б.62.
[2] Тарихи шохрухий. –Б.217.
[3] Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.111-113.

ташлайди. Қаноатшоҳ, агар биз русларни Янгиқўрғонда бўлса ҳам тўхтатиб, уларни орқага қайтишга мажбур қила олмасак, Туркистон ва унинг атрофида яшовчи аҳоли ҳам Россияга тобе бўлиб қолишлари мумкин, деган оқилона фикрни билдиради.[1] Шу билан бир вақтда Қаноатшоҳ ўзининг бу ташрифи билан қўқонликлар олдида ниҳоятда катта обрўга эга бўлади. Сабаби, сарой аҳли ҳам, халқ ҳам бу вақтда чор Россиясининг босқинчиликлари тобора кучайиб бораётганидан қаттиқ ташвишга тушган эдилар ва хавотирликни кучайтириб, Қаноатшоҳнинг таклифлари уларни руҳлантириб юборган эди.

Маллахон ушбу музокаралардан сўнг, вилоятлардан қўшин тўплашни буюради. Шу ўринда Мулло Олим Маҳдумхожанинг маълумотларини таъкидлаш жоизки, Маллахон саройда асосий мансаб ва вазифаларни саҳройи қирғиз-қипчоқларга бериб қўйганлиги, тажрибали амалдорларни ҳокимиятдан четлатганлиги ва жабр–зулмни ҳаддан ошириб юборганлиги натижасида бир қанча одамларни ўзига душман қилиб қўяди. Бу кишиларнинг наздида Маллахон тахтга чиқиш арафасидаги ваъдаларига тўла амал қилмаган эди.[2]

Ички сиёсий вазият кескинлашиб боришига қарамасдан қўқонликлар империя қўшинларига қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. 1862 йилгача бу курашларда Шодмонҳожи мингбоши ва Қаноатшоҳ оталиқлар катта жонбозлик кўрсатадилар.[3]

Бироқ барча амалдорлар, қўшин бошлиқлари ҳам ташқи душманнинг рўйи-рост тажовузидан кўз юмиб, ўз манфаатларини эл – юрт манфаатларидан устун қўйдилар ва ҳокимиятни эгаллаш пайига тушдилар. Бунда улар Маллахоннинг сиёсатидан норози эканликларини яшириб ўтирмадилар. Хонликнинг ички сиёсий ҳаётида давом этаётган кескинликлар натижасида Андижон ҳокими Олимбек додҳоҳ бошчилигидаги фитначилар томонидан тахтни 3 йилу 4 ой давомида бошқарган ва хонлик учун бир қатор ишларни амалга ошириб улгурган Маллахон 1862 йил 23 февраль кечаси ўлдирилади.[4]

Маллахоннинг ўлдирилиши воқеалари ва унинг сабаблари тўғрисида турли манбаларда турли талқинлар учрайди. Шундай талқинлардан бири сифатида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш мумкин: - «Тошкент ҳокими Маллахон ўта зулмкор ва қаттиққўл бўлиб, шариатнинг ҳар бир ҳарфигача бажарилишини жуда қаттиқ талаб қиларди. Аёлларга кўчага чиқиш мутлақо таъқиқлаб қўйилган бўлса, эркакларга салласиз чиқиш умуман мумкин эмас эди...

[1] ЎзР МДА. 715-ф, 1-р., 25-й.ж. 128-в.
[2] Тарихи Туркистон. –Б.98.
[3] Из истории Коканского ханства. -С.57–59.
[4] Ўша асар. –Б.59.

У Бухоро амирлиги билан чегарадаги вилоятларга тинимсиз қўшин юбориб, кўплаб қирғинлар уюштирарди. Унинг олиб бораётган сиёсатидан норози бўлган бир қанча саркардалар Алимқул бошчилигида Маллахонни ўлдиришга қасд қилдилар. Маллахон бир кеча Ўрда ичида қотиллик учун ёлланган қандайдир бир қирғиз томонидан ўлдирилди».[1] Бироқ бу маълумотларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини юқоридаги сўзларни битган муаллифнинг ўзи ҳам таҳлил қилмаган ва оқибатда масалани мавҳумлигича қолдирган. Маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбаларда эса бу масала юзасидан мутлақо бошқача талқиндаги маълумотларни ўқиш мумкин. Шундай тарихчилардан бири Муҳаммад Юнус Тоиб бу ҳақда шундай ёзади: - «Алимбек додхоҳ қипчоқ катталари ва Маллахон хос одамларидан Хидир додхоҳ, Муҳаммад Иброҳим мирзобошиға ўхшаш Маллахон бадхўйликидан жондан тўйган одамлар иттифоқ бўлиб, бир кеча Маллахоннинг ётқон хобига бостириб кириб, қилич бирла чофиб, қилич зарби бирла шаҳид бўлуб, эртан Шоҳмуродбекни хон кўтариб, Шодмонҳожини мингбоши айлаб [дилар]».[2]

Мирзо Олим Мушриф ҳам ушбу воқеани батафсил ёритишга ҳаракат қилади: -“Тарихга 1278 эрди (милодий 1862 йил – З.И.). Бир неча фасодгарлар ҳаммоми Мусулмонқулида жам бўлуб, Нормуҳаммад қўшбеги, Шодмонҳожи додхоҳ бош бўлуб, Қалмоқ дарвозасидан кируб, Маллахоннинг ётқон хос манзилига бориб, маст уйқуда ётқон жойида ўртага олиб, қилич бирла чобдилар. Даражаи шаҳодатга еткурдилар, шаъбон ойининг 26 сида, шаби душанба, вақти субҳда Шоҳмуродбекни хон кўтардилар”.[3]

Бу ҳар икки маълумотдан кўринадики, Маллахонни ўлдирган одамлар орасида Алиқули бўлмаган.[4] Хоннинг қотиллари амалдорлар орасида катта нуфузга эга бўлган ва ўз мақсадларини амалга оширишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган Алиқулини ва унинг тарафдорларини йўқ қилиш пайига тушадилар. Биз бу билан Алиқули фитнадан мутлақо бехабар ёки у ҳокимиятни қўлга киритишга интилмаган эди, демоқчи эмасмиз. Маллахоннинг ўлдирилиши билан Қўқон тахтининг тақдири қирғиз-қипчоқ зодагонлари ўртасидаги курашга боғлиқ бўлиб қолди. Бу ички сиёсий вазиятни янада

---

[1] Алибеков М. Домашняя жизнь последнего Кокандского хана Худоярхана. Ежегодник Ферганской области. т .II Новый Маргилан, 1903. –С.83 – 84.

[2] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.71-72.

[3] Ансоб ус – салотин ва таворих ул – хавоқин. –Б.65.

[4] Маллахонни ўлдирган фитначилар сифатида Олимбек парвоначи (қирғиз), Хидирбий эшикоғаси (қирғиз), Шодмонҳожи парвоначи, Худойназар додхоҳ, Дўст мехтар (юз қабиласидан), Муҳаммад Иброҳим мирзобоши Косоний, Хидир додхоҳ кабилар кўрсатиб ўтилади. Қаранг: Тарихи жаҳоннамойи. 269а; Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.81; Набиев Р.Н. Из Истории Кокандского ханства. –С.288.

кескинлаштириб юборади. Вазиятни тўғри баҳолай олган Алиқули ўз маслакдошларидан Бекмуҳаммад билан биргаликда Қўқондан чиқиб, Самғир яқинига келиб жойлашадилар. Уларнинг қасдида юрган Хидир додхоҳ, Ирисали понсад ва Худойназар туркманлар шу ерда қўлга олинади ва қатл этилади.[1]

Фитнанинг ташаббускорларидан бири ҳамда парокандаликларнинг асосий сабабчиларидан бўлган Олимбек додхоҳ[**] ҳам бир оз кейинроқ қўлга олинади ва қатл этилади. Мирзо Олим Мушриф Алимбек додҳоҳнинг Шодмонҳожи мингбоши буйруғи билан Чўтан понсадбоши ва Алиқули ясовул томонидан Ўрда ичида қатл қилинган эди, дея таъкидлаб ўтади.[2]

Тахтга эса ҳали вояга етмаган Шоҳмурод чиқарилди.

Бу воқеалар жараёнида хонликдаги ички сиёсий вазият ниҳоятда кескинлашиб кетади ва айни вақтда Бухоро амирининг собиқ Қўқон хони Худоёрхон билан биргаликдаги хонликка қарши ҳарбий ҳаракатлари бошланди.

Бухоро амири қўшинлари ёрдамида тахтни эгшаллаш учун қўшин билан кириб келган Худоёрхонга қарши Шодмонҳожи мингбоши ва Алиқули Яккатут ва Қува оралиғидаги катта ҳудудда мудофаани ташкил этдилар. Икки ўртада бўлиб ўтган дастлабки тўқнашувдаёқ томонлар 6000 киши йўқотдилар. Мағлубиятга учраган Худоёрхон эса 800 кишилик қўшин билан қолди.[3] Мирзо Олим Мушрифнинг ёзишича, Худоёрхон бу тўқнашувдан сўнг бор – йўғи 100 кишилик қўшин билан қолган.[4]

Алиқули жанг ҳаракатлари билан машғул бўлиб турган бир вақтда Асакада йигирма мингдан ортиқ қипчоқлар жамоаси йиғилиб, Шохруҳхонни хон деб эълон қилишди. Р.Н.Набиевнинг манбаларга асосланган ҳолда кўрсатиб ўтишича, Мадалихоннинг ўғли сифатида тахтга чиқарилган Шохруҳхон аслида пахсачи уста Хайит Муҳаммаднинг ўғли бўлган ва бу билан Қўқон тахтида сохта хон ҳукмронлиги бошланди, дея таъкидлаб ўтади.[5]

Алиқули бунга йўл қўймаслик мақсадида Яккатут яқинида беш мингга яқин қипчоқларни қириб ташлайди. Тахт учун курашларнинг бу

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.82-83.

[**] Олимбек додхоҳни Алиқули Амирлашкар билан адаштирмаслик лозим. Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоизки, Алиқули Амирлашкар турли мансаб ва вазифаларни эгаллагани манбаларда кўрсатиб ўтилган бўлсада, бироқ уларнинг биронтасида ҳам унинг «додхоҳ» мансабида бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Олимбек додхоҳ эса аксинча, ҳеч қачон «мингбоши» ёки «амирлашкар» унвонида бўлмаган.

[2] Ансоб ус–салотин ва таворих ул-хавоқин. –Б.67.

[3] Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамойи. 276а-в.

[4] Мирзо Олим Мушриф. «Ансоб ус – салотин ва таворих ул – хавоқин». –Б.101.

[5] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. –С.62.

тариқа авж олиши натижасида Худоёрхон иккинчи марта тахтни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади.[1]

Худоёрхоннинг тахтга келиши вазиятни янада мураккаблаштириб юборади. Бир томондан ўзаро урушлар жонига теккан халқнинг хукмдорлардан умумий норозилиги бўлса, иккинчи томондан сиёсий ва ҳарбий кучларнинг бир–бирига қарама - қарши бўлган икки тарафга ажралиб қолиши вазиятни янада мураккаблаштирар эди. Бир томонда асосан Худоёрхон ва унинг тарафдорлари бўлса, иккинчи томонда ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан яхшигина мададга эга бўлган ва асосан хонлик шарқий худудларидаги аҳоли томонидан қўллаб - қувватланган Алиқули турарди. Айни вақтда Россия империясининг мустамлакачилик мақсадидаги ҳарбий босқинчилик тажовузлари кучайиб бораётганлигини инобатга олинса, вазиятнинг қанчалик кескинлашганлиги янада ойдинлашади.

XIX асрнинг 50-йиллари охирлари ва 60-йиллари бошларига келиб, Қўқон хонлигининг ички сиёсий аҳволи бирмунча мураккаблашди. Айни вақтда Россия империясининг Қўқон хонлиги ички ҳудудларини ишғол қилиш мақсадидаги ҳарбий юришларининг кучайиши ташқи сиёсатнинг кескинлашувига олиб келди. Шунингдек, Бухоро амири ҳомийлиги ва кўмагида Худоёрхоннинг тахтни эгаллаш учун олиб борган курашлари оқибатида юзага келган норозилик ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга бирдек таъсир кўрсатсада, Алиқули сиёсий кучларнинг салмоқли қисмини ўз атрофида жипслаштиришга қисман эришди. Бироқ бу билан хонликдаги ички умумий вазиятни барқарорлаштиришга эришиб бўлмади, сабаби халқнинг жуда катта қисми авж олиб кетган ўзаро урушларда деярли ҳеч бир томонни қўллаб - қувватламади. Қўқон хонлигининг ичкари ҳудудларига кириб келиши янада кучайган Россия империясининг ҳарбий экспансиясига қарши курашни ташкил этишни эса на Худоёрхон ва на Маллахон билан Алиқули уддалай олмадики, бунга энг аввало ички сиёсий парокандалик йўл бермас эди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Бухоро амири Музаффарнинг бевосита ҳарбий ёрдами туфайли ҳокимиятни эгаллаб турган Худоёрхондан тахтни тортиб олишга эришган Алиқули юқорида таъкидланганидек, 1863 йил июлида тахтга собиқ Қўқон хони Маллахоннинг вояга етмаган ўғли Султон Саййидхонни ўтқазди ва бу билан ҳокимият тизгинини тўлалигича ўз қўлига олишга муваффақ бўлди.

[1] 1862 йилнинг ўрталарида тахтни эгаллаган Худоёрхон хонликнинг шарқий ҳудудларини тўлалигича ўзига бўйсундира олмайди ва шу ҳолда 1863 йилнинг ўрталаригача давлатни бошқаради.

Юқоридагиларга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX асрнинг 50-60 – йилларида Қўқон хонлигида мураккаб сиёсий вазият юзага келди. Бу сиёсий кескинликларнинг хонлик иқтисодий ҳаётига, айниқса унинг ички ва ташқи сиёсатига салбий таъсири катта бўлди. XIX асрнинг 50-йилларида хонликда турли сабаблар билан юз берган қипчоқлар қўзғалони ва уларнинг қирғин қилиниши, солиқлар ва йиғимларнинг кўпайиб кетганлигига қарши хонликнинг турли ҳудудларида кўтарилган қўзғалонлар ва уларнинг куч билан бостирилиши, айниқса саройда бошбошдоқлик ва фитналарнинг кўпайиши сиёсий ҳаётдаги тангликни юзага келтирди. Ички сарой фитналари оқибатида Худоёрхон тахтдан қувилди, Маллахон, Шоҳмуродхон ўлдирилди, марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик, тарафкашлик ҳолатлари кучайди. Ана шундай сиёсий вазият ҳокимият тепасига хон хонадони вакиллари ҳокимиятининг эмас, балки ҳарбийлар ҳокимиятининг юзага келиши учун шароит яратди. Ана шундай ички сиёсий кучларнинг ўзаро курашлари натижасида Султон Саййидхонга ҳомий сифатида Алиқули ҳукмдорлик жиловини ўз қўлига олди. Бироқ Алиқули ҳокимиятига қипчоқлар мавқесини юқори қўювчи ҳокимият сифатида қараш керак эмас. Воқеалар жараёнига асосланган ҳолда, Алиқули қирғиз - қипчоқ зодагонларининг саройдаги мавқесини тиклаш мақсадида эмас, балки саройдаги ички парокандаликлар ва сарой фитналари орқасидан вужудга келган сиёсий вазият жараёнида ҳокимият тепасига чиқди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бундай хулосанинг тўғрилигини воқеларнинг кейинги ривожланиб боришида кузатиш мумкин.

## II.2. Аликули Амирлашкарнинг давлат арбоби сифатида шаклланиши ва Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётидаги фаолияти.

XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигида юзага келган сиёсий кескинлик хонликдаги мавжуд сиёсий кучларнинг бўлинишига ва марказий ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келди. Сиёсий тарқоқлик ва ўзаро курашлар аввалги даврлардаги миллий хусусиятларини маълум даражада йўқотиб, ҳокимиятдаги сиёсий етакчилик биринчи ўринга кўтарилди. Шу нуқтаи-назардан қараганда Султон Саййидхонни тахтга чиқарган Аликули бошчилигидаги ҳокимият хонликнинг бирон – бир этник гуруҳининг сиёсий манфаатларини эмас, балки умумдавлат манфаатларини кўзлаб давлат тепасига келган ҳокимият эди. Шу ўринда Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаётига кириб келаётган ва унинг амалга оширилишига сезиларли таъсир кўрсатаётган Аликули Амирлашкарнинг таржимаи ҳоли ва дастлабки йиллардаги фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Аликули Амирлашкар ҳақида XIX аср иккинчи ярмида яшаб ўтган тарихчиларидан Муҳаммад Юнус Тоиб, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий, Мулло Юнус Тошкандий, Абу Убайдулло Тошкандий ва бошқалар, шунингдек, рус ҳарбийлари ва тарихчилари ўз асарларида ва эсдаликларида ёзиб қолдирганлар.[1]

Бу манбалар орасида Муҳаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Аликули Амирлашкар» асари ўзининг биографик тарзда ёзилганлиги ҳамда Аликули Амирлашкар ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берувчи ягона мукаммал асарлиги билан алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Тарихчи Муҳаммад Юнус Тоиб шундай ёзади: «...Амирлашкари марҳумнинг насаблари ... қипчоқ жамоасидин бўлуб, исми – шарифлари Мулло Аликули Ҳасанбий ўғли эрди, волидаи шарифалари Шаҳрбону

---

[1] Муҳаммад Юнус Тоиб. «Тарихи Аликули Амирлашкар». ЎзР ФА ШИ, қўлёзма № 12136; Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. «Тарихи жаҳоннамойи». ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, №9455; Бекназар. «Амирлашкар жангномаси», ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, №1925; Мулло Юнус Тошкандий хотиралари. Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Марказий Давлат кутубхонаси. В 961-3; Мулло Олим Махдумхожа. «Тарихи Туркистон». ЎзР ФА ШИ, тошбосма, №18096; Ибрат «Тарихи Фарғона», ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, №11080; Мулло Холибой Мамбетов. «Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269 – 1282 саналарда қилғон футуҳотлари», ЎзР А.Навоий номидаги МДК, № 10136; Абу Убайдулло Тошкандий. «Хулосат ул –аҳвол». ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 2084; Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандий «Ансоб ус – салотин ва таворих ул – хавоқин». ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 1314 ва бошқ. Шунингдек, Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании. «Туркестанские ведомости». 1898 г. №13, 14, 35, 37, 40. Туркестан. Соч. Т.III. – М.:1963. Коканд. Соч. III. – 1965; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань. 1886. Веселовский В. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае ғ Текст, перевод и приложения. – Спб., 1894. Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. Т.: Тип С.И.Лахтина. 1889. Терентьев М.А. Завоевание Средней Азии. Тт. I-III. М.1906. Абаза К.К. Завоевание Туркестана. М. 1902; Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-80 гг. XIX в). М.: Наука, 1965. Попов А. Из истории завоевания Средней Азии. М.-Л.: Наука.1940.

биби эрур. Хўқанд уези, Навкат бўлусинда Бужунбиткон дегон мавзеда турғучи фуқаро аҳлидин эрдилар».[1]

Демак, муаррихнинг ёзишича Алиқули Амирлашкар қирғизларнинг қибчоқ уруғидан бўлиб, 1831 йил Хўқандга тобе бўлган Навкат туманига қарашли Бужунбитгон мавзесида туғилган.[2]

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Алиқули Амирлашкарнинг туғилган йили бирон–бир манбада аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Манбаларда келтирилган айрим маълумотларга суянган ҳолда Алиқули Амирлашкарнинг туғилган йили милодий 1831-32 йилларга тўғри келади, деган хулосага келдик. Бу хусусда Тоиб асарининг Тошкент мудофааси воқеалари ёритилган қисмида шундай ёзади: «...Амирлашкари марҳум ... умаро ва саидларни ғазотга шаҳриз ва қўрғон муҳофазасина (Тошкент мудофаасига – З.И.) тарғиб айлаб, тойи руҳи шарифлари қазо қилиб, ансордин ошиёни ҳодиға парвоз айлади... Ул вақтда умри шарифлари ўттуз уч ё ўттуз тўрт ёшда эрди».[3]

Тошкент мудофааси вақтида, 1865 йил 9 май куни Алиқули Амирлашкар қаттиқ ярадор бўлиб, вафот этганда тахминан 33 – 34 ёшда эканлигини назарга оладиган бўлсак, юқорида келтирилган, Алиқулининг таваллуди билан боғлиқ сана фикримизни тасдиқлайди.

1833 йилда отаси Ҳасанбий вафот этгач, сағир қолган фарзандлари билан онаси Шаҳрбону биби акаси Мулла Дўст Охунд ҳузурига боради.

-“Амирлашкари марҳум икки яшарлик вақтларида оталари Ҳасанбий вафот қилиб, волидалари қўлларида ёш ва сағир қолиб, ... волидаларини акалари Мулла Дўст Охунд дегон Бужунбитқон мавзесида ўқутуб[ди]”.[4]

Алиқули тоғаси қўлида олти–етти ёшларигача тарбия олади. 1838 йилда улар Қўрғонтепа ноҳиясига кўчиб келадилар. Сўнгра, Андижондаги Оқмасжид мадрасасида икки йилча сабоқ олади ва 1841 йилда Қўқонга келади. Бу ерда Қўқоннинг нуфузли уламоларидан бири Маҳзум Ҳожи Раис – Домулло Аёз Маҳдум ўғли ҳузурида хизмат қилиб, саводини янада оширади ва 1849 йилгача, яъни, ўн саккиз ёшгача шу ерда бўлади.[5]

Кейинроқ, Алиқулининг синглисига уйланган Усмонқул додҳох уни ўзига яқин олиб, сипоҳгарчилик ишларига жалб қилади. -“Андин

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. 1б –2б.
[2] Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. -1996. №1-2. –Б.214-217. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ юлдузи. -1998. №6. –Б.119-141.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.185.
[4] Ўша асар. –Б.6.
[5] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.6–7.

Амирлашкарни ҳамшираларини олғон Усмонкул додҳоҳ олиб келиб ҳарб ишлариға оралаштуруб[ди]”.[1]

Алиқули Усмонкул додҳоҳ ҳузуридан яна Қўқонга қайтиб, йигирма ёшида отаси ўрнига бий бўлади. Бу ерда у ниҳоятда зийрак ва хушмуомила бўлганлиги ҳамда иш юритишдаги тадбиркорлиги билан фуқароларнинг ҳурматига сазовор бўлади. Кундан-кун равнақи ва мавқеи, обрў-эътибори ортиб боради. - “[Алиқули] фуқаро ва халқи Оллоҳға нафеъ ва осойиш еткуруб, кундан–кун ривож ва равнақлари зиёда бўлғон сабабли замона мардумлари ул кишиға ҳасад қилуб, ақли беҳусравлар [Алиқулига нисбатан] адоват камарини белларига боғладилар”.[2]

Алиқулининг мавқеи ортиб боришидан хавфсираб қолган бир қанча кишиларнинг унга қарши адоватлари ортиб, ёвлашиб қоладилар. Бу эса Алиқулининг бақувват ҳомий топиш мақсадида Маллабек хизматига киришига сабаб бўлади. –“Ул фурсатда Худоёрхонни ота бир, волида бошқа Маллабек Шералихон ўғлини ўз ини – укаси, Андижон ҳокими Сўфибек тўй қилмоқ учун [таклиф этиб], атроф – жавонибдан жаъми катта сардору – сипоҳлар [тўйига] интилиб келгонларида, Амирлашкари марҳум ҳам бир яхши фойга от бирлан келиб, Андижонда Маллабеки мазкурға навкар ва йигит бўлдилар”.[3]

Бу воқеа 1853 йилда содир бўлиб, Алиқули Амирлашкарнинг ёши йигирма бир ёки йигирма иккида эди. Шу вақтдан бошлаб, хизмат жараёнида ўзининг мардлиги, довюраклиги ва шижоатлилиги билан ажралиб турувчи Алиқули Маллабекнинг эътиборини қозонади. Бу ишонч йилдан-йилга ортиб бориб, у Маллабекнинг энг ишончли кишиларидан бирига айланади. Маллабекнинг ишларига ўзининг маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари билан таъсир этиб туради. Маллабек Андижонга ҳам айнан Алиқулининг маслаҳати билан бориши ва у ерда Алиқулининг ёрдамида, бунинг устига унинг уйида хон деб эълон қилинганлиги Алиқулининг қанчалик ишончга сазовор бўлганлигини кўрсатади.[4]

Шу вақтдан эътиборан, Алиқулининг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётига таъсири бир мунча сезила бошлайди.

Маллахон ўзининг муваффақиятларга эришишида катта ёрдам берган Алиқулининг хизматларини муносиб тақдирлайди ва уни Чимён ҳукуматига ҳоким этиб тайинлайди.[5] Бу хусусда бошқа манбаларда

[1] Ўша жойда.
[2] Ўша жойда. –Б.7-8.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.8-9.
[4] Ўша асар. –Б.18-19.
[5] Ўша асар. –Б.24.

турлича маълумотлар келтирилган. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий - “Маллахон Фарғонанинг ҳукмронлик тахти ва фармондорлик аврангига ўтургондан сўнг, Алиқули (қўлёзмада Алимқул – З.И.) хизматларини эътиборга олиб, унга эшик оғаси ҳамда мири понсад унвонини берди.

Шундан сўнг у Чимён навоҳисининг ҳокими бўлди. Ўратепа фатҳида ҳам Алиқули жасорат кўрсатган эди, Маллахон ҳукмронлигининг охирида Марғилонда воли бўлди,” - деб ёзса,[1] Мулло Юнус Тошкандий ўз хотираларида – “Қўқон эгаллангач, Маллахон Алиқулига (“Хотира”да Алимқул – З.И.) зинбардор мансаби, кўп ўтмай, мирохур мансабини берди,” - деб ёзади.[2]

Мулло Юнус Тошкандий ўзининг хотираларида ёзишича, 1858 йил Маллахон Тошкентдалигида Алиқули эшикоғасини Мирзо Давлат Тожикнинг қизига уйлантиради. Қўқонга қайтгач эса, унга понсадбоши унвонини беради ҳамда байроқ топшириб, Чустнинг ҳокими деб эълон қилади.[3]

Алиқули ана шундай мавқе ва мартабаларга эга бўлиб, хонликнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлайди. Маллахоннинг ўлдирилиши ва Худоёрхоннинг бухороликлар ёрдамида тахтни қайтадан қўлга киритилиши жараёнларида эса унинг ҳокимиятдаги фаолияти ва таъсир доираси янада кенгайиб кетди.

Амир Музаффар кўмагида дастлаб Хўжандни эгаллаган Худоёрхон осонлик билан Қўқонни эгаллайди. Чунки юзага келган сиёсий вазият қўқонликларга ўз қўшинларини бирлаштириб, бухороликларга ва Худоёрхонга қарши чиқишга имкон бермаган эди. Бу вақтда Алиқули билан бирлашган Шодмонҳожи мингбоши Қўқоннинг “Марғилон дарвозаси”дан чиқиб, Андижондаги Тошлоқ мавзесига йўл оладилар.

Тахтни эгаллаган Худоёрхон бу хушхабарни етказиш учун ўз валинеъмати – амир Музаффар ҳузурига Қаноатшоҳ оталиқни юборади. Амир Қаноатшоҳни ўзи билан Бухорога олиб кетади ва уни 1859 йил Нов қалъасини ташлаб, Маллахон тарафига ўтиб, хоинлик қилгани сабабли, 1862 йил Бухорода ўлдириб юборади.[4]

Худоёрхоннинг қайтадан тахтни эгаллаши кўпгина амалдорларда ва ҳарбий бошлиқларда норозилик уйғотади. Унинг тахтга даъвогарлик қилиб ҳаракат бошлашининг ўзидаёқ кўплаб қирғиз, қипчоқ уруғлари аввалги қирғинларни унутмаганликлари ва тахтга ана шу халқларни ҳам бошқалар билан баробар кўриб, иш тутувчи хонни ўтқазиш

[1] Қаранг: Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи. // Шарқ юлдузи. -1991. №8. –Б.127.
[2] Смирнов Е.Т. Султани Кенисара и Садик. – Т., 1889, -С. 69.
[3] Мулло Юнус Тошкандий хотиралари. –Б.69.
[4] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.84.

тараддудига тушадилар. Бу айнан 1863 йил, Россия империясининг ҳарбий босқинчилари хонликнинг ичкари ҳудудларига шиддат билан бостириб келаётган вақтларга тўғри келган эди.

Алиқули ва Шодмонҳожи бошчилигидаги қўшин ва давлат арконлари биргаликда амирга қарши курашга киришадилар ва бунда Алиқулини раҳбар этиб белгилайдилар. Бу курашдан асосий мақсад амир қўшинларини хонлик ҳудудларидан ҳайдаб чиқариш ва унинг таъсирида бўлган Худоёрхонни тахтдан ағдариб, ўрнига халқнинг дилидаги кишини тахтга ўтказиш эди. Ўз навбатида Худоёрхон ҳам буни жуда яхши англарди.

Алиқули бошчилигидаги қўшин Қўқонга юриш бошлайди ва дастлабки тўқнашув Хўжасой мавзесида бўлиб ўтади. Хон қаттиқ зарбага учраб, чекинади. Кировчи яқинида бўлиб ўтган иккинчи тўқнашувда Худоёрхон бутунлай мағлубиятга учрайди ва Марғилонга чекинади.[1] Бирин – кетин Марғилон ва Қўқон шаҳарлари эгаланади. Қўқондаги тўқнашув олдидан Алиқули ҳузурига танг аҳволда қолган амирдан элчи келади. Алиқули элчини «...бизга бир кўча хони (Худоёрхонни назарда тутмоқда – З.И.) керакмас, ўзимиз кимни ҳоҳласак, ўшани хон қиламиз», - мазмунидаги жавоб билан қайтаради.[2]

Ҳеч қандай натижага эриша олмаган Бухоро амири ва Худоёрхон Қўқонга қайтишга мажбур бўладилар. Шодмонхўжа айтганидек, шу воқеадан сўнг Алиқули Амирлашкарнинг халқ орасидаги обрўси ниҳоятда ошиб кетади ва аксинча Худоёрхондан норозилик кучайиб боради.

Амирлашкар қўшинлари Қорағулжадан чиқиб, Ўзгандга келди ва икки кун шу ерда туриб, Ўттиз адир йўли билан юриб, Ўшга тобе бўлган Қўрғошим даштига қўнади. Унинг ҳузурига Ўш фуқаролари, Марғилон ҳокими Баҳодирхон тўра, Қўқондан Ёқуббек Бадавлат оталиқ ва Мирзо Аҳмад қўшбегилар Худоёрхондан юз ўгириб келадилар. Ҳар тарафдан келувчилар сони кундан-кун ортиб бориб, Алиқули Амирлашкар ғоят катта кучга эга бўлади. Худоёрхон бу кучга қаршилик қила олмай, Қўқонни ташлаб, Бухорога жўнаб кетади.[3]

Шундай вазият давом этаётган бир пайтда ҳокимиятни қўлга оладиган, халқнинг бошини қовуштириб, душманга қарши қудратли кучга айлантира оладиган, сиёсий ва ҳарбий ишни пухта биладиган одам хонлик учун ниҳоятда зарур эди.

---

[1] Ўша асар. –Б.112.
[2] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.115-116.
[3] Ўша асар. –Б.121.

Алиқули атроф вилоятлардан келган юрт улуғлари билан биргаликда маслаҳатлашиб, Маллахоннинг ўғли Султон Саййидхонни Намангандан олиб келтириб, хонлик тахтига ўтқазади. Бу воқеа 1863 йил 9 июлда содир бўлган эди. Султон Саййидхон ўз навбатида Алиқулини давлат олдидаги хизматларини тақдирлаб, унга «Амирлашкар» унвонини беради.[1] Бу билан ҳаёти ва фаолияти жуда мураккаб кечган Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлигидаги ҳукмдорлик фаолияти бошланади. Хонликдаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб турган подшо армияси зобитлари Алиқулининг ҳокимият тепасига келишига алоҳида эътибор берган эдилар. Бу билан улар хонликда ҳокимиятдаги ўзгаришлар ва бунга сиёсий кучларнинг муносабатини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Айни вақтда эса хонлик ички сиёсатидаги курашларнинг авж олиши империя манфаатлари учун айни муддао ҳисобланарди. 1863 йилда Ўрта Осиё хонликларидаги сиёсий вазият ҳақидаги қисқача шарҳининг Қўқон хонлигига тегишли қисмида полковник Веревкин шундай сўзларни қайд этади: - “Янги хон тахтга келиши билан ҳокимиятга қипчоқлар гуруҳи чиқди. Уларнинг орасида лаёқатли ва кучли шахслар кўпчиликни ташкил этади. Ёш хоннинг, яъни Султон Саййидхоннинг ҳомийси этиб ва оталиқ мансабига Мулла Али(м)қули тайинланди. У ёш бўлиши билан бирга бошқалардан ақллилиги ва кучли характерга эгалиги билан ажралиб туради. Али(м)қулининг маслаҳатчилари Мингбой додҳоҳ, Бекмуҳаммад удайчи кабилар бўлиб, катта таъсир ва мавқега эга кишилар ҳисобланади”.[2] Демак, хонликлардаги сиёсий вазиятни диққат билан кузатган чор ҳарбийлари ҳам ўз айғоқчиларидан олган хабарларни таҳлил қилиб, унга муносабат билдирганлар. Маҳаллий тарихчилар асарларидаги маълумотлар ва рус ҳарбийларининг махфий маълумотларидаги ўхшашлик бизнинг ҳам фикримизни тасдиқлайди, яъни, Алиқули Амирлашкар бирор-бир сиёсий куч орқасида ҳокимият тепасига келмаган, балки, ички сиёсий жараёнлар натижасида ҳокимиятга келди ва ўзига хос тарзда сиёсий кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Бунда Алиқули атрофига ўзига содиқ бўлган қипчоқ зодагонларини йиғганда балки катта хатоликка йўл қўйгандир, бироқ шароит ва зарурият энг содиқ ва энг ишончли кишиларни бошқарув ишларига қўйишни тақозо қиларди. Бу эса табиийки, бошқаларга хуш ёқмасди ва сиёсий зиддиятларни янада кучайтирар эди. Бироқ, бунда Алиқули фақатгина қипчоқлар манфаатини кўзлаган эди дейилса, катта хатога йўл қўйилади. Бу фикрнинг исботи тариқасида, Тошкент

---

[1] Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий.. –Б.108-110.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 26$^{б}$-й.ж. 168-в.

ҳимоясида қипчоқ лашкарларининг Алиқулига хиёнат қилиб, унинг ҳалокатига йўл қўйганликларини келтириш мумкин.[1] Шу каби сабабларга кўра хонликда ўта мураккаб сиёсий вазият юзага келган эди. Ана шундай шароитда ҳокимият жиловини қўлга олган Алиқулига хон "амирлашкар" унвонини беради ва бу Алиқулининг ваколатларини янада кенгайтиради.

Султон Саййидхоннинг Алиқули Амирлашкарнинг давлат олдидаги буюк хизматларини тақдирлаб, унга "амирлашкар" унвонини берганлиги ҳақидаги иноятномасида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин:

- "... Чун зоҳирий ва маънавий аҳволнинг эгаси амири соҳиб ул-фикр ва тадбир Мулло Алиқули лутфу - шафқат ва қаҳру - ғазаб кўзини дўсту-душманларга очибдир, шунинг учун уни чексиз шоҳона марҳаматимизга сазовор этиб, "амир ул-умаро" мансабига мансуб этиб сарафроз ва аржуманд этдик.

Тамоми уламо ва фузало, сайидлар, фуқаро ва тамоми лашкарнинг бошлиқлари (раусо) ва сардорлари, фуқаро ва раъиятнинг ҳаммалари машороалайх (Алиқули) ни "амири нофиз ул-ҳукми би-л-истиқлол" (ҳукм чиқаришда мустақил амир) деб билиб, унинг мадҳи ва ҳурмати, эъзозлаш ва эҳтиромида қилча ғафлат ва ғофилликда қолмасинлар. Салтанат, кишварситонлик муҳум ишларини, яьни қўшин ва аскарларни жиҳозлаш, хокимлар ва аскар амалдорларни амалга қўйиш ва олиш, кўча-кўйларни тартибга келтириш, фасодчи ва бузғунчи кишиларнинг қатли, жазоси ва шунга ўхшаган ишларнинг соҳиби амр ва тафаккури бўлган амир (Алиқули – З.И.) га бердик. Ҳеч бир киши бир қарич ҳам унинг ҳукму фармойишидан чиқмасин, унинг ҳар бир ва ҳар қандай фармонини бажариши лозим ва итоат этиши вожиб деб билсинлар. Унинг ному-насабини амру фармонларда "амир" сифатисиз зикр қилмасунлар.

Амири мазкур зоҳиран ва ботинан адлу инсоф ила ўзига фоҳира[2] кийим билан оро бериб, адлу инсоф расмида ғафлат ва бепарволик қилмасунлар. Зўрдан заифга жабру ситам етмаса, икки дунёда ҳам яхши номлари қолажак. Бу [ёрлиқ] зафарли сафар ойининг сешанба куни сана 1280 йили[3] таҳрир бўлди".[4]

Хонликда юз бераётган ички сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб турган чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишда иштирок

---

[1] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.158.

[2] Фахрли.

[3] 1863 йил 28 август.

[4] Марғилоний Муҳаммад Азиз. Тарихи Азизий. -Т.: Маънавият, 1999. –Б.108-110.

этаётган ҳарбий кучлари қўмондонлари Алиқулининг ҳокимият тепасига чиққанидан ташвишга тушганликларини яшириб ўтирмадилар. Алиқулининг имкониятлари ва мақсадларини бирмунча яхши англаган полковник Веревкин шундай деган эди: -“Шубҳасиз, ҳозирги вақтда ожиз ва лаёқатсиз Худоёрхон ўрнига оталиқ мансабидаги хоннинг ҳомийси Алиқули давлат бошқарувини ўз қўлига олган экан, ўзининг анча ақлли ва ҳаракатчанлиги билан барчага маъқул бўлмоқда. Ҳозир шундай вазият юзага келдики, қўқонликлар етарли кучга эга бўлишлари биланоқ бизга қарши кураш бошлашлари мумкин”.[1]

Алиқули Амирлашкар давлат ишларини ўз қўлига олиб, ҳокимият бошқарувида бир қанча ўзгаришлар қилади. Жумладан, шу вақтда вафот этган Шодмонҳожи мингбоши ўрнига Нормуҳаммад парвоначини Тошкентга ҳоким этиб тайинлайди ва аста-секин ҳокимиятни мустаҳкамлаб боради. Давлат бошқарувидаги асосий лавозимларни эгаллаб турган амалдорларни асосан қипчоқ зодагонлари билан алмаштириб, Алиқули хатоликка йўл қўяди. Юқорида таъкидланганидек, бунда Алиқули айнан қипчоқлар манфаатини кўзламаган бўлсада, кейинчалик хонликда Алиқули ва унинг олиб бораётган сиёсатидан норози бўлган Бухоро амири тарафдорларининг кўпайишига туртки бўлади. Сибир корпуси қўмондони Дюгамель ҳам ўзининг 1864 йил 4 январда ҳарбий вазирга берган ахборотномасида Алиқулининг шу сиёсатини таҳлил қилиб ўтади.[2]

Ички сиёсий вазият ўз изига тушиб бораётган бир пайтда ташқи сиёсат, айниқса Россиянинг босқинчилик тажовузи тобора таҳдидли тус олаётган эди. Шуларни ҳисобга олиб, сиёсий вазиятни жуда яхши англаган Муҳаммад Юнус Шиғовул Алиқули Амирлашкарга катта давлатлар, яъни Туркия султонлиги, Англия, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон давлатлари билан ҳарбий ва сиёсий алоқалар ўрнатишни маслаҳат беради ва бу Амирлашкарга ҳам маъқул бўлади. У тезда санаб ўтилган давлатларга муносиб элчиларни танлаш ва уларни сафарга жўнатиш ишларини ташкил этишни Муҳаммад Юнус Шиғовулнинг ўзига топширади. Тез орада элчилар тайёрланиб, шимолий карвон йўллари чор қўшинлари назорати остида бўлганлиги туфайли, элчиларни жанубий йўллардан жўнатишга киришилади.[3]

Элчилик ишлари ва уларни жўнатиш тафсилотлари ҳақида шу ишларни амалга оширган Муҳаммад Юнус Шиғовулнинг ўзи шундай

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 26$^{А}$-й.ж. 145-в.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 27-й.ж. 22-в.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.129.

ёзади: - «Рамазон ийди намози ўқулғон куни каминани Кошғарга буюриб, Аҳмад Ҳожа Эшон ўрниға халифати дуввум хизматлариға элчи Ҳожи Мелибой ва Энглис (Англия – З.И.) давлатига элчи Мададҳожабек, Кобул - Қандахор подшоҳи амир Шералихонга элчи Косонлик Муҳаммад Назар эшикоғаси ва Кашмир маҳарожасига элчи ҳўқандлик Тошхўжа Сарвар ва Қошғарга Шукурхон оқсоқол ўрнига Хамроқули эшикоғасини оқсоқол қилиб, буларни ҳаммасини каминага тофшуруб, шавволни иккинчи куни Ҳўқанддан чиқиб, муддати ўн олти кунда даҳли Қошғар бўлуб, ҳокими Қутлуқбекға мулоқот қилиб ва Хитой амбаллари бирла сўзлашуб, то бу элчиларни Таббат (Тибет – З.И.) [йўли] га солуб жўнатгунча узоқ муддат ўтуб, ийди қурбон намозини ҳам Қошғарда ўқуб, андин сўнгра хитой Қосимбек деган сармонбегини хоқон кўб ҳадия ва тухфалар бирла элчилик тариқида каминаға қўшуб, Қошғардин чиқиб, Хўқанд тарафиға жўнадук ва охир Маҳрам беги сафари Ҳўқандга даҳл бўлуб, мазкур элчи жўнаб, Амирлашкари марҳум ва жаноб Холназар мубоfeakларидан ўткариб, бағоят хурсанд бўлуб, каминаға кўб илтифотлар айлаб, марҳамат қилдилар».[1]

Бу маълумотлар шундан далолат берадики, Алиқули Амирлашкар Туркия, Англия, Кобул ва Қандахор, Кашмир ва Хитой каби давлатларга элчилар юбориб, Қўқон хонлигининг юзага келган вазиятдаги аҳволи ва чор Россиясига қарши курашда ҳарбий мададга муҳтож эканлигидан огоҳ этиб, улар билан алоқалар ўрнатишга ва ҳарбий кўмак олишга ҳаракат қилган.[*]

Тарихчи ва шу билан бирга хонликнинг шиғовули мансабида бўлган Муҳаммад Юнус Тоиб элчиларни жўнатиб қайтгач, Амирлашкар унга иззат -икром кўрсатиб, орада маъюслик билан Туркистон қўлдан кетганлигини айтади. Туркистоннинг Россия томонидан 1864 йил 12 июнда босиб олинганлиги эътиборга олинадиган бўлса, Тоибнинг элчилик билан боғлиқ сафарлари 1864 йил феврал–июнь ойларида бўлганлигини англаш мумкин.

Бу элчилик сафарлари ҳақида ҳабар топган подшо ҳукумати уларнинг амалга ошиши ва натижаларига қаттиқ қизиқиш ҳамда хавотир билан муносабатда бўладилар ва барча тафсилотларини кўздан қочирмасликка ҳаракат қиладилар.

-“ Бизга хабар беришларича, Қобул амири хузурига Қўқондан ёрдам сўраб элчиликлар юборилган. Шунингдек, Хивага, Афғонистонга

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.132-134.

[*] Афсуски, ушбу элчиликларнинг номалари, мактубларини топишга ва танишишга муваффақ бўлинмади. Бу мактублар ёки номалар топилганда Қўқон хонлиги тарихининг ташқи сиёсати, элчилик муносабатлари ва дипломатик алоқалари ҳақида ўта қимматли манбаларга ва маълумотларга эга бўлиш мумкин эди.

ва Константинополга ҳам нуфузли элчилар жўнатилган. Бундан кўриниб турибдики, Мулло Алиқули мусулмон давлатлари ўртасида Қўқоннинг фойдаси учун ва бизга қарши (Россия империясига қарши-З.И.) дипломатик ва ҳарбий иттифоқни юзага келтириш учун ҳаракат қилмоқда. Унинг Тошкентга 5000 винтовка олиб келиш ҳақидаги сўзларига асосланадиган бўлсак, турган гапки, у қурол етказиб бериш масаласида Қобул ёки Пешовар билан битим тузган."[1]

1865 йил бошларида Туркиядан чор Россияси мустамлакачилигига қарши курашда ёрдам сўраб, Истанбулга Саид Ёқубхон тўра бошчилигида элчилар юборилади. Ушбу юборилган элчилар Хива ва Эрон орқали ўтиб, 1865 йилнинг баҳорида Истанбулга кириб келади.[2]

Саид Ёқубхон тўра Қўқон хонлиги ҳудудларига чор Россияси ва айни вақтнинг ўзида Бухоро амирлиги томонидан босқинчилик тажовузларининг кучайиб бораётганлиги ҳақида маълум қилиб, босқинчиларга қарши курашда султондан ёрдам сўрайди. Усмонийлар империяси ҳукумати бу масалага бефарқ бўлмасликка ва уни "Мажлиси махсус"да кўриб чиқишга ваъда беради.[3] Қўқон хонлигининг ёрдам сўраб қилган мурожаатлари "Мажлиси махсус"да муҳокама этилиб турган бир вақтда Истанбулга Мулло Алиқули Амирлашкарнинг чор қўшинларига қарши курашаётган вақтда ҳалок бўлганлиги ва Тошкент шаҳри подшо қўшинлари томонидан босиб олинганлиги тўғрисида хабар келади.[4]

Хонликда асосий давлат бошқарув тизимини ўз қўлида сақлаб турган Алиқулининг ҳалок бўлиши ҳамда Ўрта Осиёдаги энг йирик шаҳарлардан бирининг Россия империяси ҳарбийлари томонидан босиб олинганлиги Туркия ҳукуматини ҳам бефарқ қолдирмайди ва Усмонийлар давлатининг девони султонга мавжуд вазият тўғрисида ўз ахборотини тайёрлайди. Бу ахборот-билдиришномада шундай сўзларни ўқиш мумкин:

-"Қўқон хонлиги ва Усмонийлар давлати ўртасида масофалар анча анча узоқ ва давлатларимиз орасида бошқа давлатлар ҳам жойлашган. Халифа томонидан Бухоро амирига нома ёзиб, Ўрта Осиё хонларини биргаликда чор Россиясига қарши курашга ҳаракат қилишга даъват этиш керак. Элчиларга эса йўл харажатлари учун 75 минг куруш

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф.,1-р.,29-й.ж. 141-в.
[2] Записки графа Игнатьева // Исторический вестник. Кн.№4, -СПб.: 1914. -С.123.
[3] Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. – Istanbul.: 1975. -S.35.
[4] Ўша жойда.

беришимиз лозимдир. Фармон бериш подшоҳимиз измидадир. 1282 йил рамазоннинг саккизинчи куни (1865 йил 31 август)”.[1]

Юқоридаги маълумотларнинг муаллифи М.Сарай ўзининг иккинчи бир асарида қуйидагича маълумотларни ҳам берадики, бунда Қўқон хонлигининг элчиси Саид Ёқубхон тўра Девонга ҳижрий 1282 йил раби ул-аввалнинг 18–кунида кирганлиги ва Султон Абдулазизга мурожааат қилиб, Қўқон хонлиги ва Усмонийлар давлати ўртасида дўстликнинг мавжуд бўлиб туриши ҳар икки давлат учун ҳам ниҳоятда муҳим эканлигини айтади. Шунингдек Туркистон мусулмонлари султоннинг амр – фармонларига катта ҳурмат билан қарашларини таъкидлайди. Саид Ёқубхон тўра султондан тўрт дона замбарак, тўппончалар, андоза олиш учун турк қўшинининг ҳарбий кийимларидан бир донадан беришларини илтимос қилади.[2]

Демак, Усмонийлар давлати Қўқон хонлигининг Султон Саййидхон томонидан[3] юборилган элчилигига бефарқ бўлмаган ва олий давлат органи – “Мажлиси махсус”да кўриб чиқилган. Девоннинг билдирган фикрларига таяниб Султон Абдулазиз Ўрта Осиё ҳукмдорларини ўзаро бир–бирларига қарши уруш ҳаракатларини олиб бормасликка ва чор Россиясининг босқинчилик тажовузларига қарши биргаликда курашишга чақирган.

Бу маълумотлар Россиянинг Туркиядаги элчиси  томонидан ҳам тасдиқланган ва ҳукуматга билдирилган эди. Унда жумладан, шундай дейилади:

-“ Қўқон хони Султон саройига (Туркияга - З.И) ўзининг ишончли одамларидан бирини  Россия ва Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатларда таъсир ўтказиш тўғрисида музокаралар ўтказиш учун юборган. Ҳозирча музокараларнинг натижаси маълум эмас. Музокараларнинг қандай тугашидан қатъий назар, бизнинг ҳукуматимиз ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда ҳам Россия империяси ва Қўқон хонлиги ўртасида воситачилик қилиш ёки таъсир кўрсатишига ҳеч қандай давлатга йўл бермаслиги керак”.[4]

Бундан кўринадики, Алиқули Амирлашкар ҳукумат тепасига келиши биланоқ, кучли ички ва ташқи сиёсат юритиш йўлини тутган бўлса, иккинчи томондан унинг ҳукумат тепасига келиши  ва олиб бораётган фаолияти рус ҳукуматини ғоятда қаттиқ ташвишлантирган эди. Шунингдек, чор Россиясининг ҳукмрон доиралари хонликдаги ўз

---

[1] Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. – Istanbul, 1975. -S.35.
[2] Saray M. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabetler(1775-1875). -Ankara, 1994. -S74.
[3] Аслида Алиқули Амирлашкар томонидан юборилган.
[4] ЎзР МДА. 715-ф.,1-р.,29-й.ж. 172-в.

қизиқишларига ҳеч қандай давлатни аралашувига йўл қўймаслиги, унинг Қўқон хонлигини мустамлакага айлантиришга қатъий бел боғлаганлигининг исботи эди. Ўз навбатида буни Алиқули Амирлашкар ҳам яхши тушунарди. Шу сабабли ҳам энг қудратли мусулмон давлатлари билан бежиз алоқалар ўрнатишга киришмаган эди.

Ўз навбатида Англияга Мададхожабек бошчилигида юборилган элчилик ҳам деярли ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмайди. Бу элчилик олдига Англиядан чор Россиясининг ҳарбий босқинчилик тажовузига қарши ёрдам олиш ва замонавий тўплар ясайдиган тўпчи усталар масаласида ёрдам кўрсатишни сўраш вазифаси қўйилган эди. 1864 йил декабр ва 1865 йил феврал ойларида Ҳиндистондаги Англия ҳукумати ноиби Жон Лавренседан хонликка келган жавоб хатида шундай сўзлар битилган эди: - “Элчиларингиз Ҳожибек Исхоқ оға орқали сизлар илтимос қилган тўпчи усталарни ҳам юбориш имкониятига эга эмасмиз”.[1]

Шу тариқа Алиқули Амирлашкарнинг Туркия, Англия каби йирик давлатлар билан бир қаторда қўшни давлатларга уюштирган элчиликлари хонлик учун керакли натижани бермади. Бундан ташқари Туркиянинг Болқон масаласида, Англиянинг эса Ўрта Осиё масаласида Россия империяси билан рақобатлашуви ва ташқи сиёсий вазиятнинг кескинлашганлиги ҳам ҳар икки йирик давлатга Қўқон хонлигига амалий ёрдам кўрсатишга имкон бермаган эди.

Бу вақтда Туркистон Россия томонидан босиб олинди.[2] Туркистоннинг босиб олиниш санаси 1864 йил 12 июнь эканлигини назарда тутсак, Алиқули Амирлашкарнинг элчилик алоқалари 1864 йил февралдан 1865 йилгача давом этганини кўриш мумкин. Император вице - канцлери князь А. Горчаков айнан ана шу элчиликлар билан боғлиқ баёнотномасини 1865 йил 3 март куни берган эди.[3] Бор имконият доирасида музокаралар олиб борилган бўлсада, бу элчиликлар ижобий натижаларини бермади ва Россия империясидек қудратли душманга қарши курашда Қўқон хонлиги яккаланиб қолди.

Чет давлатлар билан бир қаторда Ўрта Осиё хонликлари, жумладан, Хива хонлиги билан ҳам чор Россиясининг ҳарбий босқинчилигига қарши иттифоқ тузиш мақсадида музокаралар олиб борилган эди. Бу иш ҳали Маллахон ҳаётлик вақтидаёқ бошланган эди.

---

[1] Inalcik. Osmanli – Rus rekabetinin mensei ve Volga – Don kanali tesebbusi. -Ankara, 1948, -S.349-402.

[2] Туркистон шаҳри полковник Веревкин отряди томонидан (4 рота, 2 юзлик, 10 замбарак, 6 мортир, 2 ракета мосламаси) 1864 йил 12 июнда босиб олинган. Қаранг: Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б.59.

[3] ЎзР МДА. 715-ф.,1-р.,29-й.ж. 141-в.

Кейинчалик Алиқули Амирлашкарнинг ҳам Хива хонлиги билан музокаралар олиб борганлиги манбаларда қайд этилган. Бироқ бу музокаралар ҳам охиригача етказилмади. Бу ҳақда генерал-майор М.Г.Черняевнинг ахборотларидан бирида қайд этилган: - “...бизнинг илғорларимиз томонидан Хива хонлигининг элчиси асир олинди. Бу элчи ҳали Алимқул ҳаётлик вақтидаёқ[1] Қўқон хонлигига юборилган экан. Мен элчини ўз ҳоҳишига кўра Перовский форти орқали Хивага қайтариб юбордим”.[2]

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Алиқули Амирлашкар Қўқон хонлигининг ички сиёсий аҳволини яхшилашга уриниш билан бир қаторда ҳорижий давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга интилди. Бу билан у ўзининг дипломатик ҳамда сиёсий алоқалар соҳасидаги фаолиятини ҳам намоён эта олган эди. Шулардан келиб чиққан ҳолда Алиқули Амирлашкарнинг ички ва ташқи сиёсий масалалардаги дипломатик алоқаларни олиб боришдаги фаолиятини уч қисмга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, Қўқон хонлигининг ички сиёсий барқарорликка эришиши йўлида олиб борилган дипломатик алоқалар. Алиқули Амирлашкар давлат тепасига келиши биланоқ маҳаллийчилик ва тарафкашлик оқибатида сиёсий жиҳатдан тарқоқ ҳолга келиб қолган хонликни бирлаштиришга ва ягона мақсад сари йўналтиришга ҳаракат қилди. Бу мақсад тахт учун ўзаро курашларга барҳам бериш, тахт атрофида барча кучларни жипслаштириб, чор босқинчиларидан хонликни муносиб ҳимоя қилишдан иборат эди. Бу тадбирлари орқали Алиқули Амирлашкар парокандаликка учраб бўлган уруғ ва қабила бийлари, ботирбошилар ва амалдорларни мумкин қадар Қўқон тахти атрофида бирлаштиришга умид қилади.

Алиқули Амирлашкар бир қанча беклар ва додхоҳлар, уруғ ва қабила бийларига хонликка садоқат билан хизмат қилиш ҳамда душманга қарши курашда бирлашишга даъват этувчи мактублар жўнатади. Шундай мактублардан бири қирғизларнинг Сарибағиш қабиласи, Тинай уруғидан бўлган Жонтой Қорабековга жўнатилган эди. Унда жумладан шундай дейилади: -“... қариндошлик туйғуси билан умид қиламизки, сиз олдинги қилган гуноҳларингиз учун (Жонтой руслар билан алоқа ўрнатганлиги учун давлатга хиёнат қилганликда айбланган эди – З.И.) қўрқмасдан ҳузуримизга келасиз. Чунки, сафар

[1] М.Г.Черняев ўз ахборотномасини 1865 йил 11 июнда юборган бўлиб, бу вақтда Алиқули Амирлашкар ҳаёт эмас эди.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 30-й.ж. 77-в.

ойининг бешинчи куни (1863 йил 26 август – З.И.) улуғ хонимиз тахтга чиқиши муносабати билан авфи умумий эълон қилганлар.

Ташқи душманларимизни йўқ қилиш ва ички рақибларимизни тийиб қўйиш учун биз қўшин тўпламоқдамиз ва қуролларни тартибга келтирмоқдамиз...”[1]

Бироқ бу мактуб ўша вақтда чор Россияси ҳарбийлари билан алоқада бўлган ва хоинлик йўлини тутган Жонтой Қорабеков томонидан генерал Колпаковскийга бериб юборилади.[2]

Бундай мактублар яна бир қанча уруғ ва элатлар оқсоқолларига, марказий ҳокимиятга бўйсунишдан бош тортган айрим амалдорларга ҳам юборилган эди ва буларнинг натижаси ўлароқ, Алиқули Амирлашкар саъй-ҳаракати билан хонликда маълум муддат сиёсий барқарорликка эришилди. Бунинг алоҳида эътиборга молик томони ҳам мавжудки, бу бирлаштириш жараёнлари қирғиз - қипчоқ зодагонларининг манфаатларига мос келмаганлиги учун айнан ана шу тоифаларда Алиқулига бўлган ишончсизлик ва пинҳона бўйсунмаслик кайфияти юзага келади ва бу айнан Тошкент мудофаасида яққол намоён бўлади.

Иккинчидан, Алиқули Амирлашкар XIX аср 60 – йилларида кучайиб бораётган ва тобора даҳшатли тус олаётган чор Россиясининг босқинчилигига қарши курашда сиёсий ва ҳарбий иттифоқчилар топиш мақсадида Англия, Туркия, Ҳиндистон, Тибет, Кобул, Қандахор, Хива каби давлатларга элчилар юборди. Гарчи, уюштирилган бу элчиликлар Қўқон хонлиги фойдаси учун амалий жиҳатдан деярли ҳеч қандай фойда бермаган бўлсада, шунга қарамай бу Алиқули Амирлашкарнинг ташқи дипломатик соҳада маълум бир ютуқларга эришиш учун ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Бу элчиликлар юқорида кўрсатилган давлатларга расмий равишда Россия империяси томонидан Қўқон хонлигининг мустақиллиги ва суверенитетига ҳарбий босқинчилик билан тажовуз қилаётганлигидан огоҳ этган эди.

Учинчидан, Алиқули Амирлашкар ҳарбий тўқнашувлар вақтида ва бошқа вақтларда подшо ҳарбий қўмондонлари билан ҳам музокаралар олиб борди.* Ушбу музокаралар бир томондан Алиқули Амирлашкарнинг ҳарбий саркардалик лаёқатини намоён қилса,

[1] ЎзР МДА. 715-ф.,1-р., 27-й.ж. 103-104 - вв.
[2] Ўша жойда.

* Бу музокараларнинг айрим тафсилотлари ва натижалари хусусида монография давомида фикр билдириб ўтилади.

иккинчи томондан унинг ҳарбий дипломатия соҳасида ҳам маълум ютуқларга эришганлигини кўрсатади.[1]

Афсуски, Алиқулининг хорижий мамлакатлар билан олиб борган ёзишмалари сақланиб қолмаган, бунинг сабаби Худоёрхоннинг 1875 йил қўзғолончилардан қочиб, Тошкентга кетаётган пайтда хонлик архив ҳужжатлари бир қисмининг йўқолганлиги бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбаларда, архив ҳужжатларида бу ҳақда маълумотлар, Алиқули Амирлашкарнинг рус ҳарбий қўмондонлари билан олиб борган ёзишмалари ва мактублари сақланиб қолган.[2]

1864 йил бошларига келиб, Қўқон хонлиги аста-секин ички сиёсий барқарорликка эриша бошлайди. Бу эса халқнинг ҳукуматга нисбатан, хусусан, Алиқули Амирлашкарга нисбатан ишончи ортиб боришига, қўшинларнинг ҳарбий тайёргарлиги ва қуролларнинг бир оз такомиллашувига олиб келади. Қўшни давлатлардан ҳарбий мададнинг йўқлиги, бунинг устига Бухоро амирининг душманлик сиёсати Қўқон хонлигини ниҳоятда оғир аҳволга солиб қўйган эди.[3]

Хонликнинг ҳарбий аҳволи, қуролланиши, мудофаа қудратига давлат раҳбари сифатида хоннинг ўзи мутасадди бўлсада, ҳамма хонлар бу масалага жиддий ёндашавермаганлар, ёки бу ишларни амалга ошириш айрим саркардаларнинг саъй-ҳаракатлари билан бир оз яхшиланиб турилган.

Сўнгги даврларда Қўқон хонлигини бошқарган хонлардан фақатгина Маллахон ҳарбий соҳага жиддий эътибор билан қараган эди, унга бу ишларда Алиқули Амирлашкар ҳам яқиндан кўмак берган эди.

- «Бу Туркистон хонларидан, - деб ёзади тарихчи Исхоқхон Ибрат, - икки киши фуқаро ва миллат учун ҳаркат этгон эди. Бири бу Амирлашкар ва бири марҳуми Маллахон [эди], [улар] тўплар қуйдуруб, милтиқлар ясаб, корхоналар қилиб, тўплар узрасиға кумушлар била ёзувлар ёзиб, яхши диққат этгон эди”.[4]

Қўқон хонлигининг бошқа даврларга нисбатан Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихон (1798 – 1842) хонликда бирмунча барқарор ва

---

[1] Қаранг: ЎзР МДА. 715-ф.,1-р.,28-й.ж. 186-в; 187-в: 498-в; Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари. 93-б; Тарихи жаҳоннамойи. 310 а; Тарихи Алиқули Амирлашкар. – Б.148–149.

[2] 1–5 - иловаларга қаралсин.

[3] Saray M. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabetler(1775-1875). S71-75; Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. -S.33-37; Inalcik. Osmanli – Rus rekabetinin mensei ve Volga – Don kanali tesebbusi.. S349-402;.

[4] Фарғона тарихи. –Б.308.

тинч ривожланиш кузатилсада, бироқ ички сиёсий вазият, ўзаро урушлар ва низолар, исёнлар хонликдаги мавжуд қуроллар билан қуролланган сарбозлар ёрдамида бартараф этилган. Қуролланиш ва ҳарбий жиҳатдан деярли фарқ қилмайдиган Бухоро амирлиги билан турли вақтлардаги тўқнашувлар ҳам қуролларни такомиллаштиришга, ҳарбий соҳа ривожини юксалтиришга, махсус тайёргарликка эга бўлган кўп сонли мунтазам армия ташкил этишга унчалик эҳтиёж туғдирмаган эди. Хонлар ҳам бунга алоҳида эътибор билан қарамаган эдилар. Хонликдаги ҳарбий соҳанинг замон талабларидан орқада қолишининг асосий сабаби ҳам шунда эди. Бу давр эса маълумки, Россия империяси билан ҳарбий тўқнашувларнинг авжи паллага кўтарилган даври ва бу ҳолатда ҳукмдорлар ўз–ўзидан ҳарбий соҳани такомиллаштиришга мажбур бўлган эдилар.

Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлиги сиёсий бошқарувидаги фаолияти ва унинг ҳарбий соҳаларда олиб борган ислоҳотларига ҳақида сўз кетганда шу даврда Қўқон хонлигининг умумий ҳарбий қудрати ёки имкониятлари қай даражада эканлиги ҳақида албатта тўхталиб ўтиш лозим.*

XIX аср ўрталарида хонликнинг турли ҳудудларида бунёд этилган Тўйчибек, Тўқмоқ, Пишпек, Иткичу, Оқсув, Марки, Челаккўрғон, Авлиёота, Сўзоқ, Кумушкўрғон, Янгиқўрғон, Оқмасжид, Жўлак каби қалъа ва қўрғонлар хонлик сарҳадларини ҳимоя қилишда ҳамда хонликка қарашли ҳудудларни хонликнинг таъсир доирасида тутиб туриш учун хизмат қилувчи асосий мудофаа иншоотлари эди. Шунингдек, Чимкент, Туркистон, каби қалъаларни ҳам келтириш мумкинки, булар қалъага нисбатан йирик шаҳарлар бўлиб, мустаҳкам мудофаа истеҳкомларига ҳам эга эди. Бу қалъа ва шаҳарларда 50 тадан 6000 гача мунтазам қўшин ҳисобланган Қўқон лашкарлари турарди.[1] Қўқон хонлиги ҳарбий салоҳияти ва умумий аҳволини махсус ўрганган Ғарбий Сибир корпуси зобитларидан бири капитан Веньюков ўз ахборотларидан бириди қуйидаги маълумотларни келтирган эди:

- «Бу қўшинлар Европа армияларига нисбатан анча паст даражадаги ҳарбий таълим ва тузилишга эгадир. Улардаги мавжуд қуроллар билан замонавий армияларга қарши туриш анча мушкул. Қуролларнинг асосий қисмини ханжар, қилич, найза каби совуқ қуроллардан иборат.

* 5-иловага қаралсин.

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 274-в.

Қўшиннинг ярмига яқинигина милтиқлар билан қуролланган, бу милтиқлар қалин стволли ва пилта билан отувчи милтиқлардир. Озгина қисмида рус милтиқлари ҳам мавжуд бўлиб, асосан биздан қочиб кетган ҳамда асирга олинган солдатлардан тортиб олинган. Тошкентликлар бу милтиқ нусхаларини ўз пилта милтиқларига мослаштириб, янги милтиқ турини яратишга ва фойдаланишга эришганлар. Хонликдаги мавжуд порохнинг ҳам сифати унчалик аъло даражада эмас. Унинг таркибида кўмир шунчалик кўпки, агар оқ қоғоз бетига ёки кафтга солинса, унинг қораси албатта юқади.

Қўқонликларнинг тўп ва замбараклари мисдан қуйилган бўлиб, ҳозирги замонавий артиллерия қуроллари билан рақобатлаша олмайди. Замбарак ўқлари яхшигина катталикда бўлсада, бироқ нишонни йўқ қилишда ҳамда масофа олислиги жиҳатдан анча заифдир. Лекин, шунга қарамай тошкентлик тўпчилар ҳайрон қоларлик даражада аниқ ва моҳирона ота оладилар».[1]

Шунингдек, бу зобит  Қўқон хонлиги қўшинлари хусусиятлари билан яқиндан танишар экан, ундаги ҳарбий тайёргарликнинг яхши эмаслиги ва айниқса, жанг пайтларида ҳарбий интизомнинг ёмонлигини хонлик қўшинлари заифлигининг асосий сабабларидан эканлигини кўрсатиб ўтади. Гарчи рус зобитининг бу маълумотлари бир томонлама, Россия империяси манфаатлари нуқтаи–назаридан баҳоланган бўлсада, хонликдаги ҳарбий ва айниқса, сиёсий вазият, узоқ давом этган тарихдаги ҳарбий анъаналар чуқур ҳис этилмасдан, кўп ҳолларда жосуслик ахборотлари асосида ёзилган. Шунга қарамай улардан биз учун анча қимматли бўлган айрим маълумотларни олишимиз мумкин.

Қўқон хонлигининг ҳарбий ишлари тарихига назар ташланса, ҳали XVIII асрдаёқ хонликда мунтазам армия ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўша вақтлардаёқ бунда артиллерия қўшинларининг ташкил этилиши муҳим ахамиятга эга бўлган. Маълумотларга кўра биринчи тўп Тошкентда 1870 йил аҳолидан йиғиб олинган мис идишларни эритиб, қуйилган бўлса, кейинчалик Россиядан келтирилган мис ҳисобига қуйила бошланган.[2]

Замбараклар ва ўқ отувчи қуроллар билан қуролланган сарбозлар қўшини Ўрта Осиёдаги илк доимий  қўшин ҳисобланган ва улар доимий равишда махсус турар жойларда яшашган. Сарбозлар ва тўпчиларнинг хизмат қилиш муддатлари эса аниқ вақт чегараси билан

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 24-й.ж. 243-246 - вв.
[2] История Узбекской ССР. Т. I. кн. II, -Т.: АН УзССР, 1956. –С.22.

белгилаб қўйилмаган. Тинчлик вақтларида эса уларнинг аксарияти ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланган.[1]

Шу ўринда иккинчи бир россиялик ҳарбий, татар миллатига мансуб Исмоил Абдулмажидовнинг Сибир корпуси қўмондонига ёзган хатидан парча келтиришни жоиз деб билдик:

- «Уларда (қўқонликларда – З.И) қурол йўқ деб, ёки уни ўта паст даражада деб бўлмайди. Уларнинг қуроллари ва ҳар хил замбараклари борлиги бизга жуда яхши маълум. Чунки уч йил давомида бу ерда бўлиб, бунга гувоҳ бўлдик.[2]

Шунингдек, уларни бизга ҳужум қилмайди деб ҳам бўлмайди, чунки биз улардаги ҳарбий тайёргарликнинг қай даражада эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Агар бунга ишонмасак, қўқонликларнинг ҳарбий қудрати ғоят аянчли деб, ўзимизни алдашимиз мумкин. Сартлардан (ўзбеклардан –З.И.) қўрқиш керак».[3]

Чор Россияси зобитлари ва ҳарбий асакрларининг бундай қарама-қарши фикр билдиришлари табиий эди. Чунки ҳарбий жиҳатдан кучсиз бўлса ҳам, миллий давлатчиликнинг дахлсизлигини сақлаб қолиш ҳисси қўқонликларнинг чор Россияси босқинчи ҳарбийларига қарши курашларда қаттиқ зарбалар беришига сабаб бўларди.

Шунга қарамай, 50–йилларнинг охири ва 60–йилларнинг бошларига келиб, асосан Маллахон даврида қуролланишга ва ҳарбий аҳволни яхшилашга эътибор кучайди. 1853 йилда Қўқонда 30 тагача, Тошкентда 20 тагача, Туркистонда 2 та, Сирдарё бўйлаб жойлашган қалъаларда 1 тадан 3 тагача тўп ва замбараклар мавжуд бўлган бўлса, бу даврга келиб уларнинг сони ва сифати анча ўсди. Булар асосан Қўқондаги ва Тошкентдаги тўп қуйиш ва милтиқ ясаш устахоналарида тайёрланар эди. Замбараклар асосан мис, темир ва чўяндан қуйилар эди. Тўп қуйиш учун мис Россия ва Шарқий Туркистондан келтириларди.[4]

Бу хусусда Оренбург корпуси қўмондони полковник Дандевиллнинг ҳарбий вазирга ёзган қуйидаги ахборотномасини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: - «Туркистонга афғонистонлик бир киши келди ва Туркистон ҳокимига янги замбараклар қуйишни таклиф қилди. У бу иш билан Кобулда шуғулланганлиги ҳамда

---

[1] Пулатов Ю., Мирхаликов А. К истории огнестрельного оружия в Средней Азии. Материалы по истории Узбекистан. Т.: АН УзССР, 1963. –С.103.

[2] Исмоил Абдулмажидов 1858-1860 йилларда Қўқон хонлигида ҳарбий асирликда бўлган ва бу ерда бўлаётган жараёнларнинг бевосита шоҳиди бўлган.

[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 24-й.ж. 240-242 - вв.

[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 276-в.

Европаникидан қолишмайдиган портловчи тўп ўқлари ясашни билишини ҳам айтди. Бек буни бажонидил қабул қилди».[1]

Маллахон буйруғига кўра қуйилган ва «Тўби махсуси калон Саййид Муҳаммад Маллахон Баҳодур. 1276 ҳижрий» (яъни, «Саййид Муҳаммад Маллахон Баҳодирнинг махсус катта тўпи. 1276») сўзлари ўйиб ёзилган тўплардан бири узоққа отишга мўлжалланган бўлиб, стволининг узунлиги 280 см, стволининг ички айланаси диаметри 18 см бўлиб, оғирлиги 1385 кг ни ташкил этган. Бундай замбараклар уларни олиб юриш учун махсус ясалган ғилдиракли мосламага ўрнатилган ва жангда ишлатилган.[2]

Маллахон қуролларни такомиллаштириш билан бирга ҳарбий тайёргарликка ҳам катта эътибор беради. Бундай ҳаракатлар Алиқули Амирлашкар даврида ҳам давом эттирилди. Қўқон хонлигининг ҳарбий жиҳатдан олдинги йилларга нисбатан қудратга эришуви, Россия империясидек қудратли рақиб билан тенгма – тенг курашлар олиб бориши бевосита Алиқули Амирлашкарнинг ҳарбий соҳада ҳам олиб борган фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Маллахон даврида олиб борилган ҳарбий ислоҳотларда йирик давлат амалдори сифатида Алиқули Амирлашкарнинг ҳам хизматлари катта бўлган бўлсада, Султон Саййидхон ҳукмронлиги йилларида (1863 – 1865 йй) сиёсий ҳокимиятни амалда қўлга олган Амирлашкар бу ислоҳотларни янада фаолроқ олиб борди. Отлиқ ва пиёда қўшинларнинг жанг вақтидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ҳарбий тактика ва айниқса ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланганлиги унинг рус босқинчиларига қарши берган қақшатқич зарбаларидан ҳам сезилади.

Алиқули даврида қуйдирилган ўзининг сифати, турли ҳажмдаги ўқлар отишга мўлжалланган ўлчамлари билан ажралиб турган. Жанг вақтларида уларни моҳирона ишлата олганлар ва шунигдек, аввалдан мавжуд бўлган «хитойча» деб аталган замбаракларидан ҳам фойдаланилган.

Алиқулининг ўзи ҳам жангларда тўп жангига раҳбарлик қилган. Бунда албатта, хонлик қўшинларининг тўпчибошиси ҳиндистонлик Жомадор ҳам катта ўрин тутган ва хонликнинг ҳарбий қудрати ошиб боришида тўпларнинг такомиллаштирилаётганлиги, бунда айниқса, Тошкентдаги тўп қуйиш корхонасининг катта аҳамият касб этаётганлиги рус манбаларида ҳам эътироф этилган.[3]

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 23-й.ж. 109-114 - вв.
[2] Пулатов Ю., Мирхаликов А. К истории огнестрельного оружия в Средней Азии. -С.103.
[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 248-в.

Алиқули Амирлашкар ўз фаолияти давомида мунтазам қўшин сонини оширишга ҳаракат қилди ва 1863 – 1864 йилларга келиб, хонликда қирқ минг кишига етказилди. Бу қўшинлар барча йирик шаҳар ва қалъаларга тақсимланган эди. Амирлашкар буйруғи билан бир кундаёқ Қўқон ёки Хўжандда ўн–ўн икки минг кишилик қўшин йиғилиши мумкин эди.[1]

Бу қўшинлар ҳамда ҳар бир қалъа ўз туғи ва байроғига эга бўлган. Масалан, Тўқмоқ босиб олинганда, у ердан иккита байроқ, чўян тўп, 11 пилта милтиқ, бир қанча пичоқ, қилич, найза ҳамда 500 кг порох ўлжа олинган.

Чимкент босиб олинганда эса, 4 байроқ, 11 туғ, 19 чўян ва 8 мис замбарак чор қўшинлари томонидан ўлжа олинган. Бу ўлжалар орасида байроқлар алоҳида аҳамият касб этган.[2]

Алиқули Амирлашкар бошчилигидаги Қўқон лашкарининг аламбардори Мамбет понсад бўлганлиги тарихий манбалардан маълум.[3] Бироқ, хонлик армияси байроғининг қандай шакл ва кўринишга эга бўлганлигини афсуски, ҳозирча аниқлашнинг имкони бўлмасада, шу ўринда архив ҳужжатларида сақланиб қолган маълумотлар эътиборни жалб этади:

- «Сирдарё чизиғида ўлжа олинган икки байроқни сизга юборишни ўзимга шараф деб биламан. Биринчиси қизил рангли бўлиб, Туркистон шахридан олинган, иккинчиси Оқбулоқдан ўлжа олинган бўлиб, ялтироқ товланувчи ранглардан иборатдир».[4]

Бу байроқлар Оренбург ўлкаси қўшинлари қўмондони генерал адъютант Безак томонидан 1864 йил 21ноябрда ҳарбий вазирга юборилган. Манбаларда яна таъкидланишича, Мадалихоннинг Бухоро амири Насруллога қарши (1842 й) беш туғли лашкар билан жангга киргани қайд этилган. Унда ёзилишича, туғлар кўк, оқ, сариқ, қизил рангларда ва бир байроқ қора рангда бўлган.[5]

Қўшинда унвон ва мансаблар ҳарбийларнинг кўрсатган хизматлари даражасига қараб, Амирлашкар томонидан берилган. Бунда ҳар бир унвонга сазовор бўлган шахсга тегишли рангдаги от, тўн, қурол–яроғ ва бошқа нарсалар ҳам берилган. Шундай унвон ва мансаблар бериш тўғрисидаги Алиқули Амирлашкарнинг фармони ЎзР МДА ҳужжатларида сақланиб қолган. Муҳаммадкарим понсад тоғлик

---

[1] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футуҳотлари. –Б.59.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 203-в.
[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 248-в. Қаранг: Веселовский В. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – Спб., 1894 –С.5-21; Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футуҳотлари. –Б.2-7.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 324-в.
[5] Ғаройиб ус-сипоҳ. –Б.31а.

қўли билан ёзилган ушбу фармоннинг муҳрли қисми йўқолган бўлсада, шунга қарамай, у баъзи ноаниқликларга аниқлик киритишда ёрдам беради. Жумладан, Алиқули Амирлашкарнинг ҳақиқий номи «Алимқул» ёки «Олимқули» эмас, балки «Алиқули» экани ушбу фармонда форс тилида «... дар вақти Алиқули Амирлашкар дода шўд» деб қайд этилган.[1]

Умуман, XIX асрнинг 60 – йилларига келиб, Қўқон хонлигида ҳарбий аҳволга эътибор бирмунча кучайган бўлишига қарамай, у жаҳон миқёсида ушбу соҳада анча қолоқ эди. Бунинг устига қўшинлардаги ҳарбий таълимнинг пастлиги, қурол–яроғларнинг етишмаслиги, айниқса, ҳарбий интизомнинг ёмонлиги, ўзаро қабилавий келишмовчиликлар, жанг майдонларини ташлаб кетиш ҳолларининг мавжудлиги подшо армияси олдида мағлубиятга учрашининг асосий сабабларидан эди. Шундай вақтда Алиқули Амирлашкарнинг олиб борган фаолияти ва чор Россияси ҳарбий босқинчиларига қаттиқ зарбалар бериб бориши халқ наздида унинг маҳоратли саркарда эканлигини намоён қилди.

Юқоридагиларга хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, аввало XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигида юзага келган ички сиёсий парокандаликнинг олдини олиш ва ички кучларни бирлаштириб, ташқи душман тажовузини бартараф этишга қаратиш вазифаси Алиқули Амирлашкар зиммасига тушди. Гарчи у етук сиёсий арбоб ва маҳоратли ҳарбий саркарда ҳамда моҳир дипломат бўлмасада, воқеалар жараёнида Алиқулида ана шу хислатлар шаклланиб борди.

Иккинчидан, Алиқули Амирлашкар томонидан Султон Саййидхоннинг хон этиб кўтарилиши тахт учун курашларни бартараф қилди. Хон ва бевосита Алиқули Амирлашкарнинг саъй-ҳаракатлари билан ички сиёсий кучларнинг тахт атрофига бирлашуви амалга оширилди. Бу эса аввало, ички сиёсий зиддиятларни бирмунча юмшатган бўлса, иккинчидан ана шу кучларнинг чор Россияси ҳарбий босқинчиларига қарши яхлит кучга айланишига замин яратди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ички низоларни бартараф этиш билан бир вақтда Қўқон хонлиги учун азалий рақиблардан бири бўлган Бухоро амирлигига қарши ҳам қатор курашларни олиб боришга мажбур бўлди ва бунда муваффақиятларга эришди. Бу ҳолат ҳам Алиқулининг ички сиёсатда обрўси ва унга бўлган ишончнинг кучайишига олиб келди.

[1] ЎзР МДА. 1043-ф., 1-р.,1-й.ж. 1-в.

Учинчидан, Алиқули Амирлашкар қудратли Россия империясининг тажовузига қарши курашда яккаланиб қолди. Хонлик ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятига кўра душманга қарши тура олмаслигини англаган ҳолда у бир қатор ҳорижий мамлакатларга ҳарбий ёрдам сўраб элчилар юборди. Гарчи бу элчиликлар ижобий натижага эриша олмаган бўлсада, Россиянинг ҳарбий босқинчилигини бутун дунёга ошкор қилди.

Тўртинчидан, Алиқули хонликдаги ҳарбий аҳволни бирмунча йўлга қўйиш ва яхшилаш борасида имконият даражасида ислоҳотларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Бунда унинг Маллахон билан биргаликда ва Султон Саййидхон ҳукмронлиги йилларида амалга оширган ишлари айниқса, диққатга сазовордир.

Қўқон хонлигининг давлат мустақиллигини сақлаб қолиш учун ички ва ташқи муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилиб, подшо қўшинлари босқинчилигига қарши халқни отлантира олган Алиқули халқ томонидан қўллаб қувватланди ва айрим камчиликларга йўл қўйган ҳамда юқори табақа орасида бир қанча душманлари бўлишига қарамай Туркистон халқларининг катта ҳурматига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам халқ дилидагини яхши англаган ва замондош бўлган ўша давр тарихчилари Алиқули Амирлашкар фаолиятига юқори баҳо бериб, унинг шахс, сиёсат арбоби ва саркардалик жиҳатларини эътироф этган эдилар.

# III БОБ АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАРНИНГ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТАЖОВУЗИГА ҚАРШИ КУРАШЛАРДАГИ ҲАРБИЙ САРКАРДАЛИК ФАОЛИЯТИ

## III.1. Алиқули Амирлашкарнинг Туркистон, Чимкент ва Иқон жангларидаги саркардалик маҳорати.

Қўқон хонлиги Бухоро амирлиги билан олиб борилган курашлар ва тахт учун курашларнинг авж олиши ҳамда ички сиёсий вазиятнинг кескинлашуви натижасида XIX асрнинг 60–йиллари бошларига келиб иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан танг аҳволда қолди.

Айни вақтда ҳокимиятни эгаллаб турган қипчоқлардан йирик сиёсий гуруҳларнинг ўзаро бирлашиши учун жиддий тўсқинлик бўлди. Мамлакат фуқаролари ҳам ўз навбатида марказий ҳокимиятдан норозиликларини турли кўринишларда намоён эта бошлади. Хонликнинг шимолий ҳудудларида Россия империяси тарафдорлари кўпайиб бораётган бўлса, Тошкент ва унга туташ ҳудудлардаги аҳоли орасида бир вақтнинг ўзида Россия империяси ва Бухоро амирлигининг тарафдорлари ҳам юзага кела бошлади. Бу эса мамлакатда умумий парокандалик ҳолатларини янада кучайтириб юборди. Қўқон хонлиги учун шундай оғир бир шароитда ҳокимият тепасига келган Алиқули Амирлашкар бутун диққат эътиборини барқарорликни мустаҳкамлаш ва чор Россияси мустамлакачилик ҳарбий босқинига қарши мудофаани кучайтиришга қаратди.

Алиқули Амирлашкарнинг ҳокимият тепасига келиши ҳамда Қўқон хонлигининг ички сиёсий аҳволини яхшилаш билан бирга ҳарбий қудратини ҳам оширишга қаратилган ҳаракатлари Россия империясининг босқинчилик сиёсати ўзининг авжи палласига кўтарилган вақтларга тўғри келган эди.

Шунга қарамай, 1864 йил бошларига келиб, Қўқон хонлиги аста-секин ички сиёсий барқарорликка эриша бошлайди. Бу эса халқнинг ҳукуматга нисбатан, хусусан, Алиқули Амирлашкарга нисбатан ишончи ортиб боришига, қўшинларнинг ҳарбий тайёргарлиги ва қуролларнинг бир оз такомиллашувига олиб келади. Бу ҳақда Оренбург ҳарбий округи қўмондони империя ҳарбий вазирига юборган баённомасида (1864 йил 4 апрел) Қўқон хонлигининг ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан аввалги вақтларга нисбатан ниҳоятда кучайиб кетганлиги

ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган эди.[1] Ушбу баённомада 1864 йил баҳорида Бухоро амири ҳам Қўқонга ҳарбий юриш уюштирмоқчи эканлиги ва бундай сиёсий вазиятда Авлиёота ва Туркистонни босиб олишда Тошкентдан ҳарбий ёрдам юборилмаслиги русларга қўл келиши ҳам эслатиб ўтилган эди.[2]

Қўшни давлатлардан ҳарбий мададнинг йўқлиги, бунинг устига Бухоро амирининг душманлик сиёсати Қўқон хонлигини ниҳоятда оғир аҳволга солиб қўйган эди. Шундай танг бир вазиятда Қўқоннинг бир қатор ҳарбий қалъаларини босиб олишга эришган рус қўшинлари навбатдаги босқинчиликка тайёргарлик кўриб, Туркистон шаҳрига юриш бошлайди. Босқинчилик юришларида катта тажриба тўплаган чор Россияси ҳарбий қўмондонлари бошчилигидаги аскарлар 1864 йил 8 – 9 июнь кунлари Туркистон атрофига келиб ўрнашадилар. Юришга қўмондонлик қилган полковник Вревский Туркистонни босиб олиш учун пиёдалар билан бирга 1 отлиқ взвод, 10 та замбарак, 6 мартира, 2 та ракета мосламасини сафарбар этади.[3] Бу вақтда Туркистон ҳокими Мирзо Давлат парвоначи Туркистон ва Тошкент қўшинлари билан биргаликда мудофаага тайёргарлик кўрарди. Чор қўшинлари шаҳар атрофига жойлашишлари биланоқ, Туркистон ҳимоячилари душманга тўп ва милтиқлардан ўқ отиб, жангни бошлаганлар. Бироқ, тўрт кун давом этган қаттиқ жанглардан сўнг 1864 йил июнда Туркистон шаҳри Чор Россияси ҳарбийлари томонидан босиб олинади.[4] - "Туркистонни, - деб ёзган эди Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, - руслар қаттиқ қамал қилиб, эрта тонгдан бошлаб шаҳар қалъасига ҳужум қилиб, шаҳар ичига бостириб кириб, маҳаллаларда кўп фуқароларни, навкарларни ва ғозийларни ўлдирдилар, тирик қолган ғозийлар захмдор ва мажруҳларни ўзлари билан олиб, Чимкентга ва у ердан Тошкентга келдилар".[5]

Мирзо Олим Мушриф ўз асарида Мирзо Давлатнинг Туркистонни ташлаб кетгани, Алиқули Амирлашкар қўшин билан бу ерга отланган вақтда Авлиёота ҳам қўлдан кетганлигини эшитиб, Туркистон мудофааси раҳбарларини қаттиқ жазолаганлиги ҳақида ёзса,[6] Аваз Муҳаммад Аттор ўз асарида Мирзо Давлатнинг чор Россияси мустамлакачиларига қарши шижоат ва мардлик билан курашгани ва айрим бузғунчи кимсаларнинг айби билан Туркистон бой

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 27-й.ж. 156-в.
[2] Ўша жойда.
[3] Ҳ.Зиёев. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. –Б.98.
[4] Туркистон чор қўшинлари томонидан 1864 йил 12 июн куни босиб олинган. Қаранг: Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. Т.: «Ўқитувчи», 1995. –Б.59.
[5] Тарихи жадиди Тошканд. –Б.443.
[6] Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. –Б.73.

берилганлигини ёзади.[1] Тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳам Туркистон ҳокими Мирзо Давлатнинг Тошкент ва Дашти Қипчоқ қўшинлари билан биргаликда чор қўшинларига қарши қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги ва бир неча кишининг бузғунчилиги ва хиёнати туфайли Тошкентга чекинишга мажбур бўлганлигини ёзади.[2]

Тарихчиларнинг бундай қарама-қарши фикрлари мавжуд бўлсада, архив манбаларидаги Туркистонда бўлиб ўтган жанглар ҳақидаги маълумотлар Мирзо Давлат бошчилигидаги Ватан мудофаачилари душманга қарши ниҳоятда жонбозлик билан қаршилик кўрсатганликларини тасдиқлайди.[3]

Ҳ.Зиёев ўз асарида архив манбаларига асосланган ҳолда 1864 йил 12 июнда чор қўшинларининг Туркистонни босиб олганликлари ва 4 замбарак, 117 та милтиқ, 200 пуд порох, 100 пуд қўрғошинни ва бошқаларни ўлжа олганликлари, руслардан беш киши ўлдирилиб, ўттиз уч нафар киши жароҳатланганлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек Туркистон шаҳрини босиб олиш пайтида чор армияси томонидан шаҳарга 1495 снаряд ва 43208 милтиқ ўқи отилганлигини таъкидлаб ўтади.[4]

Бу маълумотлар ҳам Туркистон ҳимоясида мудофаачилар чор қўшинларига қарши қаттиқ қаршилик кўрсатганликларини ва жанг жуда даҳшатли кечганлигини тасдиқлайди. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, Туркистон шаҳрининг Россия империяси томонидан босиб олинишига айрим хоинлар ҳам ёрдам берган эди. Хоинларнинг ўз манфаатлари йўлида Ватанга хиёнат қилиб, чор Россияси ҳарбийларига берган илтимосномалари ҳам Ҳ.Зиёев асарида ўз аксини топган.[5]

-« Биз, - деб ёзган эди Туркистонни босиб олишда иштирок этган рус зобитларидан бири капитан Мейер, - Туркистонни босиб олиш билан кифояланмаслигимиз лозим. Чунки, Туркистон кўчманчи қозоқ хонларининг ва руҳонийларнинг шаҳридир, шунинг учун у сиёсий ва савдо-иқтисодий жиҳатдан ҳеч қачон Тошкент билан тенглаша олмайди.

Тошкентни эгаллаш биз учун албатта Қўқон хонлигининг ички сиёсати билан боғлиқдир».[6]

---

[1] Тарихи жаҳоннамойи. –Б.120.
[2] Тарихи жадиди Тошканд. –Б.443.
[3] Қаранг: ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 26-й.ж. 128-132 - вв; 27-й.ж. 358-363 - вв; 28-й.ж. 183-189 – вв ва бошқ.
[4] Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.128-129.
[5] Ўша асар. –Б.129-130.
[6] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 26-й.ж. 128-в.

Бироқ, империя ҳарбий қўшинларининг Тошкентга борадиган йўлини Чимкентдек мустаҳкам қалъа ва ҳарбий кучга эга бўлган шаҳар тўсиб турарди.

Авлиёота ва Туркистонни босиб олган чор қўшинлари икки томондан Чимкентга яқинлаша бошладилар. Шаҳар ҳимоячилари ҳам мудофаа учун тайёргарликларини кучайтириб юборадилар. Алиқули Амирлашкар Султон Саййидхон билан биргаликда Тошкентга келади ва у ердан Чимкент яқинидаги Шаробхона қишлоғига келиб қўнади.[1]

Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандийнинг ёзишича, - "Султон Саййидхон Мулло Алиқулини (қўлёзмада Алимкул-З.И.) сардор айлаб, уни куффор жангига жўнатди. Мулло Алиқули кеч тунда жўнаб, ҳиммат раҳшини мақсуд йўлига ҳайдади. Суръат билан йўлларни тай қилиб, қуёш чиқаётган пайти Чимкентга етиб келди."[2]

Мулло Ҳолибой Мамбетовнинг ёзишича, Туркистон томондан тўрт юзга яқин рус аскарлари Чимкентга бостириб келади ва Тошсой мавзесига қўнади.[3]

Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Султон Саййидхон ва Алиқули Амирлашкар биргаликда Чимкент ҳимояси учун Тошкент орқали борганликларини ёзиб, мудофаа умумхалқ даражасига етиб, ушбу ишда барча аҳоли иштирок этганини алоҳида таъкидлайди.[4]

Қўшин Чимкент яқинидаги Шаробхона қишлоғига ўрнашади. Бу вақтда Оқбулоққа ўрнашиб олишга улгурган чор қўшинларига қарши 14 июль эрта тонгдан жанг бошланади. 16 июлгача давом этган бу жангда Мингбой ботир, Мирзо Давлат, Яъқуббек, Бекмуҳаммад каби лашкарбошилар алоҳида қаҳрамонлик билан кураш олиб борадилар. Қаттиқ ва шиддатли жанглардан сўнг қўқонликлар катта талофот бериб бўлсада ажойиб ғалабага эришадилар. Шу ўринда Аваз Муҳаммад Аттор қуйидагиларни ёзади:

-" Кўп ўрис кофирлар бошяланг, кулоҳларини* қўлга олиб, қўрқиб, узр сўраш учун Мулло Алиқули ҳузурига келдилар. Совға - саломларини тортиқ этиб, душманлик ва адоват руҳидаги калималарни унутиб, ўз мақсадларини баён қилишди."[5]

Мағлубиятга учраган чор Россиясининг ҳарбийлари бутунлай яксон бўлишдан қутулиб қолиш мақсадида Алиқули Амирлашкарга элчи жўнатиб, сулҳ тузишни ва бунда қўқонликлар томонидан

[1] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари. –Б.82-83.
[2] Тарихи жаҳоннамойи. –Б.309а.
[3] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари. –Б.84.
[4] Тарихи жадиди Тошканд. –Б.448.
* Кулоҳ - бош кийими. Бош кийимини ечиш бу ерда итоат қилиш, бўйсуниш маъноларида қўлланган.
[5] Тарихи жаҳоннамойи. –Б.310а.

қўйиладиган ҳар қандай шартга рози эканликларини билдиришади. Бир томондан ғалабадан руҳланган ва шаҳарни чор қўшинларининг босқинчилигидан асраб қолган, иккинчи томондан шарқона қадриятларга хос бўлган, яъни мағлубиятга учраган ва ожиз ғанимга шафқат қилиш ҳисси ва ниҳоят, Чимкент остоналарида қозонилган ғалаба натижасида қўлдан кетган шаҳарларни қайтариб олиш имконияти туғилганлиги Амирлашкарни ҳам сулҳ тузишга ундайди.

- "Мусулмонлар сулҳ васиқасига имзо қўюб, ўрислардан икки лак миқдорида* Русия тиллосида пул талаб қилишди. Бу эса Ҳўқанди латифнинг икки юз йигирма беш минг бир мисқоллик ашрафийсига тенг эди. Улар Туркистон вилоятини ҳам қайтариб беришга рози бўлишди."[1]

Бироқ, бу сулҳ шартномаси ҳеч қандай қабиҳликлардан қайтмаган чор босқинчилари учун вақтдан ютишга имкон берувчи бир баҳона эди холос.

Гарчи Чимкент остоналарида Алиқули Амирлашкарнинг чор қўшинлари билан қаттиқ жанглар олиб бориб, уларни мағлубиятга учратган бўлсада, бундан қониқмаган Амирлашкарнинг ўзи бу ҳали тўлиқ ғалаба эмаслигини яхши тушунарди. Бунинг учун энг аввало, яхши, замонавий қуроллар билан қуролланган кучли армия зарурлигини ҳис этарди. Шунинг учун кейинги жангларда тўп ва замбараклардан, милтиқлардан кўпроқ фойдаланган Қўқон лашкари бир мунча муваффақиятларга эришади. Бироқ, бу ҳам душман олдида кучли тўсиқ бўла олмасди. Сулҳ баҳонасида кучларини бирлаштириб олишга эришган чор қўшинлари 1864 йилнинг 22 июль куни қайтадан яна ҳужумга ўтадилар.[2]

Бу вақтда чор Россиясининг ҳарбий кучлари генерал Черняев ва полковник Лерхе бошчилигидаги кучларни қўшиб ҳисоблаганда (Учинчи /арбий Сибир батальони, бешта рота, Урал Оренбург батальонларининг биринчи ва иккинчи взводлари, ёрдамчи ўқчи батальоннинг тўртинчи ротаси, казаклар артиллериясининг биринчи взводи ва пиёда-тоғ артиллериясининг биринчи взводи ҳамда иккита замбарак, Урал ва Оренбург казак юзлиги ва бир рота отлиқ қўшинлар) хонлик қўшинларига нисбатан анча катта кучни ташкил этарди.[3]

Алиқули Амирлашкар шиғовул Муҳаммад Юнус Тоибга Чимкентга бориб, у ердаги қўқонлик сарбозларни ва ҳамда Хайрмуҳаммадхон бошлиқ Тошкент сарбозлари ва тўбхонасини

* 1 лак – 100 минг
[1] Ўша жойда.
[2] Туркистон босқини. –Б.29.
[3] Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. –Б.60.

юборишга амр этди. Шунингдек, пароканда бўлган аскарларни йиғиб, Мингбой парвоначига топшириб, у ҳам Манкент тарафдан Авлиётага келувчи чор қўшинларининг йўлини тўсиши кераклигини етказишни топширади. Тоиб бу вазифаларни адо этиб юрган вақтда, - «... бир қанча қосир ақл, кўтоҳ андеша умаро ва сардорлар тўбхона боргунча сабр ва таҳаммул қилмай», - Амирлашкарни жанг қилишга ундайдилар. Улар тезлик билан югурсак, руслар бир ўқ отиб, иккинчисига улгурмаёқ, қўл жангига киришга мажбур қиламиз, - деб Амирлашкарни ишонтирадилар.[1]

Душманни қандай қилиб бўлса ҳам мағлуб этиш асосий мақсади бўлган Амирлашкар аскарлардаги бу ғайратни кўриб, жангга рухсат беради. Бироқ, ўйланган режа амалга ошмай, жуда кўп сарбозлар ўққа учиб, ҳалок бўлади. Худди шу аснода Авлиётадан келаётган чор аскарлари Мингбой парвоначини мағлубиятга учратиб, Чимкентдаги подшо қўшинларига келиб қўшиладилар. Чимкент мудофаачилари ғоятда мушкул аҳволда қоладилар.

Алиқули Амирлашкар Чимкент яқинида туриб, мудофаани мустаҳкамлашга киришади. Чор қўшинларининг хатти–ҳаракатидан хабардор бўлиб туришдек масъул вазифани ҳам Муҳаммад Юнус Тоиб ва Аҳрорхонтўра шиғовулга топширади. Бу ҳақда Муҳаммад Юнус Тошкандий ўз хотираларида шундай ёзади; - “Бир куни Ўрусия аскари тамоман тўб ва тўбхона бирлан Чимкантга яқин бир тефага жаъм бўлуб уруш бошладилар ва бу тарафдин Жомадор ани муқобаласиға тўфларни ростлаб ва тефа атрофига қорақўндоқ мерганлар жойлашиб, [уларнинг отган] ўқи ўрусияларни хўб бесаранжом қилиб, Русия аскари мазкур тефадан сурилиб, пастга тушуб, Арис тарафига юруб, бир ерда андак сувланди ва мусулмон аскари аларни орқасидан тушуб ва алар милтиқлари бирлан даъф ва Мингбоши фарвоначига[2] милтиқ ўқи тегиб, шаҳид бўлуб, икки аскар бир-биридан ажрашиб, ул кеча ётиб, эрта бирлан хабардор бўлсак, Ўрусия тамоман Арисдан ўтуб, [қочиб] кетиб [ди].”[3]

-“Икки ўртада, - деб ёзади Муҳаммад Юнус Тошкандий ўз хотираларида, - қаттиқ жанглар бошланиб кетди. Оқибатда жуда кўплаб одамлар нобуд бўлди. Жанг тугагач, Алиқули Амирлашкар Қўштегирмонда ўрнашди ва барча ҳалок бўлганларни дафн эттириб, бу ерга “Шаҳидмозор” деб ном берди”.[4]

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.142.

[2] Мингбой парвоначи бу вақтда қўшбеги мансабида бўлиб, хонликнинг энг моҳир саркардаларидан бири саналган.

[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.146-147.

[4] Муҳаммад Юнус хотиралари. –Б.75.

Шаҳар ҳимоячиларининг мардонавор курашлари натижасида чор қўшинлари яна мағлубиятга учраб, Авлиёотага чекинишга мажбур бўлган.

Бу жангда Қўқон хонлигининг ҳарбий кучлари ғалабага эришган бўлсада, унда Алиқули Амирлашкарнинг энг содиқ сафдошларидан бири Мингбой парвоначи ҳалок бўлади. Ўрни келганда айтиш лозимки, Мингбой парвоначи ҳам Алиқули Амирлашкар сингари халқ орасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлган ва «Ботир» номи билан аталган. Россия империясининг ҳарбий босқинчиларига даҳшат солган лашкарбошилардан бири Алиқули Амирлашкар бўлса, иккинчиси Мингбой ботир ва яна бири Султон Содиқ эди. Бу лашкарбошилар билан бўлган ҳар бир тўқнашувда подшо Россиясининг қўшинлари катта талафотларга учрарди.

Мингбой парвоначининг ўлими Қўқон лашкари руҳиятига қаттиқ таъсир қилади ва ўз навбатида Алиқули Амирлашкарга ҳам қаттиқ таъсир қилади.[1]

Айни вақтда хонлик қўшинлари ва чор қўшинлари ўртасидаги шиддатли жанглар давом этарди. Алиқули Амирлашкар Нормуҳаммад парвоначи ва бошқаларга тезда Манкент йўли билан Авлиёотага бориб, у ерга чор қўшинларининг кириб келишига йўл қўймасликни буюради. Бироқ, бу саркардалар чор Россияси ҳарбий қўшинларидан қўрқиб, Авлиёотага бормай, орқага қайтадилар, чор қўшинлари эса Авлиёотага кириб ўрнашадилар. Уларнинг бундай хатти–ҳаракати хоинлик ҳисобланиб, Амирлашкар томонидан қаттиқ жазо берилади.

- «Амирлашкари марҳум, - деб ёзади Муҳаммад Юнус Тоиб, - буларнинг беғайратлик қилғон важҳидан ғазабнок бўлуб, Байзоқ додҳох, Мирзо Зариф понсад ва Темур понсад ва Муҳаммад Юсуф понсадни Чимканддин ташқариға чиқориб, мазкур Байзоқни тўб оғзиға бойлаб оттуриб ва бошқаларни сарбозлар милтиқ бирла уруб ўлдуруб [ди]».[2]

Бу одамларнинг қатл қилиниши масаласида Мирзо Олим Мушриф ва Р.Набиевларнинг кўрсатиб ўтишича, Чимкентда бўлиб ўтган ҳарбий кенгашда Қўқон саркардаларидан бири Отабек додхоҳ асосий қўшинни қалъа ичида қолдириб, бирон ерда пистирма ташкил этиш ва пистирмадан душманга қарши тўплардан ўқ узиб, жанг қилиш тактикасини таклиф этади.[3] Отабек додхоҳнинг таклифини Бойзоқ додхоҳ, Ниёзалибий, Ёқуббек Бадавлатлар қўллаб қувватлайдилар.

[1] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269 – 1281 саналарда қилғон футуҳотлари. –Б.79-81.
[2] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.148-149.
[3] Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус – салотин ва таворих ул – хавоқин. –Б.107-108; Р.Н.Набиев. Из истории Кокандского ханства. -С.68.

Аликули Амирлашкар бу фикрни нотўғри ҳисоблаб, бу тактиканинг ташаббускорларини холинлик йўлига кирганликда айблайди. Оқибатда Отабек додхоҳ Кетмонтепага сургун қилинади, Бойзоқ додхоҳ ва Ниёзалибийлар замбарак оғзига боғланиб қатл этилади. Ёқуббек Бадавлат эса қочиб кетишга эришади.[1]

Бироқ бу фикрларга қўшилиб бўлмайди. Биринчи сабаб шуки, Аликули ҳар доим жанг вақтида энг аввало замбараклардан фойдаланишни зарур ҳисоблаган, бунинг учун эса чет эллардан махсус замбарак ясовчи усталарни таклиф қилиб, бир қанча замонавий ўқ отадиган замбараклар ясатгани, шунингдек жанг вақтида пиёдалар ва замбараклар жангини мутаносиблаштириш тактикаларини ишлаб чиқишга ҳам катта куч сарфлаганлиги ҳақида аввалги бобларда кўрсатиб ўтилди. Демак Аликули Амирлашкарнинг ушбу жангда ҳам замбаракларданфойдаланишга қарши чиқиши мумкин эмасди. Иккинчидан, бу воқеалардан бир оз ўтгач, Аликули Амирлашкар ўзи учун энг ишончли саналган кишилардан бири - Ёқуббек Бадавлатни Шарқий Туркистондаги Қўқон хонлиги таъсири остига ўтказилган мулкларга, яъни Еттишаҳар давлатига амалда давлат ҳукмдори ваколатларини топшириб, жўнатиб юборади.[2] Бу далил ҳам юқоридаги эслатилган муаллифлар фикрларининг ишончли эмаслигини тасдиқлайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Аликули Амирлашкар айрим ҳолларда бирор-бир қарор қабул қилиш борасида хатоликларга ҳам йўл қўядики, бу бир тарафдан юзага келган қалтис вазиятда мажбурий ҳолатлар сифатида қабул қилинсада, иккинчи бир тарафдан бундай қарорлар воқеаларнинг боришида Аликулининг ўзи учун, айни вақтда Қўқон хонлиги учун ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Масалан, Бойзоқ додхоҳнинг ўлдирилиши унинг кўп сонли қариндошлари ва ўғилларининг Аликулига ва Қўқон хонлигига қарши душманлик йўлига ўтиб, чор қўшинларига ёрдам беришга мажбур қилди. Айнан шу ҳолатнинг иккинчи томонида эса Қўқон хонлиги ва Россия империяси ўртасидаги савдо алоқаларида алоҳида муҳим мавқе эгаллаган Бойзоқ додхоҳ ўғилларининг хонлик ташқи иқтисодий алоқаларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши ётарди. Шунга қарамай Аликули юритган сиёсатнинг марказида энг аввало чор Россиясининг мустамлака мақсадидаги ҳарбий босқинчилигига қарши ҳар қандай йўл билан бўлсада зарба бериш, уни Қўқон хонлиги ҳудудларидан ҳайдаб чиқариш мақсади сезилиб туради.

---

[1] Ўша ерда.

[2] Тарихи Аликули Амирлашкар.-Б.155.

Алиқули Амирлашкар ғалабага эришгач, Чимкент мудофааси учун қўшиннинг бир қисмини қолдириб, ўзи Тошкентга қайтди. Бу орада Чимкентда қолган лашкарбошиларга мактуб йўллаб, шаҳарни ҳушёрлик билан мудофаа қилишни буюради.[1]

Шу билан бирга Алиқули Амирлашкар чор қўшинларининг элчиси келгандан сўнг, урушни тўхтатиш ва икки давлат ўртасидаги дўстлик муносабатларини тиклаш ҳаракатига тушиб, Муҳаммад Юнус Шиғовулнинг маслаҳати билан асли ўратепалик, Авлиёотанинг аввалги ҳокими Мирсобирбекни чор қўшинлари ҳарбий қароргоҳига элчи қилиб юборади.[*] Россия қўшинлари қўмондони М.Черняев ҳам Мирсобирбекка бир элчи қўшиб қайтаради ва қандай истаклари бўлса, элчи тайинлаб, подшо ҳузурига юборишни, бунда ўзи ёрдам беражагини, агар император босиб олинган ерларни қайтариб бериш ҳақида фармон берса, ҳатто Оқмасжидни ҳам бузилган деворларигача тузатиб, қайтариб беришини маьлум қилади. Алиқули Амирлашкар бундай мантиқсиз таклифга рози бўлмайди ва Арисни чегара қилиб белгилаш ҳақидаги таклифни ҳам рад этади.[2]

Алиқули Амирлашкар Мирсобирбек орқали Черняевга қуйидаги мактубни юбориб, шундай сўзларни билдиради:

- "... сизнинг қўшинларингиз келиб, бизга қарашли Авлиёота ва Туркистон шаҳарларини босиб олди. Хонимиз навкар ва тўбхоналар билан сизнинг нима учун келганингизни билмоқ учун Чимкентга келди. Туркистондан Чимкентга босиб келган қўшинларингизга қарши хонимиз тўрт лашкарбошини жўнатди ва улар уч кун қўшинларингизни қамалда сақлади. Бироқ, уларни қўлга олмоқчи бўлганимизда бизга хат юбориб, бу ерга урушиш мақсадида эмас, балки, оқ подшо буйруғига кўра йўл қидириб келганликларини билдиришди ва озод қилишимизни сўраб, ёлворишди. Шунингдек, Туркистонга боргач, оқ подшога қўқонликларнинг тинчлик тарафдорлари эканликларини, ҳеч қандай зарар етказмай уларни озод қилганимиз ҳақида ва Туркистонни қайтариб беришни сўраб ёзилган мактуб юборишга ваъда беришди. Икки давлат ўртасида тинчлик ўрнатилишини ҳоҳлаганимиз учун биз бунга рози бўлдик. Аммо, ҳозир кўриб турибмизки, сиз ҳам Авлиёотадан қўшин билан келибсиз, шунинг учун сизга ҳам мактуб юборишга қарор қилдик ва нима мақсадда келганингизни билишни

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 27-й.ж. 360-в.

[*] Алиқули Амирлашкарнинг чор қўшинлари зобитлари билан олиб борган музокаралари ва ҳар икки томоннинг мактублари тўлиқ тарзда ушбу монографияда илк маротаба келтирилмоқда.

[2] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.143-145.

ҳоҳлаймиз... Қон тўкишдан олдин музокаралар олиб боришни маслаҳат берамиз. Агар биз билан урушиш мақсадида келмаган бўлсангиз, келишингиз сабабини айтинг, аксинча, урушиш учун келган бўлсангиз, кўрамиз, ким кучли экан. Агар дўстликни ҳоҳласангиз мактуб юбориб билдиринг, биз ҳам шунга қараб жавоб қайтарамиз. Ўзингизга қулай бўлган йўлни танланг".[1]

Мулло Алиқули Амирлашкар мактубини олган полковник Михаил Черняев унга ўз жавобини йўллайди ва император буйруғи билан бу ерга келганлигини билдиради. Жумладан, мактубда қуйидагича сўзлар ҳам учрайди:

-"Сизнинг Мирсобирбек орқали юборган мактубингизни олдим. Сизнинг ерларингизга мен ўз подшоҳим иродаси билан келганман. Ҳарбий ҳаракатларни фақатгина вақтинча тўхтатиб туришим мумкин. Бироқ, бутунлай сулҳ тузиш учун ваколатга эга эмасман.

Агар Сиз давлатларимиз ўртасидаги аввалги дўстлик муносабатларини тикламоқчи ва хонлик учун тинчлик олиб келмоқчи бўлсангиз, шуни таклиф қилишим мумкинки, сиз энг нуфузли одамларингизни мен орқали Петербургга юборишингиз ва музокаралар олиб боришингиз керак"[2]

Бу ҳар икки мактубнинг ўзига хос мазмунидан кўриниб турибдики, Алиқули Амирлашкар тинчлик тарафдори эканлигини ҳамда Туркистон халқларининг маънавий бойликларидан бири бўлган кечиримлилик, тантилик билан ўтган урушлар ва низоларни эсламасликка, тинчликни сақлаб қолишга интилган бўлса, Черняевнинг мактуби чор қўшинларининг бу ерга фақат уруш, мустамлака мақсадида келганлигини кўрсатади. Шунингдек, Черняевнинг асосий масаладан қочиб, диққатни савдога қаратиши ҳам унинг асл мақсадларини яширишдан далолатдир.

Черняев мактубини олган Алиқули Амирлашкар унга иккинчи мактубини юборади:

- «Мен мактубингизни олдим ва унинг мазмунидан шуни англадимки, сиз бу ерга оқ подшонинг амри билан келгансиз. Бироқ шуни англамадимки, биз билан урушиш учун келганмисиз ёки давлатларимиз ўртасидаги аввалги дўстликни тиклаш ва халқ учун тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолиш учунми?

Шунингдек, менинг Петербургга элчилар жўнатишимни ёзибсиз. Давлатимиз учун фойдали бўлган бу маслаҳатингизга мен амал қиламан, Агар амал қилмасам мен учун зарарли бўлиши мумкин. Сиз

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 187-в.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 186-в.

хонимизнинг элчиларини Петербургга аввалгидек Туркистон ва Авлиёотани бизга қайтариб беришни сўраб юборасизми ёки биз айтган ерларни қайтариб беришни сўрабми?

Сизнинг жавобингизни олгач, қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида ўйлаб кўраман”.[1]

Алиқули Амирлашкарнинг ушбу мактубига Черняевнинг жавоб йўллагани ёки йўқлиги манбаларда учрамади. Бу хусусда тарихчи Мулло Ҳолибой Мамбетовнинг асарида айрим маълумотлар мавжуд. Унинг ёзишича, чор қўшинларининг Чимкентга иккинчи юриши арафасида Черняевнинг элчиси Алиқули Амирлашкар ҳузурига келган. У элчининг қандай шартлар билан келганини ёзмаган бўлсада, афтидан элчи Қўқон хонлигининг манфаатларига зид бўлган шартлар билан келган. Алиқули Амирлашкар чор зобитлари томонидан қўйилаётган шартларни қабул қилмайди ва Черняевнинг асл мақсади урушмоқ эканлигини, Қўқон хонлиги ҳам бунга тайёр эканлигини ва икки ўртада сулҳ тузишнинг имкони йўқ экан, унда жанг бўлиши муқаррар маъносидаги жавоб билан элчини қайтариб юборади.[2]

Булардан кўриниб турибдики, ҳар икки томон ўртасида музокаралар давом этган ва чор қўшинларининг уруш ва босқинчилик учун келганликлари оқибатида Чимкент остоналарида тинчлик ўрнатиш учун бўлган барча ҳаракатлар зойе кетган. Шуниндек, бундан аввалроқ, 1864 йил 20 – 22 июнда Алиқули Амирлашкар икки марта элчилик тайёрлаб, - “Эшон қозини ҳалифаи дуввум – Султони Румга элчи қилиб ва анга лойиқ кишиларни тофшуруб, Эрони қизилбош йўли бирла жўнатуб”, - Нормуҳаммад парвоначи ўрнига Мирзо Аҳмад қўшбегини Тошкентга ҳоким қилиб, ўзи Қўқонга қайтади.[3]

Архив манбаларида шундай маълумотлар учрайди:

-«16 июлда қўқонликларнинг икки лагери пайдо бўлди. Бири Мингбой бошчилигидаги икки–уч минг киши, иккинчиси тўрт–олти минг кишилик Алиқули бошчилигидаги қўшин подшо қўшинларининг Туркистонга борадиган йўлини тўсиб қўйди. Шу кундан бошлаб Алиқули уч кун давомида русларга элчилар юборди. Бироқ булар ҳаммаси жавобсиз қолдирилди».[4]

Юқорида келтириб ўтилган мактублар эса бу маълумотларнинг қисман асоссиз эканлигини тасдиқлайди ва элчини биринчи бўлиб танг аҳволда қолган чор зобитларининг ўзлари сулҳ сўраб

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 498-в.
[2] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футухотлари. –Б.93.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.148-149.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 29-36 - вв.

юборганликларини кўрсатади. Энг асосийси, Черняевнинг мактубларида ҳам бу инкор этилмайди.

Бу орада чор Россияси босқинчилари Чимкент шаҳрини босиб олиш учун қайтадан ҳужумга тайёргарлик кўра бошлайдилар ва сентябр ойи бошларида яна уруш ҳаракатларини бошлаб юборадилар. Бу ҳақда ҳарбий вазир Милютин /арбий Сибир генерал–губернаторига қуйидагича кўрсатма беради:

- «Маълумотларга қараганда, Черняев Чимкентни босиб олиш учун ҳаракат қилаётган экан. Унга шошилинч равишда йўл – йўриқ берингки, бу сафар аввалги қилган хатоларини такрорламасин».[1]

Ҳарбий вазирнинг бундай кўрсатма беришига асосли сабаблар бор эди, албатта. Биринчидан, аввалги жангдаги шармандали мағлубият бўлса, иккинчидан, Алиқули Амирлашкарнинг хонликдаги ҳарбий аҳволга эътиборни кучайтиргани эди.

Оренбург ўлкаси ҳарбий губернатори генерал Левенгоф ҳарбий вазирга Чимкент мудофаасига доир хонликдаги вазият тўғрисида қуйидагича ахборот берган эди: - «Алиқули Амирлашкар Чимкентда тўрт минг қўшин қолдириб, асосий қўшин билан Тошкентга кетди. Тошкент ва Чимкент оралиғида яна икки минг қўшин қолдирилди. Бу қўшин агар руслар ҳужум қилса Чимкентга, Бухоро амири ёрдамида Худоёрхон Тошкентга хавф солса, Тошкент ҳимояси учун етиб бориши кўзда тутилган. Туркистонда эса генерал Черняев Чимкент юришига тайёргарлик кўрмоқда ва бу юришни сентябр ойининг иккинчи ўн кунлигига мўлжалламоқда».[2]

Аваз Муҳаммад Аттор чор Россияси босқинчилари Чимкентга сафар ойининг йигирма иккиси, чоршанба куни (1864 йил 14 сентябрь – З.И.) тўсатдан ҳужум бошлаганликларини кўрсатиб ўтади.[3]

Манбаларда кўрсатилишича, бу вақтда Алиқули бошчилигидаги Қўқон лашкарлари Қошғар чегараларида Хитойга қарши қўзғолон кўтарган шарқий туркистонликларга ёрдам бериш учун борган ва хатто у ана шу қўзғолоннинг юз беришидаги асосий ташаббускорлардан бири бўлганлиги ҳам таъкидланади.[4] Бироқ, бошқа манбаларда Алиқулининг бу ҳатти – ҳаракатлари ҳақида маълумот учрамайди. Шунга қарамай, кейинчалик Алиқули Амирлашкар томонидан Ёқуббек Бадавлатнинг айнан шу жойларни бошқариш учун жўнатилганлиги унинг Шарқий Туркистон масаласида ҳам Қўқон хонлиги манфаатлари йўлида ташқи сиёсат юритганлигининг эҳтимолдан ҳоли эмаслигини кўрсатади.

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 182-в.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 183-190 - вв.
[3] Тарихи жаҳоннамойи. 311 б.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 320-в.

Шарқий Туркистон чегараларида турган Алиқулига Россия империяси қўшинларининг Чимкентга ҳужуми ҳақида ҳабар етиб бориши биланоқ, у барча қўшинларни олиб, дарҳол Чимкент мудофаасига отланади. Айрим манбаларда Алиқулига Чимкентнинг босиб олинганлиги ҳақидаги ҳабар етказилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилади.[1] Бироқ маҳаллий манбаларда, жумладан Аваз Муҳаммад Атторнинг асарида Алиқули қўшин билан мудофаага етиб келганлиги ва жангга кирганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, муаллиф, Мулло Алиқули Амирлашкар ва Мингбой додхоҳларнинг қахрамонликларини алоҳида кўрсатиб ўтади: - «Мулло Алиқули сардор жаноблари ҳар бир паҳлавон гуруҳни ҳар жойга тайинлаб, Мингбой қўшбегини ўзининг ортидан жойлаштирди. Мулло Алиқули эшикоғасининг ўзи бир неча [душман] билан урушарди».[2]

Жанг қизиган аснода Мингбой ҳалок бўлади. Бошқа муаллифлар сингари Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий ҳам Мингбойни чуқур ҳурмат билан эслайди ва унинг қахрамонлигига юқори баҳо беради.[3]

Бир ҳафта давом этган қонли жанглардан сўнг 22 сентябрда Чимкент Россия империяси томонидан босиб олинади. Чор Россиясининг босқинчи ҳарбийлари Чимкентни босиб олиш жараёнида 210 та ядро, 19 жанговар ракета, 25 минг 319 дона милтиқ ўқи ишлатганликларини ҳужжатларда учратиш мумкин.[4]

Чимкентнинг чор қўшинлари томонидан босиб олинганлиги ҳақидаги хабар Алиқули Амирлашкарга етгач, у ғоятда қаттиқ қайғуриб, Ёқуббек Бадавлат орқали Мирзо Аҳмад қўшбегига Тошкент мудофаасини ташкил этишни ва зинҳор чор қўшинларининг шаҳарни эгаллашларига йўл қўймасликни буюради.[5]

Генерал Черняев бошчилигида 1864 йил октябрда чор Россиясининг ҳарбий кучлари Тошкентга юриш бошлайдилар. Бу хабар Қўқонга етиб бориши биланоқ, Амирлашкар барча Фарғона аскари билан йўлга чиқади, Оқжардан ўтиб, Боботархон мавзесига етганда Тошкентдан чопар келиб қолади ва русларнинг мағлубиятга учраб, Чимкентга чекинганлигини айтади.[6]

Алиқули Амирлашкар ўзи ҳам дарҳол Боботархондан Тўйтепа орқали Тошкентнинг Мингўрик мавзесига келиб жойлашди. Шу ерда Амирлашкарнинг сиёсат бобидаги яна бир фаолияти намоён бўлади.

---

[1] Ўша жойда.
[2] Тарихи жаҳоннамойи. –Б.311б.
[3] Ўша жойда.
[4] Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. –Б.133.
[5] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.152.
[6] Ўша жойда. –Б.153.

Тоибнинг ёзишича, гарчи Россия тажовузи кундан–кун кучайиб бораётган бўлсада, Алиқули Амирлашкар Хитой ҳукуматига қарши қўзғолон кўтарган ва мустақилликка интилаётган Қошғар вилоятидаги жараёнларни диққат билан кузатиб, уни қўлга киритишни ўйлаб юрарди. Тошкентга келгач, у уч кунгача ҳеч кимга кўриниш бермай, уч кундан сўнг барча саркарда ва амалдорларни чақириб, Қошғар маслаҳатини ўртага солади. Маслаҳатни бир жойга қўйгач, Жаҳонгиртўра ўғли Бузрукхонни подшоҳ қилиб, аммо барча иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни Ёқуббек Бадавлат ихтиёрига бериб, уларни Қошғарга юборади. Шу тариқа Ёқуббек Бадавлат Шарқий Туркистонда ҳокимиятни қўлга киритади.[1] Бу ҳақда Муҳаммад Юнус Тоиб ўзининг «Тарихи Алиқули Амирлашкар асарида эслатиб ўтади.[2]

Алиқули Амирлашкарнинг Туркистонни чор босқинчиларидан озод қилиш мақсадида 1864 йил декабрида уюштирган ҳарбий юриши ва Иқон яқинида олиб борган курашлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга ва таҳсинга сазовордир.

- «Амирлашкар асбоб–анжомларни ростлаб, тамом аскария ва тўб–тўбхона бирлан Сариоғоч йўли бирла Чимкандга кирмай юруб, Арис бўйиға қўнуб ва андин кўчуб, Иқонга қўндук. Ул мавзеда намози шомдан сўнгра хуфтон вақтига яқин бир мунча ўрус аскари Туркистондин чиқиб келиб, Иқон яқинига қўнди», - деб ёзади Тоиб.[3]

Қўшин таркибида Алиқулидан ташқари қўшин қўмондонларидан Мирзо Давлат қўшбеги, Қўшфармончи қипчоқ, Юсуфбой додҳоҳ, Ўтамбий қўшбеги ва бошқалар ҳам бор эди.[4]

«Амирлашкар жангномаси» асарининг муаллифи ва ушбу жангларнинг бевосита иштирокчиси Бекназар Амирлашкар бошчилигидаги қўшин Тошкентдан йўлга чиқиб, олти кундан сўнг Туркистон яқинидаги Иқон мавзесига бориб қўнди, деб маълумот беради.[5]

Бекназарнинг маълумотларига асосланадиган бўлсак, Алиқули Амирлашкар бошчилигидаги қўшин 1864 йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида Тошкентдан чиқиб кетганлигини англаш мумкин.

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар.-Б.155.

[2] Шу ўринда айтиш лозимки, Алиқули Амирлашкарнинг бутун ҳаёт йўли ва Қўқон хонлиги ички ҳамда ташқи сиёсатидаги фаолияти, миллий давлатчилигимизни сақлаб қолиш йўлида олиб борган курашлари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи «Тарихи Алиқули Амирлашкар» асарининг муаллифи Муҳаммад Юнус Тоиб – Муҳаммад Юнус Шиғовул Амирлашкар вафоти ва Қўқон хонлиги мағлубиятидан сўнг узоқ йиллар мобайнида Шарқий Туркистонда, Ёқуббек Бадавлат ҳузурида ёвар ва девонбеги мансабларида, 1877 йилгача эса Ёркендда ҳокимлик қилган эди. Қаранг: Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. -1996. №1-2. –Б.214.

[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.158.

[4] Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.147.

[5] Амирлашкар жангномаси. –Б.76а.

-«[Алиқули Амирлашкар] бир неча кун асбоб ростлаб, саранжомини олиб, қўшун қилиб, Туркистон устига юриш қилди. Совуқдин аскар ҳалок бўлуб, Иқон бориб туштилар. Намози шом бўлуб эрди, ўрус келди деб хабар топди. Дарҳол отландилар. Ярим фарсах ерга бориб, ўрусга муқобил бўлди. Тўп ва милтиқ икки тарафдин баробар ўт қўйдилар”, - деб ёзади Мирзо Олим Мушриф.[1]

Қўқонликлар Иқон қишлоғи яқинида юзбоши Серов бошчилигидаги чор қўшинлари билан тўқнашадилар.

-«Намози аср ва шом вақти орасида кетма–кет шундай ҳабар келдики, бир неча юз ўрис кофирлари дабдаба билан яқинлашиб келмоқдалар. Бу хабарни эшитиб, Соҳибқироннинг ғафлат уйқуси бошидан учди. Мардлик унинг ҳамма пaю–суякларида ҳаракатга келиб, аҳли лашкарни қуроллантириб, кофирлар йўлини барча томондан тўсиб олди. Кофирлар эса ўзлари кавлаган ҳандақларига кириб, юз минг ранжу азоб ила кечани кундуз қилдилар».[2]

Шиддатли кечган жанглардан сўнг, чор Россияси аскарлари мағлубиятга учраб, бир неча омон қолганлари Туркистонга қочишга улгуради. Юзбоши Серовнинг бундай шармандали мағлубияти кейинчалик чор Россияси тарихчилари ва ҳарбийлари манбаларида «мислсиз қахрамонлик» даражасига кўтарилади.[3] Ушбу жанг 1864 йил 4–6 декабр кунлари содир бўлиб, «Иқон жанги» номи билан машҳур бўлган эди.[4] Бу жангда чор Россияси аскарлари тўлиқ мағлубиятга учрайди ва манбаларда бу жангда қатнашган рус аскарлари ва зобитларидан 57 киши ўлдирилган ва 43 киши ярадор бўлган.[5]

Алиқули Амирлашкарнинг Иқонга қилган ҳарбий юриши ҳақида архив манбаларида ҳам бир қатор маълумотлар учрайди.

Сирдарё чизиғи қўмондони Веревкин Алиқули Амирлашкарнинг бу ҳаракатини баҳолаб, ўз бошлиқларига қуйидагича ахборот берган эди:

- «Алиқули 19 ноябрда Тошкентдан йўлга чиқди ва ўз мақсадларини ниқоблаш мақсадида катта қўшин ва бир қанча замбараклар билан шарққа томон йўналди ва бу ҳаракатлари билан Черняевнинг ташвишланишига ҳеч қандай асос қолдирмади.

Алиқули Амирлашкар Тошкентдан фақатгина 30 чақирим наридаги Кировчи қалъасигача борди ва ва у ерда бир неча кун тургач, кутилмаганда Сирдарёнинг чап қирғоғига ўтиб, дарё оқими бўйлаб

---

[1] Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. –Б.67.
[2] Тарихи жаҳоннамойи. –Б.316а.
[3] Қаранг: ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 420-427 – вв; 29-йж. 28-43 – вв ва бошқ.
[4] Тошкент. Энциклопедия. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. –Б.321.
[5] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 420-в.

юрди. Иқонга яқинлашгач, музлаган дарё устидан тез ўтиб, Туркистон томонга йўналди. Бизнинг европача тушунчамизга кўра, Алиқулининг ниҳоятда катта қўшин билан амалга оширган бундай юришини фақатгина кичик ва енгил партизан отрядларигина амалга ошира олишлари мумкин».[1]

Дарҳақиқат, Европада энг тажрибали деб ном қозонган рус генераллари ҳам Алиқули Амирлашкарнинг ҳарбий тактикага бениҳоя уқувли эканлигини кўп маротаба эътироф этган эдилар.

Сирдарё чизиғи қўмондони Веревкиннинг Иқон юриши ҳақидаги ахборотларидан бирида яна шундай маълумотларни ҳам ўқиш мумкин:

-«...кейинги вақтларда Алиқулининг Сўзоқ, Челаккўрғон каби жойларни қайтариб олишга ҳаракат қилаётганлиги Иқонда амалга ошди. Шунингдек, бу уринишлар унга катта муваффақиятлар келтирмаслигини ҳам тушунади. Бу Алиқулининг ҳарбий ишларни аъло даражада тушунадиган ва ўз имкониятларини ўта қадрлайдиган инсон эканлигини кўрсатади».[2]

Иқондаги тўқнашув натижасида 114 кишилик чор қўшинларидан 57 киши ҳалок бўлди, 48 нафари ярадор бўлди ва 9 кишигина омон қолди.[3]

Юқоридагилардан кўринадики, Алиқули Амирлашкар XIX аср 60-йиллари биринчи ярмида Қўқон хонлигининг ички сиёсий аҳволини яхшилаш ва ташқи сиёсий алоқаларини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритиш баробарида хонликнинг ҳарбий аҳволини ҳам яхшилашга уринди. Алиқули Амирлашкарнинг саъй–ҳаракатлари натижасида хонлик ҳарбий қўшинларининг ҳарбий тайёргарлиги ва қурол-яроғларнинг сифати анча яхшиланди. Бу борада бир қанча муваффақиятларга эришган Алиқули Амирлашкар чор босқинчиларининг Туркистон, Авлиёота, Чимкент шаҳарларини босиб олиш учун олиб борган жангларида мустаҳкам мудофаани ташкил қилишга ҳаракат қилди ва бунда маълум ютуқларга ҳам эришди. Олиб борилаётган курашлар ва мудофаани ташкил қилиш борасида айрим хатолар ва камчиликларга ҳам йўл қўйдики, буни унинг маълум даражада давлат бошқаруви ишларидаги уқувли давлат арбоби ҳамда ҳарбий соҳада юксак маҳорат ва иқтидорга эга саркарда сифатида тўла шаклланиб улгурмаганлигида кўриш мумкин.

Шунга қарамай Алиқули Иқон жангида, Чимкент учун дастлабки жангларда катта ғалабаларга эришди ва шу ютуқлари билан катта

[1] ЎзР МДА. 715-ф.,1-р.,28-й.ж. 398-400 - вв.
[2] ЎзР МДА. 715-ф.,1-р.,28-й.ж. 485-491 - вв.
[3] Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.149.

ҳурмат–обрўга сазовор бўлди. Бироқ, қисман эришилган ютуқлар ва ғалабалар бу шаҳарларнинг чор Россияси истилочилари томонидан босиб олинишидан сақлаб қола олмади.

## III.2. Тошкент ҳимояси учун олиб борилган курашларда Алиқули Амирлашкарнинг ўрни.

Қўқон лашкарлари Султон Саййидхон ва хонлик саркардаси Алиқули Амирлашкар бошчилигида Туркистон, Чимкент ҳамда Иқонда катта жанглар олиб бориб, душманга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бироқ ҳарбий қуролланиш жиҳатдан чор қўшинларига нисбатан қолоқлик қўқонликларнинг енгилишига сабаб бўлди. Бир қатор шаҳарларнинг, айниқса Туркистон ва Чимкент шаҳарлариниг душман томонидан босиб олиниши қўқон хонлиги учун катта йўқотиш бўлди. Энди чор қўшинлари ўз олдига Тошкент шаҳрини қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган эди.

Маълумки, Тошкент шаҳри ўзининг иқтисодий ва стратегик аҳамиятига кўра Ўрта Осиё шаҳарлари орасида алоҳида ўрин тутади. Қўқон хонлиги ташкил топганидан сўнг дастлаб хонлик ҳудудларидан ташқарида бўлган шаҳар Олимхон ва Умархон ҳукмронликлари йилларида Қўқонга қўшиб олинди ва шу даврдан бошлаб хонликнинг энг асосий иқтисодий ва сиёсий марказларидан бирига айланди. Ҳудуд жиҳатдан катта ерларга эга бўлган Тошкент шаҳри XIX асрнинг 60–йиллари ўрталаригача Бухоро ва Қўқон хонликлари ўртасидаги энг низоли нуқталардан бири бўлиб қолган эди.

Бу даврда шаҳар қалин девор билан ўралган бўлиб, шаҳарга қарашли 12 та дарвоза бор эди. Шаҳар мудофаа қобилияти жиҳатдан Қўқон хонлигининг энг мустаҳкам шаҳри бўлиб, бу ерда доимий равишда 2–4 минг аскар сақланган ва шу билан бирга бошқа шаҳарлар ва қалъаларга қараганда энг кўп (хонлик пойтахти Қўқон шаҳрини ҳисобга олмаганда албатта – З.И.) – 20 тагача замбарак мавжуд эди. Девор ташқарисидаги хандақлар сув билан тўлдирилган бўлиб, душманнинг шаҳарга кириш хавфини анча камайтирарди.[1]

Иқон жангидан ғалаба билан қайтган Алиқули Амирлашкар Ёқуббек Бадавлат орқали Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қўшбеги ва ҳарбий бошлиқларига шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш ва Ниёзбек қалъасининг ҳам бузилган деворларини қайтадан тузатиб мустаҳкамлашни, зинҳор Тошкент ҳамда унинг атрофларига чор

[1] Тошкент. Энциклопедия. –Б.321.

қўшинларининг бостириб келишларига йўл қўймасликни буюриб ўзи Қўқонга қайтади.

Муҳаммад Юнус Тоиб ушбу қишда уруш ва ҳарб ишлари тўхтаганлиги сабабли, Черняевга бирор элчи юбориб, ишларни йўлга қўйсак яхши бўларди, деб Амирлашкарга маслаҳат солади. Ўз навбатида Амирлашкар ҳам бу ишни фақат ўзингиз эплайсиз, деб Тоибни Тошкентга юборади.[1]

Тоиб икки ўртада элчиликлар уюштиришга муваффақ бўлади, бироқ, бу элчиликлар қўқонликлар учун ҳеч қандай натижа бермайди. Шундай элчилик ёзишмаларидан бири икки давлат ўртасида чегара хусусида эди. Бунда Тоиб генерал Черняевнинг ёзган мактубини қуйидагича келтиради:

- «Сизни муродингиз сарҳаддан Чимканддир. Бу иш ҳаргиз бўлмаса керак. Чунки ман Чимкандни кўб меҳнат ва машаққатлар билан олдим. Ани тобе бўлғонини императўри аъзамға арз қилғонман. Мундоғ жойни сарҳад қилмоқ мумкин эрмас. Лекин, сарҳад Шаробхонадан Чимканд тарафға мусулмон аскари ва Тошканд тарафға Русия аскари ўтмасун. Бу мавзеға хон ва Амирлашкардан хат олиб беринг, ман ҳам императўри аъзам қўлларини қўйдуруб бериб, мустаҳкам қилойлук, - дебдур».[2]

Чегара масаласига империя марказида ҳам алоҳида эътибор билан муносабатда бўлинди. Бироқ, Петербургда турган амалдорлар Тошкент ва Чимкент орасидаги ерлар ҳақида бевосита тасаввурга эга бўлмаганлиги сабабли ҳарбий вазир Д. Милютин бу ишни амалга оширишни Черняевнинг ўзига ҳавола этишни маъқул кўради: – «Бу ердан туриб Тошкент ва Чимкент орасидаги чегаранинг айнан қайси жойлардан ўтишини аниқлаштириб бўлмайди. Шу сабабли бу масалани ҳал этишни генерал Черняевнинг ўзига ҳавола этиш лозим».[3]

Муҳаммад Юнус Тоиб ушбу ишни маслаҳатлашмоқ учун Қўқонга келади ва элчилик натижалари билан Алиқули Амирлашкарни таништиради. Бироқ, Алиқули Амирлашкар Черняевнинг чегара хусусидаги таклифларини рад этади ва бундай битим фақатгина Амирлашкар ва Шиғовулнинг манфаатлари учун эмас, балки Қўқон хонлигининг мустақиллиги ва келажагига зарарли оқибатлар олиб келишини айтиб, келажак авлодлар томонидан ҳам қаттиқ қораланишини айтади.[4]

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.162.
[2] Ўша асар. –Б.166-168.
[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 292-в.
[4] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.269.

Бир томондан кетма–кет мағлубиятга учраб, ҳудудларини бой бераётган Қўқон хонлигига маълум муддат куч тўплаб, қурол–яроғлар билан таъминланган армия ташкил этиш учун вақтдан ютиш керак эди. Лекин, ички сиёсатдаги беқарорлик бунга йўл қўймас эди.

Иккинчидан, бир қанча тарихий даврлардан буён Қўқон хонлигига қарашли бўлган ва унинг таркибига кирган ҳудудлари - Туркистон, Чимкент, Авлиёота ва бошқа шаҳарларни абадий чор босқинчилари қўлига топшириб қўйишни ҳам қўқонликлар истамас эдилар.

Алиқули Амирлашкар ҳам агар ушбу сулҳга имзо чекса, бу ерлар абадий Россия мулки бўлиб қолишини англаган ва ҳали ҳам ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб, у ерларни  Россия империясидан қайтариб олишга умиди катта эди.

Подшо Россияси Қўқон хонлигини босиб олишга киришар экан, Тошкентнинг босиб олиниши ва унинг Россия мулкига айлантириш масаласига алоҳида аҳамият берган эди ва Чимкентни босиб олишга эришган генерал М.Г.Черняев энди Тошкентни ҳам босиб олишга астойдил ҳаракат қила бошлади ва подполковник Обух ва подполковник Лерхелар билан биргаликда Тошкентни босиб олиш учун дастлабки уринишини 1864 йилнинг куз ойларида амалга оширди.[1]

1864 йил 27 сентябрда Чимкент қалъасидан Тошкентни босиб олиш мақсадида чиққан генерал М.Г.Черняев қўмондонлигидаги 8,5 ротадан иборат  чор қўшинлари 1864 йил 1 октябр куни ҳозирги Юнусобод томондан шаҳарга яқинлашиб, Оққўрғон тепалигида[*] ўрнашадилар.[2]

Чор Россияси мустамлакачи босқинчиларининг Тошкент шаҳрига ҳарбий юриши ҳақида Ҳ.Зиёев Муҳаммад Солиҳ Тошкандий қаламидан қуйидагиларни келтиради: - «Ўруслар Тошкент сафари учун тайёргарликни бошлаб, асбобу–анжомларни тахт қилиб, ҳарбий тайёргарликни кўриб, аскарларини яроғ-аслаҳа билан таъминлаб, ўлдирилган Бойзоқнинг ўғли Оқмуллани юклар ортилган туяларни бошқариб боришга бошлиқ этиб тайинлади. Унинг бошқа ўғиллари эса йўл бошловчи сифатида хизмат қилдилар».[3]

Бу орада Тошкент мудофааси учун қолдирилган Қўш парвоначи ва Мирзо Аҳмад қўшбегилардан Қўқонга, Алиқули Амирлашкарга

---

[1] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон  футуҳотлари. –Б.67.

[*] Ҳозирги Тошкент обсерваторияси ўрнида

[2] Тошкент. Энциклопедия. –Б.321.

[3] Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. –Б.143; Муҳаммад Солиҳ Тошкандий. Тарихи жадиди Тошканд. –Б.459.

генерал Черняев Тошкент қасдида Чимкентдан чиқди, деган хабар келади.[1]

Алиқули Амирлашкар эса дарҳол қўшин йиғишга киришади ҳамда Марғилон, Андижон, Ўш, Наманган вилоятлари ҳамда Шаҳрихон, Чуст шаҳарларига чопар юборди. У қўшинни Хўжандда тўпланишга буюриб, ўзи Қўқонда мавжуд бўлган аскарларни олиб Хўжандга йўл олади ва бир кундан сўнг барча қўшин билан Тошкент йўлига чиқади.[2]

Бу вақтда эса чор Россияси мустамлакачи босқинчиларининг Тошкентга яқинлашганлигини кўрган шаҳар аҳолиси мудофаага тайёргарликни кучайтиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу вақтда Тошкент шаҳри атрофида мустаҳкам мудофаа девори мавжуд бўлиб, девор атрофлари сув тўлдирилган чуқур ҳандақлар билан ҳимояланган эди. Шаҳар ҳимоячилари бу имкониятдан фойдаланиб, босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Шаҳар аҳолиси ҳам мудофаада фаол иштирок этади ва аскарларга сув ва озиқ-овқат ҳамда бошқа зарур нарсаларни етказишга ёрдам бериб туради. Шаҳар мудофаачилари Қўш парвоначи ва Мирзо Аҳмад қўшбеги ҳамда Ёқуббек Бадавлатлар раҳбарлигида чор қўшинларига қақшатқич зарба бериб, уларни чекинишга мажбур қиладилар.[3]

Бу вақтда Тошкент мудофааси учун барча Фарғона аскари билан шошилинч келаётган Алиқули Амирлашкар Оқжардан ўтиб, Боботархон мавзесига етганда Тошкентдан чопар келиб қолади ва чор қўшинларининг мағлубиятга учраб, Чимкентга чекинганлигини айтади.[4]

Бу ҳақда Муҳаммад Юнус Тоиб қуйидагиларни ёзади: - «Юсуф Кошғарий дегон йигит Тошканддин Чернайуф жондорол (генерал – З.И.) русия аскари бирлан Тошкандга келиб, қамаб, қўрғонгача кирди ва жаноби Бадавлат кўб ғайрат ва шижоат кўрсатуб душманга қарши кураш олиб бориши натижасида] Русия аскари шикаст тофиб, ёнди, - дегон мазмунда ариза олиб келди».[5]

Алиқули Амирлашкар юришни давом эттириб, қўшин билан Боботархондан Тўйтепа орқали ўтиб, 1281 йил ҳижрий жумадул–

---

[1] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футуҳотлари. –Б.68.
[2] Ўша жойда.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.152.
[4] Ўша жойда.
[5] Ўша жойда. –Б.153.

аввалнинг 14 куни (1864 йил 15 октябр)[1] Тошкентга етиб келади ва шаҳарнинг Мингўрик мавзесига келиб жойлашди.

Алиқули Амирлашкар Тошкент аҳолиси томонидан шодонлик билан кутиб олинар экан, Амирлашкар уларга ўзининг ишончи катта эканлигини билдиради.[2] Генерал Черняевнинг Тошкентга қилган ҳужуми мустамлакачилар учун муваффақиятсиз тугади.

Оренбург ўлкаси қўшинлари қўмондони 1864 йил 20 ноябрда ҳарбий вазирга ёзган ахборотномасида шундай маълумотларни баён қилган эди: - «Черняев икки рота аскарлар билан Тошкент шаҳрига ҳужум уюштирди. Бироқ тошкентликлар томонидан мағлубиятга учратилиб, шаҳардан улоқтириб ташланди.

Черняев қўшинларидан 125 киши ўлдирилди ва кўпчилиги ярадор қилиниб, сафдан чиқарилди. 7 октябрда Черняев Чимкентга қайтиб келишга мажбур бўлди».[3]

Бошқа манбаларда эса бу маълумотларни инкор этишга уриниш кузатилади:

-«Генерал Черняевнинг хабар беришича, 2 октябрда Тошкентга қарши ҳарбий ҳаракатларда подполковник Обух ва поручик Конопельскийлар оғир яраланиб, ҳалок бўлдилар. Қуйи унвонлилардан 16 киши ҳалок бўлди ва 62 киши ярадор бўлди. 4 октябрда эса Черняев Тошкентдан чекинди».[4]

Тошкентга дастлабки ҳужум чоғида чор қўшинларидан ҳалок бўлганлар 70-80 кишини, ярадор бўлганлар эса 60 кишини ташкил этганлигини Ҳ.З.Зияев ҳам ўз асарида кўрсатиб ўтади.[5]

Шунга қарамай чор Россиясининг ҳарбий босқинчилари Тошкент ва унинг атрофларидан ўтувчи карвон йўлларини ва Тошкентга озиқ-овқат ҳамда чорва маҳсулотлари етказиб берувчи қишлоқларнинг кўпчилигини ўз назоратларига олган эдилар, бу эса кейинги ойларда Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кучайиши иқтисодий аҳволнинг оғирлашиши ва нарх–наволарнинг ортиб кетишига олиб келади.

Россия империясига қарашли Чу бўйи ҳарбий отрядлари қўмондони, бу вақтда эса бевосита Тошкентни босиб олишни режалаштираётган ҳарбий кучлар қўмондони генерал М.Г.Черняев 1864 йил 27 октябрда Чимкентдан ҳарбий вазирга юборган махфий ахборотномасида шундай сўзларни келтиради: - «Биз томондан карвон

---

[1] Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. –С.68.
[2] Ўша жойда.
[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 322-в.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 243-в.
[5] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.144.

йўлларининг босиб олиниши натижасида Тошкентда нарх–наво ошиб кетди: чоракта нон 5 сўм ўрнига 12 сўмгача, бир бош қўй 3,5 сўм ўрнига 7 – 9 сўмгача кўтарилди».[1]

Бир томондан яқиндагина чор босқинчиларининг ҳарбий ҳужумларига дуч келган ва қаттиқ қаршилик кўрсатиш ҳамда мардонавор курашиб, ўз озодлигини сақлаб қолган шаҳар аҳолиси орасида икки гуруҳ пайдо бўлади. Бири Бухоро амири тарафдорлари бўлса, иккинчиси Қўқон хонлиги тарафдорлари эди. Иккинчи гуруҳ шаҳар аҳолисининг асосий қисмини ташкил этарди. Шунинг учун ҳам Тошкент мудофаасига қўшин билан етиб келган Алиқули Амирлашкарни халқ катта шоду-ҳуррамлик билан кутиб олиб, унга пешвоз чиққан эди.[2]

Бухоро амири тарафдорлари эса шаҳар аҳолисини Бухоро амирига тобе бўлишга ундаш ва Худоёрхоннинг ҳукмронлигини қайта тиклаш ҳаракатига тушиб қоладилар ва халқни ҳам шунга даъват эта бошлайдилар.[3]

Оренбург ҳарбий округи қўшинлари қўмондони вазифасини бажарувчи генерал-майор Левенгоф ҳарбий вазирга шундай маълумотларни беради:

- “Тошкентдан олинаётган хабарларга кўра, генерал Черняев Тошкент яқинида мағлубиятга учраб, у ердан чекингандан сўнг, бир қисм шаҳар аҳолиси Бухоро амири ҳузурига Тошкент аҳолисини ўз паноҳига олишни илтимос қилиб элчи юбордилар ва шу заҳотиёқ халққа бундан буён Бухорога тобе бўлишларини билдирдилар. Тошкентга зудлик билан етиб келган Мулло Алиқули (ҳужжатда “Алимкул” – З.И) фитначиларни қаттиқ жазолади ва шаҳарда тинчлик ва осойишталик, тартибни мустаҳкамлади”.[4]

Бу вақтда эса Худоёрхон Бухоро амири ёрдамида 4000 кишилик қўшин билан Тошкент томон йўл олган ва уни босиб олишга интилаётган эди. Алиқули Амирлашкар 2 минг кишилик қўшин ва 4 замбарак билан қуролланиб, бухороликларга қарши чиқади ва Чордара яқинида амир қўшинларига қаттиқ зарба бериб, уларни чекинишга мажбур қилади.[5]

Алиқули Бухоро амирига қарши жанг олиб бориш билан бир вақтнинг ўзида шимолдан келаётган ташқи душманни ҳам назардан қочирмади ва армияни кучайтириш, қуролларни такомиллаштириш,

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 248-249 - вв.
[2] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.154.
[3] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.146–152.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 23-в.
[5] Ўша жойда.

шунингдек хонлик шаҳарларининг, айниқса Тошкент шаҳрининг мудофаа қобилиятини кучайтиришга катта эътибор берди.

-«Маълумотларга кўра, - дейилади ҳужжатда, - Мулло Алиқули (ҳужжатда «Алимқул» – З.И.) 10 мингтагача қўшин йиға олиши мумкин. У ҳозир Тошкентда туриб, шаҳар қалъаларини мустаҳкамлашни кучайтирмоқда. Бунда Тошкентдаги тўп қуйиш устахонаси асосий ўрин тутмоқда».[1]

Архив манбаларида яна шундай маълумотларни ҳам учратиш мумкин: - «Туркистон шайх ул–исломининг[*] айтишича, Тошкент устахоналарида 2000 тагача милтиқ ясалган ва мудофаа деворларини таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Тошкент гарнизонида бугунги кунда 6000 нафар кишигача бўлган қўшин мавжуддир».[2]

Алиқули Амирлашкар Тошкентда мудофаа ишлари билан машғул бўлиб турган вақтда Шарқий Туркистондан элчилар келиб, бу жойларни Қўқон хонлиги ҳомийлигида кўриш истаклари борлигини ва Алиқули Амирлашкардан ўз давлатларини бошқариш учун бир хон ва тажрибали кишиларни юборишини илтимос қилишади. Бу ҳақда юқорида батафсил тўхталиб ўтилган ва Шарқий Туркистонга Бузрукхонтўра Жаҳонгиртўра ўғлини хон этиб ва Ёқуббек Бадавлатни барча давлат ишларини бошқариш учун жўнатилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган эди.[3]

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бу масала аввал ҳам Алиқули Амирлашкарнинг диққат марказида турарди. Чунки Қўқон хонлигидан Қошғарга ўтадиган асосий савдо йўллари хонлик қўшинлари томонидан назорат қилинган ҳамда Қошғардаги ички сиёсий вазият ҳам диққат – эътибордан четда қолмасди. 1864 йил августида Алиқули Қашғар чегараларига қўшин билан бораётган вақтда Тошкентдан чор қўшинларининг Чимкентга ҳужуми ҳақидаги ҳабар келади ва у юришни тўхтатиб, Чимкентга боришга мажбур бўлади.[4]

Алиқули Амирлашкар Иқон юришига тайёрланар экан, қўшинларини тайёрлаб, чор қўшинларини чалғитиш мақсадида гўёки Қўқон йўлига чиққандек бўлиб, яна ортга қайтиб, Туркистонга томонга юришни давом эттирган ва Иқонга бориб юзбоши Серов отрядларини мағлубиятга учратганлиги ҳақида Иқон жанги тафсилотлари ёритилган бобда тўхталиб ўтилган эди.[5]

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 248-249 - вв.

[*] Хоинлик қилган кимсалардан бири. Номини аниқлашнинг имкони бўлмади.

[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 191-в.

[3] 99-100 – бетларга қаранг.

[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 320-в.

[5] 99–103 – бетларга қаранг.

Бу вақтда Алиқули Амирлашкарнинг Иқонга ҳарбий юриш уюштираётганлигидан мутлақо бехабар бўлган генерал Черняев Тошкентда юзага келган аҳволни янада бўрттириб кўрсатишга ва бу ҳол гўёки, Қўқон хонлиги қўшинлари руҳиятига ҳам қаттиқ таъсир кўрсатган ва жанговарлиги анча пасайиб кетган, дея, асоссиз маълумотларни марказга юборишга ҳаракат қилади: - “Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаётганлиги ва бундай юклар ортилган карвонларнинг ҳамда чорва молларининг биз томондан Тошкент тарафга ўтказилмаётганлиги Алиқулини ўз қўшинларини тарқатиб юборишга мажбур қилди. Ҳозирда Тошкентда 3–4 минг нафардан ошмайдиган қўшин қолдирилган”.

Бу вақтда эса маълумки, Алиқули Амирлашкар Иқон қишлоғи атрофларида чор қўшинларини қаттиқ мағлубиятга учратаётган эди. Алиқули Амирлашкар Иқон юришидан қайтиб келгач, Тошкентда мудофаа ишларига мутасадди амалдорларни қолдириб, ўзи Қўқонга қайтди.

У Тошкент ҳокимига Тошкент атрофларига айғоқчиларни ва кузатувчиларни қўйиб, чор қўшинларининг ҳаракатларидан воқиф бўлиб туриш ва ҳушёрликни қўлдан бермасликни қаттиқ таъкидлаб кетади.[1]

1865 йилнинг дастлабки ойларида тошкентликлар мудофаага тайёргарлик кўрадилар. Бироқ, давлат озодлиги ва бундан буёнги тақдири қил устида турган қалтис бир вазиятда Алиқули Амирлашкар олиб бораётган қаттиқ сиёсатдан норози бўлган айрим кимсалар чор қўшинлари томонига ўтиб, хоинлик қиладилар.

Тошкент ва унинг атрофида бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатаётган чор Россиясининг зобитлари шаҳар билан боғлиқ ҳеч бир нарсани назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилган эдилар. Бу вақтда Янги Қўқон линияси бошлиғи лавозимига эришган генерал Черняев ҳарбий қўмондонга шундай ёзади: - “Худоёрхон Бухоро амирига қарашли бўлган 4000 кишилик қўшин билан Тошкент яқинига келиб жойлашди ва шаҳарда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатмоқда. Алиқули Амирлашкар эса шаҳардаги Бухоро амири тарафдорлари сифатида гумон қилинган бир қанча кишиларни ўлимга маҳкум этди ва қатл қилди. Амир тарафдорлари бўлган кишиларнинг кўпчилигини жазолади ва Қуртқа мавзесига сургун қилиб юборди”.[2]

Ҳ.З.Зияев хонликка хиёнат қилган айрим Тошкент фуқаролари - Саидазимбой, Абдураҳмонбек исмли кишиларга алоҳида тўхталиб

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 81-в.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 28-й.ж. 370-в.

ўтади. Саидазимбой Муҳаммад ўғли Туркистонда турган Мирзо Аҳмад қўшбегидан Янгиқўрғонда чор қўшинлари ва Қўқон лашкарлари ўртасида бўлиб ўтган жанг[1] давомида қўқонликлар томонидан асирга олинган бир қанча подшо аскарларини Қўқоннинг 250 тилла тангаси эвазига сотиб олади ва уларни Оқмасжиддаги рус ҳарбийларига топширади. Чор ҳукумати эса унга бир қанча мукофотлар бериб, унинг ўзларига хайрихоҳлигини қўллаб-қувватлайдилар.[2]

Абдураҳмонбек Шодмон ўғли эса Тошкент шаҳрининг Чувалачи маҳалласидаги уйида туриб, чор қўшинлари қўмондони генерал М.Г. Черняевга хонликда, хусусан Тошкент ва унинг атрофларида содир бўлаётган воқеа–ҳодисалардан, хонликнинг ҳарбий имкониятлари чор қўшинларига қарши мудофаа масаласида олиб борилаётган ишлар борасида муҳим ахборот етказиб турган. Абдураҳмонбекнинг энг катта хоинликларидан бири  Тошкент мудофааси вақтида Бўзсув каналининг тўғонини буздириб, Чирчиқ дарёсига буриб юбориш ҳақида Черняевга “қимматли” маслаҳат берганлиги эди. Бундан хабар топган Султон Сайидхон ва Алиқули Амирлашкар Абдураҳмонбекни жазоламоқчи бўлганида, у Тешикқопқа дарвозасидан чиқиб, Черняев ҳузурига қочиб кетади. Алиқули эса унинг мол мулкини мусодара қилишга фармон беради.[3]

Оренбург ҳарбий округи қўмондони генерал Левенгофнинг ҳарбий вазирга ёзган маълумотномаларидан бирида қуйидагиларни ўқиш мумкин:

- “Тошкентда Алиқулидан норози бўлган кишилар сони ортмоқда. Шаҳарнинг обрўли кишиларидан бири Абдураҳмонбек ундан норози бўлиб, қочиб, Чимкентга, Черняев ҳузурига келди”.[4]

Бундан ташқари Муҳаммад Соатбой исмли савдогар, Мулла Саид деган кимсалар ҳам чор қўшинларига турли йўллар билан “ёрдам” кўрсатиб турганлар.[5]

Алиқули Амирлашкар Тошкент шаҳрида хоинлар, фитначи ва бузғунчиларни жазолаш билан бирга шаҳарнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий қурол–яроғларни такомиллаштириш, шаҳар деворларининг бузилган ерларини таъмирлаш ишлари билан ҳам машғул бўлади.

---

[1] Янгиқўрғон жанги 1861 йил 23 сентябрда қалъанинг чор қўшинлари томонидан босиб олиниши ва вайрон қилиниши билан тугаган. Қаранг: Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. –Б.58.
[2] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.146.
[3] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.151.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 2-й.ж. 29-в.
[5] Ўша асар. –Б.151–152.

Хонликнинг ички ҳудудларида, хусусан Тошкент шаҳрида юзага келган бундай вазият  Черняевнинг Тошкентга бўлган юришини тезлаштиришига ва айниқса, Ниёзбек қалъасини босиб олишга бўлган иштиёқини кучайтириб юборди. Чунки, хоинлар томонидан чор Россияси ҳаракатдаги армияларининг қўмондонлигига Ниёзбек қалъаси Тошкент шаҳрини асосий сув билан таъминловчи тўғон бошига қурилган махсус қалъа эканлиги, агар, подшо қўшинлари шу қалъани босиб олиб, Тошкентга борадиган сувни  Чирчиқ дарёсига буриб юборса, шаҳар аҳолиси ва мудофаачилари сувсизликдан қийналишлари ва руслар осонлик билан Тошкентни қўлга киритишлари мумкинлиги айтилган эди.

Хоинларнинг бу ахборотларини етарлича ўрганиб чиққан Черняев Тошкентга юришдан аввал Ниёзбек қалъасини босиб олиш ҳаракатига тушган эди.[1]

Тошкент юришига алоҳида аҳамият берган императорнинг шахсан ўзи генерал Левенгоф орқали генерал Черняевга ниҳоятда махфий бўлган қуйидаги кўрсатмасини берган эди: - «Император олий ҳазратлари шуни ихтиёр қилдиларки, ёрдам кучлари етиб бормагунча Тошкентга нисбатан ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилмасин. Бироқ Тошкент аҳолисининг бизга муносабати эътиборга олинсин ва агарда, биздан ёрдамга умид қилаётган бўлсалар, уларни бу имкониятдан маҳрум қилинмасин».[2]

Бу ерда император Қўқон хонлиги ва Бухоро амири ўртасида Тошкент учун жанг бўлса ва тошкентликлар руслардан ёрдам сўраса, уларга “ёрдам” беришни кўзда тутган. Бундай “ёрдам” сўраб қилинган “илтимос” фақатгина хоинлардан чиқиши мумкин ва руслар ҳам айнан шундай кимсаларнинг ёрдамига таяниб, Тошкентни тезроқ ва кам ортиқча талофотсиз қўлга киритишни режалаштирган эдилар.

Ўз навбатида Алиқули Амирлашкар ҳам Ниёзбек қалъасининг Тошкент шаҳри хавфсизлиги ва мудофааси учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши англарди. Шунинг учун у Қўқондан туриб Ниёзбек қалъасининг мудофаа қобилиятини ошириш ва қалъа деворларини мустаҳкамлаш ҳамда бирон – бир кишининг хоинлик қилишига йўл қўймасликни қалъа бошлиқларига қатъий тайинлайди.

---

[1] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.150-151.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 94-в.

Алиқули Амирлашкар Ниёзбек қалъаси қўмондони Мулла Эрмуҳаммад ҳамда Мулла Йўлдош, Холиқул, Тоғабий понсадларга қуйидаги мазмунда ўзининг буйруғи акс этган мактубини юборади:

- "Сизга шуни маълум қиламанки, ушбу мактубни олгач, унда ёзилган ҳар бир вазифани ниҳоятда мукаммал қилиб бажаришингиз лозим: Қанғли ва бошқа уруғлардан йигитларни йиғинг ва барчаларини Ниёзбек қалъасига деворларни мустаҳкамлаш ва мудофаа иншоотларини таъмирлаш ишларига юборинг, агар, Ниёзбек қалъасида деворлар ва бошқалар ҳаддан ташқари хароб аҳволда бўлса ва уни таъмирлаш учун қўшимча кучлар зарур бўлса, қалъа қўшинларини ҳам жалб қилишингизга рухсат бераман.

Агар руслар Ниёзбек қалъасига бостириб келса ва қалъа атрофидаги қўрғонларда яшовчи аҳоли руслар томонига ўтиб кетадиган бўлса, уларни жазоланг ва қўрғонларини ёқиб юборинг. Бу қўрғонлардаги барча мол–мулкларни ва чорва молларини ўзингизга олишингиз мумкин, ўлжа олинган барча ёғочларни эса қалъа мудофааси учун зарур бўлган жойларга ишлатинг. Руслар томонига қанча аҳоли ўтиб кетганлигини аниқланг, шунингдек, улардан ўлжа олинган чорва моллари ва бошқа мол–мулкларнинг миқдори ҳақида менга маълумот юборинг.

Сизнинг менга ёзиб юборадиган мактубингизга асосланиб мен кейинги қиладиган ишларингиз ҳақида кўрсатмаларни бераман, зарур бўлса ўзим ҳам дарҳол қўшин билан етиб бораман.

Ҳозирча эса Сизнинг ихтиёрингизга Андижон ва Тўрақўрғон бекларини қўшинлари билан биргаликда юбормоқдаман. Умид қиламанки, тез кунларда улар ўз қўшинлари билан Сизга ёрдамга етиб борадилар.

Руслар ҳақида бирор–бир гап эшитсангизлар, дарҳол мени хабардор қилинглар".[1]

Алиқули Амирлашкар душманга қарши мудофаани мустаҳкамлаш билан машғул бўлган бир пайтда, Бухоро амири Қўқон хонлигининг оғир аҳволда қолганлигидан фойдаланиб, Хўжанд қалъасига ҳужум қилади ва уни босиб олади. Бу ҳақда Оренбург ўлкаси қўшинлари қўмондони генерал–майор Левенгоф ҳарбий вазирга қуйидагиларни маълум қилади:

- «Туркистон вилояти ҳарбий губернаторининг[*] 23 апрелда берган ахборотига кўра, Бухоро амири қўшинлари Қўқон хонлигига қарашли бўлган Хўжанд қалъасини босиб олди. Ўз қўшинларининг

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 265-в.

[*] Генерал М.Г.Черняев.

асосий қисмини Тошкент мудофааси учун сақлаб турган Алиқули (ҳужжатда Алимқул – З.И.) унча катта бўлмаган қўшин билан бухороликларга қаршилик кўрсатишга уриниб кўрди, бироқ муваффақиятсизликка учраб, тоғларга чекинишга мажбур бўлди...».[1]

Қўқон хонлигининг ички сиёсий аҳволи Бухоро амири ҳужуми натижасида бирмунча кескинлашганлигини ҳисобга олиб, генерал Черняев бу имкониятдан фойдаланишни зарур топди ва дарҳол Тошкент юришини бошлашга жазм қилиб, аввал Ниёзбек қалъасини қўлга киритиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди.

- "Қўқон хонлигида юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, - давом этади генерал Левенгоф, - генерал Черняев 24 апрелда 9,5 рота ва 12 замбаракдан иборат қўшин билан Тошкент томон йўлга чиқди. У шаҳар яқинида жойлашиб, хонликдаги вазиятни диққат билан кузатиши лозим".[2]

Генерал Черняев қўшинлари Ниёзбек қалъасига ҳужум ҳаракатларини бошлаб юборади. Мулло Юнус Тошкандий Ниёзбек қалъаси мудофааси билан боғлиқ воқеаларни анча батафсил тасвирлаб беради:

- "Ҳижрий 1280 йил зул–ҳижжа ойининг 13 кунида[3] рус қўшинлари Ниёзбек қалъасига бостириб келди. Ўша вақтда қалъа бошлиғи Ботчаботир деган одам эди. Қўш парвоначи[4] Тошкент қўшинлари билан Дўрмонга[5] келди. Кейинги кун тонгда Қўш парвоначи қўшин билан Қибрай қишлоғи[6] яқинидаги тепаликларга ўрнашди ва чор қўшинларининг ҳаракатларини кузата бошлади. Ботчаботир эса, бир неча замбаракларни олиб, Уймовут ариғи[7] яқинига жойлашди ва душман жойлашган томонга замбараклардан бир неча огоҳлантирувчи ўқ узди.

Шу вақтда чор қўшинлари тўпидан бир нечта отлиқ қирғизлар[8] ажралиб чиқиб, Қибрай томонга юрди. Қўш парвоначига руслар орқага чекина бошладилар, деган хабар келди ва у қўшин билан Тошкентга қайтиб кетди.

Қўш парвоначи Тошкентга етиб келиши биланоқ, руслар орқага қайтиб, Ниёзбек қалъасини эгаллаб олдилар".[9]

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 291-в.
[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 265-в.
[3] 1865 йил 28 апрелда.
[4] 1864 – 1865 йилларда Тошкент ҳокими бўлган.
[5] Ҳозирги Қибрай туманида жойлашган қишлоқ.
[6] Ҳозирги Қибрай туманида жойлашган қишлоқ, туман маркази.
[7] Ҳозирги Қибрай тумани, Байтқўрғон қишлоғи ҳудудларидан оқиб ўтувчи ариқ.
[8] Рус ҳужжатлари ва асарларида қозоқларга нисбатан «қирғиз» атамаси қўлланганлиги ҳисобга олинса, бу ерда ҳам қозоқлар сифатида қабул қилиш лозим.
[9] Мулло Юнус Тошкандий хотиралари. -Б.80-81.

Подшо армияси қўшинлари Тошкентнинг асосий сув манбаи бўлган Ниёзбек қалъасини қўлга киритадилар ва Тошкентга қарши ҳужум қилишда қулай имкониятга эга бўладилар. Ниёзбек қалъасининг босиб олиниши ҳақида ҳарбий вазирга юборилган телеграммада шундай сўзларни ўқиш мумкин: - «29 апрелда Черняев Тошкентдан 25 чақирим нарида жойлашган, Чирчиқ дарёси бўйидаги Ниёзбек қалъасини босиб олди. Ниёзбек қалъаси Тошкентни сув билан таъминланишини назорат қилган».[1]

Ниёзбек қалъасининг чор қўшинлари томонидан босиб олинганлигини эшитган заҳотиёқ Алиқули Амирлашкар барча Қўқон лашкарлари билан Тошкент мудофаасига отланади. Қўшин шошилинч равишда йўл босиб келиб, Тошкент яқинида тўхтайди.[2]

Шу вақтда Тошкентдан чопар келади. Бу воқеа Тоиб томонидан шундай тавсифланади: - «Алиқули [ясовул] Тошкандга илғорлик тариқида бориб эрди, арзга келди. Мазмуни шулким, Чернойуф жондорол келуб, Шўртефа қўнуб, Тошканд мухосарасиға машғулдир. Аммо Тошканд фуқаросининг авзойи бошқа бўлуб, ақидалари бузулғонға ўхшайдур ва жаноби Амирлашкар аризани ўқуб, каминаға муни кўрунг, деб ташладилар. Камина кўруб, бул бир хаёл ва савдойи сўздур, Тошканд аҳолиси ихлос ва ақидаси ҳаргиз завол топмас, деб арз қилдим».[3]

Муҳаммад Юнус Тоиб Алиқули Амирлашкарни Тошкент аҳолиси унга ва Султон Саййидхонга содиқ эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилади. Бироқ Тошкент аҳолиси орасида чор қўшинларига, айниқса Бухоро амирига хайрихоҳ бўлган кишиларнинг вазиятга салбий таъсир кўрсатишларидан хавотир олиб унинг ўзини шаҳардаги аҳволни аниқлаш, халқнинг ва амалдорларнинг руҳиятини билиш учун Тошкентга юборади. Унинг ортидан ўзи ҳам йўлга чиқади.

- «Зул–ҳижжа ойининг 24–куни, жума оқшомида Алиқули Амирлашкар Тошкентга етиб келди ва Мингўрик мавзесида тўхтади. Бу вақтда руслар Шўртепада эди».[4]

Чор қўшинларининг шундоққина Тошкентнинг шарқий қисмида жойлашган ва шаҳардан унча узоқ бўлмаган Шўртепада ҳарбий қароргоҳ ўрнатганлиги Тошкент аҳолисини анча хавотирга солиб қўяди.

- « Замона умаролари ва фуқаронинг катта-кичиги бу даҳшатли воқеадан хотирлари паришон бўлди. Мазкур ойнинг йигирмасида[1]

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 304-в.
[2] Тошкент. Энциклопедия. –Б.321.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. -Б177.
[4] Мулло Юнус Тошкандий хотиралари. –Б.81.

жаноби Султон Сайидхон суръат ила етиб келдилар ва бир кун шу ерда[2] дам олиб, келаётган лашкарни кутдилар. Жума куни лашкар ила Фарак, ҳозирги Чирчиқ номи билан машҳур дарёдан ўтиб, ўйламасдан душман сари йўл олдилар».[3]

Бу маълумотларни чор Россияси ҳарбийлари томонидан ёзилган ахборотномаларда ҳам кузатиш мумкин: - «8 май куни Алиқули Амирлашкар Қўқондан Тошкентга 6 минг кишилик қўшин ҳамда 40 замбарак билан етиб келди».[4]

Шу ондаёқ Тошкентнинг бир қанча обрў – эътиборли вакиллари келиб, Амирлашкарни Ўрдага таклиф қиладилар. Бироқ, у бу таклифини рад этиб, дарҳол мудофаага тайёргарлик ишларини бошлаб юборади.

Алиқули Амирлашкар шаҳарда хоинлар мавжудлигидан ва уларнинг чор қўшинларига ён босиб, мудофаага зарар етказишларидан хавотир оларди. Унинг бундай хавотирланишининг ўрни бор эди, албатта. Уларнинг босқинчиларга Тошкент шаҳрини босиб олишлари учун кўмак беришга тайёр эканликлари Черняевнинг Оренбург ўлкаси ҳарбий қўшинлари қўмондони генерал–майор Левенгофга берган ахборотномасида ҳам тасдиқланади:

- «Биз Тошкентга яқинлашган вақтимизда улар[*] шаҳар дарвозаларини очиб беришлари лозим эди».[5]

Бироқ, Алиқули Амирлашкарнинг шаҳар мудофааси учун зудлик билан етиб келиши чор босқинчиларининг бу режаларини чиппакка чиқарди. Бу хусусда чор армияси ҳарбийларидан бири қуйидагиларни ёзади: - «Бироқ, худди шу куни[6] Тошкентга Мулла Алиқулининг (ҳужжатда Алимкул – З.И.) 6 минг кишилик қўшин ва 40 замбарак билан етиб келди. Алиқулининг келиши билан Тошкент ичида биз умид қилган ва биз учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракат йўққа чиқарилди. Шу куни Тошкент томон ҳаракат қилишнинг фойдаси бўлмай қолди».[7]

Алиқули Амирлашкар Тошкентга етиб келмасиданоқ, шаҳар мудофаачилари шаҳар атрофларига яқинлашиб қолган чор армиясининг ҳарбий отрядларига қарши курашни бошлаб юборадилар. Бироқ, мудофаачилар кичик–кичик гуруҳ отлиқлардан иборат бўлганликлари

---

[1] Зу-л-ҳижжа ойининг йигирманчи куни милодий 1865 йил 3 май кунига тўғри келади.
[2] Туйтепада.
[3] Тарихи Алиқули Амирлашкар. -Б.178.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 30-й.ж. 52-в.
[*]Хоинлар назарда тутилмоқда.
[5] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 272-в.
[6] 1865 йил 8 май.
[7] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 273-в.

учун подшо қўшинларига жиддий зарбалар бера олмайдилар. Шунга қарамай уларнинг генерал Черняев Ниёзбек қалъасини босиб олган кундан бошлаб, унга қаршилик кўрсатишлари натижасида чор қўшинларининг Тошкентга ҳужуми бир оз орқага сурилган эди.

8 май куни катта ҳужумга тайёрланган чор армияси босқинчилари шаҳар яқинидаги позицияларидан силжишга ботина олмайдилар. Бу ҳақда генерал Черняев қуйидагиларни ёзади:

- «9 май куни биз ўз позицияларимизни мустаҳкамлаб, ҳужумга тайёргарлик ишларини амалга оширишимиз лозим эди. Бироқ, шу вақтда бизнинг лагеримиз томон Тошкент лашкарлари келаётганлиги ҳақида ҳабар етказилди. Эрталаб соат 6.00.да жуда кўп кишиларнинг биз томон ҳаракатланаётганлигини лагеримиздан ҳам кузатиш мумкин эди. Бу кишиларнинг сони 7 минг киши атрофида эди. Уларнинг мақсадларини аниқ билмасамда, Алиқулининг лагеримизга ҳужум қилиш эҳтимолини тахмин қилиш мумкин эди».[1]

Тошкент қўшинларининг Россия империяси мустамлакачи босқинчилари қароргоҳига бемалол ҳаракатларини давом эттираётганлигидан Черняев қаттиқ саросимага тушиб қолади ва бир оз вақт ўтгач, зудлик билан ҳамма ўз ўрнини эгаллашини ва мудофаага тайёрланишини буюради. Бироқ, бу ҳолатни Черняевнинг ўзи ўзгачароқ тарзда шарҳлайди:

- «Мен Алиқулига ўз қўшинларини жойлаштириши ва мудофаага тайёрланиши учун имконият яратиб бердим. Улар ўз қўшинларини тепалик атрофларига жойлаштириб бўлгач, мен шу ердан туриб, ҳужумга тайёргарликни бошладим».[2]

Бироқ, бу ерда Черняев айтганидек, Алиқули Амирлашкар мудофаага эмас, балки ҳужумга тайёргарлик кўрарди. Черняевнинг эса аксинча, ўзини мудофаа қилиш ва ҳимояланишдан ўзга имкони қолмаган эди. Алиқули Амирлашкарнинг биринчи бўлиб чор Россиясининг босқинчи армияларига зарба беришни бошлаганлигини Черняевнинг ўзи ҳам инкор қилмайди:

-«Соат 7.00. да тошкентликлар Алиқули бошчилигида бизнинг лагеримиз томон 12 замбаракдан бирваракайига ота бошладилар. Замбарак ўқлари портлайдиган ўқлар эди».[3]

Султон Сайидхон ва Алиқули Амирлашкар бошчилигидаги қўшин Тошкентнинг Мингўрик мавзесида бир оз тайёргарликдан сўнг, Амирлашкар бошчилигидаги қўшин подшо қўшинлари билан жангга

---

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 274-в.
[2] Ўша жойда. 275-в.
[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 276-в.

киради: - «Жаноби хон Амирлашкар билан биргалашиб, Мингўрик манзилида нузул қилдилар. Мулло Алиқули Амирлашкар Султон Сайидхон фотиҳасини олиб, душман ёқасидан маҳкам тутиб жангга киришди».[1]

Бу вақтга келиб ҳарбий соҳада, айниқса, артиллерия соҳасида маълум ютуқларга эришган Алиқули Амирлашкар замбаракларни такомиллаштириш билан бирга моҳир тўпчиларни ҳам тайёрлаб улгурган эди. Тошкентлик тўпчиларнинг маҳоратларига ҳаттоки Черняевнинг ўзи ҳам тан берган эди:

-«Алиқулининг тўпчилари оралиқ масофанинг анчайин катталигига қарамай (800 сажен),[2] ҳайрон қоларлик даражада шундай аниқлик билан моҳирона отардиларки, улар отган ҳар бир тўп ўқи бизнинг лагерга келиб тушарди ва катта вайронгарчиликка сабаб бўларди».[3]

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, Олчоқда бўлиб турган жанг вақтида Тошкент мудофаачилари 36 замбаракдан ўқ узиб турганлар. Замбарак ўқларидан бири чор қўшинларининг ҳарбий қурол–яроғ ва порох сақланадиган омборига тушган. Бироқ портламай қолганлиги ва бу ердаги солдатлардан бири уни ташқарига тепиб юборганлиги боис омборхона зарар кўрмаган. Акс ҳолда бу жангнинг боришини ўзгартириб юбориши ҳам мумкин эди.[4]

Жанг соат 11 ларгача давом этади ва Алиқули бошчилигидаги Тошкент мудофаачилари чор босқинчиларига қаттиқ зарба бериб, уларни ўз позицияларидан чекинишга мажбур қиладилар.

Кўп ўтмай чор қўшинлари кучларини тўплаб олгач, иккинчи бор ҳужумга ўтадилар. Алиқули Амирлашкар ҳам ўз қўшинларини жойлаштириб, тўпчиларни янада илгарироққа силжитиб, замбаракларни жойлаштиради ва жангни бошқара бошлайди. Жанг айни қизғин паллага кирган вақтда Алиқули Амирлашкарга ўқ тегиб, ярадор бўлади. Бу ҳодиса «Тарихи Алиқули Амирлашкар» асарида қуйидагича ифода этилган:

- «Русия аскари, мусулмонлар тўб ва милтиқ зарбидан бесаранжом бўлуб турғон вақтда, тақдир бирлан Русия аскаридан бир ўқ Амирлашкари марҳумға тегиб, отдан йиқилиб ва мусулмон аскари урушни қўйуб, ул кишини отга олиб, шаҳарга киргузмакға машғул бўлуб, русия аскари омон ва ғалаба топар».[5]

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.181.
[2] Тахминан 1500-1600 метрга тенг.
[3] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 277-в.
[4] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.159.
[5] Тарихи жаҳоннамойи. 318а.

Бу ҳодиса «Тарихи жахоннамойи» да қуйидагича тасвирланган:- «Шу пайт Оллоҳ амри ила, 1281 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма олтинчи кунида[1] кофирлар сафидан бир ўқ отилди ва у Мулло Алиқули Амирлашкарга тегиб, уни ярадор қилди. Амирлашкар отдан йиқилиб тушди».[2]

Қаттиқ ярадор бўлганлигига қарамасдан Алиқули от устида тўпчилар турган жойга боради ва Тошкент фуқаролари шаҳарга қайтишлари, қолган сарбозлар эса урушни давом эттиришлари ҳақида буйруқ беради.[3]

Алиқули Амирлашкарнинг сафдан чиққани ҳақида хабар тарқалишига қарамай кўпгина сарбозлар урушни давом эттирадилар. Бироқ қирғиз ва қипчоқ қўшинлари бошлиқлари хиёнат йўлига ўтиб, қўшиндаги парокандаликни юзага келтирадилар. Улар Тошкент мудофаасини тарк этиб, Қурама томонларга кетиб қоладилар.[4] Аваз Муҳаммад Аттор Алиқули Амирлашкарнинг аҳволига бу нарса қаттиқ таъсир қилганлигини айтиб ўтади:

- «Бундан дард чекиб Амирлашкарнинг аҳволи янада оғирлашди ва пешиндан сўнг унинг руҳ қушчаси тананинг тор қафасидан халос бўлиб, жаннат оламининг фазосига учиб кетди. Жонни жон ато қилганга бериб, шаҳодат даражасига етди».[5]

Амирлашкарни шаҳар ичига олиб кирганларидан сўнг, у атрофдагиларга бир қанча насиҳатлар ва васиятлар қилади.

Алиқули Амирлашкарнинг Тошкент мудофааси вақтида ҳалок бўлиши воқеалари ёритилган манбаларнинг барчасида унинг васият қилиши ҳақида ёзиб қолдирилган. Айнан нима ҳақда васият қилганлигини эса ҳеч бир муаллиф тўлиқ келтириб ўтмаган. Амирлашкарнинг васияти фақатгина Мулло Ҳолибой Мамбетов асарида учрайди ва бунга кўра Алиқули шаҳар аҳлини бир–бирига душман бўлиб, шаҳарни ва халқни ўз ҳолига ташлаб қўймасликни, агар бу юртни чор босқинчилари босиб оладиган бўлса, давлатчилик, миллий бошқарув, маънавий ҳаёт завол топиши ҳақида уқтиради.[6]

Муҳаммад Юнус Тоиб Алиқули Амирлашкар ҳаётининг сўнгги дақиқаларини қуйидагича тасвирлайди:

- «Амирлашкари марҳум шаҳарга кириб, умаро ва саидларни ғазотга ва қўрғон мухофазасига тарғиб айлаб, тойи руҳи шарифлари

---

[1] Милодий 1865 йил 9 май.
[2] Тарихи жаҳоннамойи. 317б.
[3] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.158.
[4] Ўша жойда.
[5] Тарихи жаҳоннамойи. 318б.
[6] Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилғон футуҳотлари. –Б.89.

қазо қолиб, ансордин ошиёни қозига фарвоз айлади, раҳматуллоҳи алайҳирраҳма. Ул вақтда умри шарифлари ўттиз уч ё ўттиз тўрт ёшда эрди».[1]

- Олимқулнинг ўлиги тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг амакиваччаси эшон Юсуфхўжа Иноғомхўжа читфуруш ўғли хонадонидан чиқарилади ва шаҳарнинг Шайх Ҳованди Тоҳур қабристонига дафн этилади.[2]

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандийлар ҳам Алиқули Амирлашкарнинг Шайҳонтохур қабристонига дафн этилганлигини таъкидлаб ўтадилар.[3]

Алиқули Амирлашкарнинг 9 май куни бўлиб ўтган жангларда оғир ярадор бўлиб, ҳалок бўлганлигини генерал Черняев ўзининг 13 май кунидаги ахборотномаси билан тасдиқлайди:

- «Тошкент яқинида 9 май куни қўқонликлар билан бўлиб ўтган жангларда Қўқон хонлиги ҳукмдори Мулла Алиқули (ҳужжатда Алимқул – З.И.) ўлдирилган».[4]

Амирлашкар шаҳид бўлгач, Мирзо Аҳмад қўшбеги, Бекмуҳаммад қўшбеги ва Қўш парвоначилар бошчилигидаги қўшинлар Қўқонга қайтиб кетадилар ва у ерда Худойқули деган одамни хон қилиб кўтарадилар.

Саркардасиз қолган Тошкент мудофаачилари эса Султон Сайййидхонни ўз хонлари деб эълон қиладилар ва Тошкент амалда мустақил хонликка айланади.[5] Машҳур қозоқ саркардаси ва озодлик учун узоқ йиллар давомида чор қўшинларига қарши кураш олиб борган Султон Содиққа Алиқули Амирлашкарнинг қиличи топширилади ва у Амирлашкар этиб тайинланади. Мудофаачилар бир неча кунлик қаттиқ жанглардан сўнг чор Россиясининг ҳарбий босқинчилари томонидан мағлуб этиладилар.[6]

Алиқули Амирлашкарнинг ҳалокати билан Қўқон хонлигининг ҳалокати ҳам яққол кўриниб қолган эди. Бундай ҳолнинг юзага келишини олдиндан ҳис қилган генерал Черняев шундай таъкидлаган эди: - «Алиқулининг ўлимини биз учун фавқулодда аҳамиятга эга бўлган ҳол деб ҳисоблаш зарур. Бу ҳол менинг Қўқон хонлигини бундан буёнги тақдири ҳал этилди, деб хулоса чиқаришимга асос бўлади».[7]

---

[1] Тарихи Алиқули Амирлашкар. -Б.183.
[2] Зияев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.164.
[3] Ўша жойда.
[4] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 277-в.
[5] Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Б.164.
[6] Тошкент шаҳри 1865 йил 15-17 июнь кунлари русларнинг қаттиқ ҳужумларидан сўнг босиб олинган.
[7] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 277-в.

Юқоридагиларга хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Алиқули Амирлашкар хонликдаги ички ва ташқи сиёсий вазиятнинг кескинлиги, ҳарбий аҳволнинг анча қолоқ даражада эканлигига қарамасдан, жуда катта қудратга эга бўлган чор Россиясининг ҳарбий мустамлакачи босқинчиларига қарши курашларда ўзининг саркардалик маҳоратини намоён қила олди. Алиқули Амирлашкарнинг Чимкент остоналаридаги жанги, у ерда чор босқинчиларига қаттиқ зарбалар бериб, уларни чекинишга ва ҳаттоки сулҳ сўрашга мажбур этганлиги ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Бугунги кунгача рус ҳарбий тарихидаги энг шармандали мағлубиятлардан бири сифатида талқин этиладиган Иқон жанги ҳам Алиқули Амирлашкарнинг саркардалик маҳорати натижаси эди.

Ҳарбий ҳаракатлар билан бир қаторда олиб борилган сиёсий ва ҳарбий дипломатик алоқалар гарчи кутилган натижаларни бермасада, Алиқули Амирлашкар Қўқон хонлигини катта–кичик хорижий давлатлар билан ташқи алоқаларини ўрнатишга ва чор Россияси ҳарбий босқинчилигидан огоҳ этишга ҳаракат қилди.

Алиқули Амирлашкарнинг фаолиятига баҳо берар экан, тарихчи Ҳамид Зиёев шундай хулосаларни келтиради:

- «Тўғри, айрим манбаларда Мулло Олимқул фаолиятига доир салбий қарашлар ҳам мавжуд. Аммо ўша даврдаги жуда мушкул сиёсий ва иқтисодий шароитда унинг қилган ишлари ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермас эди. Бунинг учун Мулло Олимқулга ўхшаган ватанпарварлик, тадбиркорлик ва жасорат сингари олий фазилатларга эга бўлиш лозим эди».[1]

Ҳ.Зиёевнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда, Алиқули Амирлашкар фаолияти ўша давр нуқтаи – назаридан баҳо бериб, унинг саркардалик маҳорати, ҳарбий ишларни ва ҳарбий билимларнинг пухта эгаллаган ҳарбий мутахассис, мамлакатнинг ички сиёсий аҳволи ва халқаро сиёсий ишларни яхши англаган моҳир дипломат сифатидаги фазилатларини ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Алиқули Амирлашкар Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётига ҳарбий киши сифатида кириб келди. Унинг бундан кейинги ҳаёти давлат ишлари билан боғлиқ бўлсада, фаолиятининг асосий қисмини ҳарбий ишлар ташкил этди. У бир қатор жангларни бошқариб ажойиб ғалабаларга эришди. Чор қўшинларининг Қўқон хонлиги лашкарларидан мағлубияти саноқли бўлсада, уларнинг аксарияти

[1] Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Б.164.

Алиқули Амирлашкар номи билан боғлиқ бўлди. Шиддатли ва кескин сиёсий зиддиятларга бой даврда ҳокимиятни бошқариш соҳасида йўл қўйган айрим камчиликлари ва хатоларига қарамасдан унинг номи тарих китобларида юрт мустақиллиги ва озодлиги учун курашган саркарда сифатида ёзиб қўйилди. Мулло Алиқули Амирлашкар Ҳасанбий ўғли 33 йил умр кўрди.

# ХУЛОСА

Тарих ва тарихий воқеаларни таҳлил этиш жараёнида табиийки, бутун диққат эътибор ўша даврдаги шарт–шароит, халқнинг турмуш тарзи, иқтисодий аҳволнинг тараққиёт даражаси, ички сиёсат масалаларининг амалга оширилиши, ташқи сиёсат ва омилларнинг мамлакатдаги умумий аҳволга қай даражада таъсир этганлигини англашга қаратилади. Энг асосийси, воқеликка муносабат билдиришга ҳаракат қилинганда, албатта, бирор-бир давлат арбоби ёки ҳукмдорнинг хатти–ҳаракатлари, унинг ютуқ ва камчиликлари, лаёқати, маҳорати, иқтидорига ёҳуд шахснинг тарихий муҳитга, воқеалар жараёнига таъсирини кўрсатишга алоҳида эътибор берилади.

Гарчи ўтмишда бутун дунёга танилган ва машҳур тарихий шахслар яшаб ўтган бўлсада, уларнинг барчаси ҳам тарихий воқеларга ва тарихий муҳитга ўз таъсирини ўтказавермаган. Мураккаб тарихий жараёнларда етишиб чиққан шахсларни ёки шароит тақозоси билан бир шахснинг таъсири туфайли мураккаб тарихий вазият ва жараёнлар юзага келган ҳолатларни тарихда кўплаб кузатиш мумкин.

XIX асрнинг 50-60 – йилларида Қўқон хонлиги юзага келган тарихий вазият, ички сиёсий ва иқтисодий ҳаётда содир бўлаётган бўҳронлар натижасида бирмунча оғир аҳволга тушиб қолди. Айни вақтда кучайиб бораётган Россия империясининг хонликка нисбатан ҳарбий босқинчилик тажовузлари эса уни инқироз ҳолатига келтириб қўйди.

XIX асрнинг 50-60 – йилларида Қўқон хонлигида юзага келган мураккаб сиёсий вазият ва кескинликларнинг хонлик иқтисодий ҳаётига, айниқса унинг ички ва ташқи сиёсатига салбий таъсири катта бўлди. XIX асрнинг 50-йилларида хонликда турли сабаблар билан юз берган қипчоқлар қўзғолони ва уларнинг қирғин қилиниши, солиқлар ва йиғимларнинг кўпайишига қарши хонликнинг турли ҳудудларида кўтарилган қўзғолонлар ва уларнинг куч билан бостирилиши, айниқса саройда бошбошдоқлик ва фитналарнинг кўпайганлиги сиёсий ҳаётдаги тангликни юзага келтирди. Сарой фитналари оқибатида Худоёрхон тахтдан қувилди, Маллахон, Шоҳмуродхон ўлдирилди, марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик, тарафкашлик ҳолатлари кучайди. Ана шундай сиёсий вазият ҳокимият тепасига хон хонадони вакиллари ҳокимиятининг эмас, балки ҳарбийлар ҳокимиятининг юзага келиши учун шароит яратди. Ички сиёсий кучларнинг ўзаро курашлари натижасида Султон Саййидхонга ҳомий сифатида Алиқули ҳукмдорлик жиловини ўз қўлига олди. Воқеалар жараёнига асосланган ҳолда,

Алиқули қирғиз-қипчоқ зодагонларининг саройдаги мавқеини тиклаш мақсадида эмас, балки саройдаги ички парокандаликлар ва сарой фитналари туфайли вужудга келган сиёсий вазият жараёнида ҳокимият тепасига чиқди, деб хулоса чиқариш лозим. Алиқули Амирлашкар ана шундай мураккаб шароитда давлат арбоби сифатида шаклланди ва хонликдаги асосий раҳбарлик ишларини (гарчи хонликда бошқарув соҳасида ва ҳарбий ишларда унга нисбатан тажрибали ва кучли мавқега эга бўлган бошқа кишилар бўлсада) бошқариш имкониятига эга бўлди. Энг мураккаб ишлардан бири, яъни XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигида юзага келган ички сиёсий парокандаликнинг олдини олиш ҳамда ички сиёсий ва ҳарбий кучларнинг бошини қовуштириб, Россия империясидек қудратли ҳарбий имкониятларга эга бўлган ташқи душман тажовузини бартараф этишга қаратиш вазифаси унинг зиммасига тушди. Воқеалар жараёнида Алиқулида етук сиёсий арбоб ва маҳоратли ҳарбий саркарда ҳамда моҳир дипломат сифатлари аста–секин шаклланиб борди.

Воқеалар таҳлили натижасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозимки, Султон Саййидхоннинг тахтга чиқарилиши сарой амалдорларининг гуруҳбозлиги ва марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка бўлган интилишларини сусайтирди ва шу билан бирга тахт учун курашларни бартараф қилди. Султон Саййидхоннинг, аслида эса бевосита Алиқули Амирлашкарнинг саъй-ҳаракатлари билан ички сиёсий кучларнинг тахт атрофига бирлашуви амалга оширилди. Бу эса аввало, ички сиёсий зиддиятларни бирмунча юмшатган бўлса, иккинчидан ана шу кучларнинг чор Россиясининг ҳарбий босқинчилигига қарши яхлит кучга айланишига замин яратди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ички низоларни бартараф этиш билан бир вақтда Қўқон хонлиги ўзи учун азалий рақиблардан бири бўлган Бухоро амирлигига қарши ҳам қатор курашларни олиб боришга мажбур бўлди ва бунда бир қатор муваффақиятларга эришди. Бу ҳолат ҳам Алиқули Амирлашкарнинг ички сиёсатдаги обрўси ва унга бўлган ишончнинг кучайишига олиб келди.

Иккинчидан, Алиқули Амирлашкар қудратли Россия империясининг тажовузига қарши курашда яккаланиб қолди. Хонлик ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятига кўра душманга қарши тура олмаслигини англаган ҳолда у бир қатор хорижий мамлакатларга ҳарбий ёрдам сўраб элчилар юборди. Гарчи бу элчиликлар ижобий натижага эриша олмаган бўлсада, Россия империясининг ҳарбий мустамлакачилик босқинчилигини бутун дунёга ошкор бўлди.

Учинчидан, Алиқули хонликдаги ҳарбий ишни йўлга қўйиш ва яхшилаш борасида имконият даражасида ислоҳотларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Бунда унинг Маллахон билан биргаликда ва Султон Сайийдхон ҳукмронлиги йилларида амалга оширган ишлари айниқса, самарали бўлди.

Юрт мустақиллигини сақлаб қолиш учун ички ва ташқи муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилиб, чор қўшинларининг ҳарбий босқинчилигига қарши фуқароларнинг катта қисмини отлантира олган Алиқули халқ томонидан қўллаб қувватланди ва ҳарбий ҳамда сиёсий соҳада айрим камчиликларга йўл қўйган бўлишига қарамай Туркистон халқларининг катта ҳурматига сазовор бўлди. Шунинг учун сиёсий жараёнларни яхши англаган ва мавжуд воқеликка замондош бўлган ўша давр тарихчилари Алиқули Амирлашкар фаолиятига юқори баҳо бериб, унинг шахс, сиёсат арбоби ва саркардалик жиҳатларини алоҳида эътироф этган эдилар.

Алиқули Амирлашкар XIX аср 60-йиллари биринчи ярмида Қўқон хонлигининг ички сиёсий аҳволини яхшилаш ва ташқи сиёсий алоқаларини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритиш баробарида хонликнинг ҳарбий аҳволини ҳам яхшилашга ҳаракат қилди. Алиқули Амирлашкарнинг саъй–ҳаракатлари натижасида хонлик ҳарбий қўшинларининг ҳарбий тайёргарлиги ва қурол-яроғларнинг сифати анча яхшиланди. Бу борада бир қанча муваффақиятларга эришган Алиқули Амирлашкар подшо Россияси ҳарбий босқинчиларининг Туркистон, Авлиёота, Чимкент шаҳарларини босиб олиш учун олиб борган жангларида мустаҳкам мудофаани ташкил қилишга ҳаракат қилди ва бунда маълум ютуқларга ҳам эришди. Бироқ, қисман эришилган ютуқлар ва ғалабалар бу шаҳарларнинг душман томонидан босиб олинишидан сақлаб қола олмади.

Алиқули Амирлашкар хонликдаги ички ва ташқи сиёсий вазиятнинг кескинлиги, ҳарбий тайёргарликнинг анча паст эканлигига қарамасдан, жуда катта қудратга эга бўлган Россия империяси босқинчиларига қарши курашларда ўзининг саркардалик маҳоратини намоён қила олди. Алиқули Амирлашкарнинг Чимкент остоналаридаги жанги, у ерда подшо армияси ҳарбий босқинчиларига қаттиқ зарбалар бериб, уларни чекинишга ва ҳаттоки сулҳ сўрашга мажбур этганлиги, Иқон жангида эришилган ғалаба ҳам диққатга сазовордир. Шу билан бир вақтда эса хонликнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида муҳим ахамиятга молик ишларни амалга оширди.

Тадқиқот жараёнида чиқарилган хулосаларга кўра Алиқули Амирлашкарнинг ўз даврида юритган фаолияти ва Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни қуйидагилар билан белгиланади:

***Биринчидан,*** Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётидаги тутган ўрни тарихда шахснинг етакчи рол ўйнаши масаласи билан белгиланади;

***Иккинчидан,*** Алиқули Амирлашкар Қўқон хонлигининг давлат арбоби даражасига кўтарилар экан, айрим этник гуруҳлар манфаатини ифода этувчи сиёсий кучларнинг қўллаб-қувватлаши орқасидан эмас, балки, хонлик ички сиёсий жараёнларида юзага келган вазият ва ўзаро тахт учун курашлар жараёнида юқори мартабаларга эришди ва амалда давлат ҳукмдори бўлиб қолди;

***Учинчидан,*** Алиқули Амирлашкар XIX асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмидан 60-йилларнинг ўрталаригача бўлган давр мобайнида, айниқса 1863 – 1865 йиллар давомида Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётига ўта кучли таъсир кўрсатди. Хонликда сиёсий барқарорликни юзага келтириш ва бошқарувда собитликни ташкил қилишда муҳим роль ўйнади;

***Тўртинчидан,*** Алиқули Амирлашкар юрт мустақиллигини сақлаб қолишда бошқа давлат арбоблари ва ҳарбий саркардаларга нисбатан маълум муваффақиятларга эришди ва ўз даврига ибрат бўлди. Ўзга тарихий шахслардан мана шу характерли жиҳатлари билан ажралиб туради;

***Бешинчидан,*** Алиқули Амирлашкар XIX аср ўзбек ҳарбий соҳасида йирик лашкарбоши ва ҳарбий соҳанинг ўз давридаги ислоҳотчиси сифатида танилди. Унинг ҳарбий соҳадаги маҳорати профессионал рус зобитлари томонидан эътироф этилди. Алиқули Амирлашкар Маллахон бошлаб берган ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг давомчиси сифатида фаол ҳаракат олиб борди ва бу соҳанинг сифат даражасини юксалтиришга ҳаракат қилди. Ҳарбий бошқарув соҳасида анъанавий туркий одатларнинг айримларини тиклади (масалан, ҳарбий хизматдаги муваффақиятлари ва жасоратларига қараб унвон ва мансаблар, мукофотлар бериш);

***Олтинчидан,*** Алиқули Амирлашкар ўша давр жаҳон сиёсий саҳнасида энг нуфузли ўринга эга бўлган етакчи давлатлар билан Қўқон хонлигининг тенг ҳуқуқли давлат сифатида дипломатик алоқалар ўрнатиш учун асосий сиёсий раҳбарлик вазифасини бажарди. Гарчи бунда хонлик учун катта ёрдам берган бирор-бир амалий ҳаракатларни сезилмасада, бироқ Шарқий Туркистон ҳудудларининг хонликка қўшиб олиниши ва у ерда Еттишаҳар давлатининг ташкил

қилиниши ташқи сиёсатдаги муҳим воқеалардан бири бўлди, деб ҳисоблаш мумкин ва бунда Алиқули Амирлашкар ҳал қилувчи роль ўйнади;

***Еттинчидан,*** Алиқули Амирлашкар ҳокимиятни бошқарар экан, мураккаб ва зиддиятли масалаларни ҳал этишда баъзан камчиликларга ҳам йўл қўйди. Бунда бир томондан шароитдан келиб чиққан ҳолда, қаттиққўллик билан сиёсатни бошқариш талаб этилган бўлса, иккинчи томондан Алиқулининг ёши (Алиқули Султон Сайййидхонга ҳомийлик қилиб, ҳокимиятни бошқарган вақтларда (1863-1865 йй) 31(32)-33(34) ёшда эди) ва ҳаётий тажрибасининг мукаммал даражада шаклланиб улгурмаганлиги билан ҳам боғлиқ эди. Шу билан бирга ўз манфаатларини биринчи ўринга қўйган бир қатор уруғ бошлиқлари, ҳарбий ва сиёсий мавқега эга бўлган амалдорлар Алиқулининг олиб бораётган сиёсатини қўллаб - қувватламадилар. Бу эса айрим ҳолларда Алиқулидан норозилик ҳолатларини кучайтириб юборди ва бутун фаолияти давомида у мамлакат учун салбий бўлган бундай ҳолатларнинг олдини ола билмади ва уларни бартараф эта олмади. Айрим ҳолатларда сиёсий вазиятни тўғри баҳолай олмаслик оқибатида чиқарган нотўғри қарорлари ҳам Алиқулининг давлатни бошқариш ишларидаги камчиликларини кўрсатиб турарди.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, мулло Алиқули Амирлашкар Ҳасанбий ўғли ўзининг сиёсий ва ҳарбий фаолияти давомида эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари қандай бўлишидан қатъий назар, Қўқон хонлигининг сиёсий барқарорлигини таъминлаш ҳамда юрт мустақиллигини сақлаб қолишда ўз даврига ибрат бўлди.

Тадқиқот натижаларига асосан қуйидагилар тавсия қилинади:

- кейинги тадқиқот ишларида Қўқон хонлиги сиёсий тарихи, жумладан хонликдаги қирғиз - қипчоқ масалалари, қипчоқларнинг ҳокимиятга бўлган интилишлари ва давлат бошқарувининг асосий бўғинларини эгаллаб олиши жараёнларининг хонлик ички сиёсий ҳаётига таъсири ва оқибатларини алоҳида тадқиқот сифатида комплекс ўрганиш;
- хонликда ҳарбий ишлар тарихи ва бу борада олиб борилган бир қатор ислоҳотлар ҳамда шу мақсадда амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижаларини чуқур ўрганиш;
- хонликнинг нафақат Россия империяси билан, балки бошқа ҳориж мамлактлари билан ҳам олиб борган элчилик муносабатлари тарихини атрофлича ўрганиш ва қўлланма ёки монография кўринишида эълон қилиш;

- Қўқон хонлиги тарихини, жумладан унинг чор Россияси билан ҳарбий тўқнашувлар тарихини ёритиб берувчи маҳаллий тилларда ёзилган манбалар ва архив ҳужжатлари, шунингдек, кам истеъмолда бўлган ёки ҳали ўрганилмаган манбалар ва архив ҳужжатларини аниқлаб, тарих фани истеъмолига киритиш;
- ушбу тадқиқот натижаларидан мустамлака даври тарихи, миллий озодлик курашлари тарихи бўйича дарслар ва махсус курслар ўқитиш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;
- мустамлака даври ва Совет даври тарихшунослигини илмий жиҳатдан синчиклаб ўрганиш, хаққонийлик ва холислик, объективлик ва тарихийлик тамойилларига амал қилган ҳолда илмий асосланган назарий хулосалар чиқариш тарихчилар олдидаги ўта муҳим вазифадир.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А. КАРИМОВ АСАРЛАРИ


I.1. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – 159 б.

I.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин Т. 2.–Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.

I.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1995. – 278 б.

I.4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 480 б.

I.5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -526 б.

I.6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998. - 31 б.

I.7. Каримов И.А. Шу азиз Ватан - барчамизники. -Т.: Университет,
1995. - 24 б.

I.8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Т.: Ўзбекистон, 1997. – 382 б.

I.9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.

I.10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. 5. -Т.: Ўзбекис-тон, 1999. – 686 б.

I.11. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –364 б.

I.12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. -Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

I.13. Каримов И.А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман // FIDOKOR. -2000, - 8 июнь.

I.14. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1994. – 48 б.

I.15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.

I.16. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Ўзбекистон, 1994. - 160 б.

I.17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – 74 б.

## II. МАНБАЛАР

II.1. Абдулғаффур. Зафарномайи Худоёрхоний. // Қўлёзма, ЎзФАШИ. № 598 – 65 в.

II.2. Абу Убайдулло Тошкандий. Хулосат ул - аҳвол. // Қўлёзма, ЎзФАШИ, № 2048 – 158 в.

II.3. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи. II жилд // Қўлёзма, ЎзФАШИ, № 9455 – 343 в.

II.4. Бекназар. Амирлашкар жангномаси // Қўлёзма, ЎзФАШИ, №1225 II – 27 в.

II.5. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона // Қўлёзма, ЎзФАШИ, №11616.

II.6. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона // қўлёзма, ЎзФАШИ, №1512. – 102 в.

II.8. Мирзо Олим Тошкандий. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин // Қўлёзма, ЎзФАШИ, № 1341 I – 180 в.

II.9. Мулло Ҳолбек ибн Мулло Мусо Андижоний. /арибнома // Қўлёзма, ЎзФАШИ, № 8816 – 75 в.

II.10. Мулло Олим Махдум Ҳожа. Тарихи Туркистон. – Т.: Туркистон генерал губернаторлиги босмахонаси. 1915.-220б.

II.11. Муҳаммад Ниёз Ҳўқандий. Тарихи Шохрухий. // Қўлёзма, ЎзР ФАШИ, № 1787 – 252 в.

II.12. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. // Қўлёзма, ЎзР ФАШИ, № 11108 – 219 в.

II.13. Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандий. Тарихи жадиди Тошканд // Қўлёзма, ЎзФАШИ, №№ 7791, 11072, 11073, 5732.

II.14. Муҳаммад Умар Умидий. Мактубчайи хон // Қўлёзма, ЎзР ФАШИ, № 19021 у – 263 в.

II.15.Муҳаммад Юнус Тошкандий. Хотиралар. ЎзР МДК, инв. №В961/3.

II.16.Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар. // Қўлёзма, ЎзР ФАШИ, №12136. – 93в.

II.17.Муҳаммад Юнус Тоиб. Ҳадиқат ул-анвор. // Қўлёзма, ЎзР ФАШИ, №595. – 11 в.

II.18. Муҳаммад Юнус Тоиб. Туҳфайи Тоиб // Қўлёзма, ЎзР ФАШИ, №4243 п. – 50 в.

II.19. Мулло Ҳолибой Мамбетов. Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269–1282 саналарда қилғон футуҳотлари. ЎзМДК. №10136. - 105в.

## III. АДАБИЁТЛАР

III.1. Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I четвертьи XX века. -Т.: Университет, 1999. -162 с.

III.2. Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т.: Академия, 2002, -240 б.

III.3. Аббос Саид. Беш кунлик дунё. -Т.: Шарқ, 1996. -212 б.

III.4. Абаза К.К. Завоевание Туркестана. – Спб: Б.и., 1902. -237 с.

III.5. Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. // Очерки социально-экономической и политической истории. – Т., 1964. С. 94-95.

III.6. Allworth E.A. Uzbek Literary politics. – New York, 1964. -167 p.

III.7. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихининг манбалари. –Т.: Фан, 1991. –268 б.

III.8. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т.: Ўқитувчи, 1994. –432 б.

III.9. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. –М.: Наука, 1965. - 196 с.

III.10. Ахмедов Б.А. Историко - географическая литерура Средней Азии. VI – XIX вв. (Письменные памятники) –Т.: Фан, 1985. -262 с.

III.11. Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. – Т.: Фан, 1989, -154 с.

III.12. Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии (история и историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Т.: Фан, 1995. – 218 с.

III.13. Акрамхўжаев О. Ҳаёт сабоқлари. Т.: Қомуслар бош таҳрияти, 1995. -280 б.

III.14. Алибеков М. Домашняя жизнь последнего Кокандского хана Худоярхана // Ежегодник Ферганской области. Т.II Новый Маргилан, 1903. Т. II. –С.83 – 84.

III.15. Bacon E. Central Asiens under Russians Rule. – New York, 1966. -198 p.

III.16. Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII–XIX вв). – Т.: Фан, 1990. – 118 с.

III.17. Бартольд В.В. Авлия Ата // Сочинения. М.: Наука, 1965. Т. III. -340 с.

III.19. Бартольд В.В. Ак – Мечеть // Сочинения. М.: Наука, 1965. – Т. III. -С. 314-317.

III.20. Бартольд В.В. Бабабек // Соч. М.: Наука, 1964. Т. II. ч. 2. — С. 501-502.

III.21. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России Т. VII. М.: Наука, 1971. – 663 с.

III.22. Бартольд В.В. История Туркестана. Конспект лекции. -М., Наука, 1963.

III.23. Бартольд В.В. Коканд // Сочинение. –М.: Наука, 1965. Т.III. -С.462–466.

III.24. Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании // Сочинение. –М., 1964. Т. II. ч.2. –С.333-350.

III.25. Бартольд В.В. Туркестан // Сочинение. –М., Наука, 1963. Т.III. – С.518-520.

III.26. Баймурзин А. Из истории захвата царизмом Большой и Средней Орды // Изв. Каз филиала АН СССР. Серия история. -Алма-Ата, 1940. -Вып.I. -С.95-97.

III.27. Barghorn L. Sovet Russian Nationalism. – New York, 1956. -137 р.

III.28. Бейсембиев Т.К. Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII – XIX вв. по некоторым сочинениям кокандской историографии // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. –М., 1985. –С.213-214.

III.29. Бейсембиев Т.К. «Тарих-и Шохрухи» как исторический источник. Алма-Ата.: Наука, 1987. – 200 с.

III.30. Бейсембиев Т.К. «Тарих – и Шохрухи» о Восточном Туркестане // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в XV – XIX вв. – Т., 1987. – С. 162-174.

III.31. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. Т.: Фан, 1996. – 240 б.

III.32. Воҳид Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. -Т.: Фан, 1996. -49 б.

III.33. Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худаярхана. С.-Пб. 1856. 382 с.

III.34. Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Русского Географического общества. –С.-Пб. 1856. -Т.18. -С.108-151.

III.35. Веселовский Н.И. Рец. На кн. Краткая история Кокандского ханства // Составил Наливкин В. –Казань. 1886. Ч.VI. -С.215-216.

III.36. Веселовский Н.И. Новые материалы по истории Кокандского ханства // Журн. министерства просвещение. –1886. –Ч.248. №11. –С. 13-14.

III.37. Веселовский Н.И. Бадаулет Якуб-бек Аталык Кашгарский. –Спб.: Императорская Академия Наук, 1898. –103с.

III.38. Веселовский Н.И. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. –Спб.: Б.и., 1894. -206 с.

III.39. Wheeter J. The modern history of Central Asia. –London, 1964. -317 p.

III.40. Григорьев В.В. Ешё о Кокандских монетах и событиях // Туркестанский сборник, 1894. – Т. IV. – С.60–71.

III.41. Гр Потанин. Показания сибирского казака Максимова о Кокандском владении. -СПб., 1860, Ч.28. –С.74-75.

III.42. Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в.: этно-культурные процессы. – Т.: Фан, 1991. –130 с.

III.43. Диваев А. Киргизские пословицы. –М.: 1903. -13 с.

III.44. Дингельштед Н. Наши колонизации в Средней Азии // Вестник Европы. -1892. Кн.II . –С.231-237.

III.45. Добромыслов А.И. Города Сырдарьинской области. –Т., Б.и., 1912. -56 с.

III.46. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина // ВИРГО. -1856. – Ч. 18. Кн.VI. – С.255–259.

III.47. Записки графа Игнатьева // Исторический вестник. , -СПб., 1914. -№4. -С.123-124.

III.48. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Т.: Шарқ, 1998.– 478 б.

III.49. Зиёев Ҳ.З. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси: (Тарихнинг долзарб масалалари). -Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. –288б.

III.50. Зиёев Ҳ.З. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. -Т.: Фан, 1966. -116 б.

III.51. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. –С.247.

III.52. Иванов Д.Л. Очерки военных действий в Средней Азии с 1847 по 1869 гг. –Т.: Б.и., 1879. -322 с.

III.53. Inalcik. Osmanli – Rus rekabetinin mensei ve Volga–Don kanali tesebbusi. -Ankara. 1948. –S.349-402.

III.54. Иноятов Х.Ш. Қўқон хонлиги Россияга қўшилиш арафасида ва 1875 – 1886 йиллардаги Қўқон хонлигидаги қўзғолон. Т.: Қизил Ўзбекистон, 1956. -36 б.

III.55. История Узбекской ССР. Т.I. Кн.2. –Т.: Фан, 1956. –497 с.

III.56. Исҳоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. -Т.: Мерос, 1991 –Б.268-327.

III.57. Калужин А.Ф. Из истории завоевания Узбекистана царской Россией // Труды Узб. гос. ун-та. –Самарканд, 1939. -Т.16. –С.109.

III.58. Conguest R. Soviet Nationalitiea in Practice. –London, 1967. -214 s.

III.59. Кокандское ханство по новейшим известиям // Военный сборник «Три звездочки», год 12-й. – Спб. 1869. - № 7. – С.18.

III.60. Кун А. Очерк Кокандского ханства // ИРГО. -1876. – Т. VIII. – С.59–70.

III.61. Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Военный сборник. –Спб. 1876. -№ 4. –С.417–448.

III.62. Лавров М.В. Туркестан. География и история края. – 2-е изд. –М. –Пгд., 1916. –203 с.

III.63. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. –Т.: Фан, 1965.–408с.

III.64. Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии в мемуарных источниках. -Т.: Фан, 1986. –144 с.

III.65. Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Батыришкина, бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 гг. // Вестник Русского Географического общества. –Ч.17 (II). –С.-Пб. 1856. -С.20-32.

III.66. Макшеев А. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. – Спб.: Б.и., 1890. – 376.

III.67. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины // Перевод с немецкого В.И.Ковалевского. Спб.: Б.и., 1872. –604 с.

III.68. Мухтаров А. О некоторых неизвестных источниках по истории Средней Азии XIX в.// ИАН Тадж. ССР. ООН. -1956. –Вп.8. – С.97–101.

III.69. Мухтаров А. Из истории народных движений в Средней Азии. – Душанбе: Ирфон, 1988. – 56 с.

III.70. Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. Т.: Шарқ, 1995. –128 б.

III.71. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Т.: Маънавият, 1999. –111 б.

III.72. Муҳаммаджонов А., Нигматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. -Т.: Фан, 1957. -223б.

III.73. Мулло Олим Махдумхожа. Тарихи Туркистон. -Т.: Шарқ, 1995. -127 б.

III.74. Муҳаммад Йунус Хаджа б. Муҳаммад Амин-Хаджа. Туҳфа-йи Таиб //Islamic Area Studies Project Central Asian research Series № 6. – Ташкент-Токио.: 2002. -С.32.

III.75. Набиев Р. Уникальный источник по истории Кокандского ханства // Общественные науки в Узбекистане. –1974. –№ 4. –С. 33–39.

III.76. Набиев Р. Историография Узбекистана (I пол. XIX в.) // Очерки истории и исторической науки в СССР. –М., 1955. –Т. I. –С.645-646.

III.77. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. Феодальное хозяйство Худоярхона. –Т.: Фан, 1973. – 388 с.

III.78. Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи.-Т.: Ёзувчи, 1998. -96 б.

III.79. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии. С.-Пб.: Б.и., 1821. -197 с.

III.80. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии. -М.: Наука, 1968. - 76 с.

III.81. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Вып. IV.– Казань: Б.и., 1886. -215 с.

III.82. Народў Средней Азии и Казахстана. Т. II. – М.: Наука, 1963. – 780с.

III.83. Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар. –Т.: ЎзФанАкад нашр., 1960. – 268 б.

III.84. Остроумов Н. Константин Петрович фон Кауфман. Т.: Б.и., 1887. -287 с.

III.85. Павлов Н.Г. История Туркестана. В связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. –Т.: Б.и., 1910. –236 с.

III.86. Петровский Н. Очерки Кокандского ханства // Вестник Европы. –1875. –Кн. 10. –С.722–757.

III.87. Плоскых В.М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе: Илим, 1977. –368 с.

III.88. Потанин Т. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина 1830 г. Отд. отт. // Военный журн. –1831. №4-5. –С.35-36.

III.89. Попов А. Из истории завоевания Средней Азии. М.-Л.: Наука, 1940. -198 с.

III.90. Пяньков В. Туркестанские дневники. -М.: Б.и., 1879. – 43 с.

III.91. Рахимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. -Т.: Ўқитувчи, 1995. –69 б.

III.92. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1999. -328 б.

III.93. Rakovska-Harmstone T. Russian and Nationalism in Central Asia. –Baltimore, 1970. -157 p.

III.94. Сазонова Н.В. Новое в изучении социально–экономических отношений Кокандского ханства XIX в. // Сов.энц. –1975. -№2. –С.108–111.

III.95. Саъдиев А. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда тарих фани. -Т.: Ўқитувчи, 1995. – 97 б.

III.96. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов У., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. -Т.: Академия, 2000. 189 б.

III.97. Saray M. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabetler(1775-1875). –Ankara, 1994. -74 s.

III.98. Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. – Istanbul, 1975. -35 s.

III.99. Смирнов Е.Т. Султани Кенисара и Садик. Т.: Тип С.И.Лахтина. 1889. -313 с.

III.100. Собрание Восточних рукописей ИВ АН УзССР (Каталог). I – XI. –Т.: Изд. АН УзССР, 1952 – 1991: Т. I. –1952. – 436 с.; Т. II.-1954.–588 с.; Т. III.–1955.–554 с.; Т. IV.–1957.–560 с.; Т. V.–1960.–538 с.; Т. VI.–1963.-735 с.; Т.VII.–1964.–554 с.; Т. VIII.–1967.–798 с.; Т. IX.–1971.-600 с.Т. X.-1975.–706 с.; Т. XI.–1987.-444с.

III.101. Соколов Ю.А. Ташкент, ташкентцы и Россия. –Т.: Фан, 1965. –190 с.

III.102. Ташкент. Энциклопедия. -Т.: Фан, 1983. -416 с.

III.103. Терентьев М.А. Россия и Англия. -М.: Б.и., 1879. -239 с.

III.104. Терентьев М.А. Завоевания Средней Азии. Тт. I-III. -М.: Б.и., 1906. –183 с.

III.105. Тошкент. Энциклопедия. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. –495 б.

III.106. Тилеуқулов С.Т. Туркистонда озодлик курашлари тарихидан. –Т.: Фан. 1998. – 63 б.

III.107. Tillet L. The Great Friendship. Soviet Historians on the Non-Russian Nationalities. – North Carolina, 1969. -217 s.

III.108. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX в. – М.: Наука, 1968. – 582 с.

III.109. Туленов Ж, Ғафуров З. Фалсафа: Олий ўқув юртлари талабалари учун. -Т.: Ўқитувчи, 1997. -384 б.

III.110. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1993. –319 б.
III.111. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. -Т.: Шарқ. 1994. -272 б.
III.112. Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Известия АН УзССР. Серия обществ. наук. – 1957. –№3. –С.33– 38.
III.113. Hooson D. The Soviet Union. People and Regions–California, 1977. -173 s.
III.114. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-80 гг. XIX в). М.: Наука, 1965. -196.
III.115. Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857 – 1868). М.: Вост лит., 1960. -272 с.
III.116. Халфин Н.А. О движущих мотивах политики России в Средней Азии (60 -70 - ые годы XIX века) // История СССР. -1970. -№4. -С.129-135.
III.117. Хасанов А.Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. –М.: Наука, 1977. – 96 с.
III.118. Хасанов А.Х. Взаимоотношения киргизов с Кокандским ханством и Россией в 50 – 70 гг XIX в. – Фрунзе. Илим, 1961. –183с.
III.119. Хорошхин А.П. Очерки Коканда: Сб. статей касаюҳихся до
Туркестанского края. –Спб.: Б.и., 1876.–533с.
III.120. Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. -Т.: Шарқ, 1995. -94 б.
III.121. Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. –Т.: Маънавият, 1999. – Б.80-95.
III.122. Ўзбекистон тарихи атласи. -Т.: Ўзбеккадастр. 1999 -26 б.
III.123. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор
Россияси мустамлакаси даврида. Т.: Шарқ, 2000. –364 б.
III.124. Қосимбеков Т. Синган қилич. Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. -382 б.
III.125. Ҳасаний Мажид. Туркистон босқини. -Т.: Нур, 1992. – 42 б.
III.126. Қўқон асрлар силсиласида. -Қўқон. 2004. -350 б.

## IV. ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИ

IV.1. Бабабеков Х.Н. К этимологии топонима «Коканд» // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в XV – XIX вв. – Т., 1987. – С.98-104.

IV.2. Валидий А.З. Туркистоннинг туганмас дарди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1991. 19 июль.

IV.3. Воҳидов Ш. Алимқули Амирлашкар // Ватан. - 1993. 26 июнь.

IV.4. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. –1995. -№ 4. -Б.175-178.

IV.5. Вохидов Ш. Отабекнинг отаси Юсуфбек хожи тарихий манбаларда // Ватан. –1994. –27 июнь.

IV.6. Вахидов Ш. Сочинение Мухаммад Умара Умиди «Мактубчайи хан» // Адабий мерос. -1990. -№ 2 (52) – С. 60 – 63.

IV.7. Вахидов Ш. О двух редакциях сочинения Аваз Мухаммад Аттара Хуканди // Адабий мерос. -1989. -№1. -(47). –С.37–42.

IV.8. Вахидов Ш. Источники, использованные Аваз Мухаммад Аттаром в сочинении «Тухфат ат–таворихи хони», «Тарихи жахоннамойи» // Адабий мерос. –1989. -№ 4 (50). –С.31–36.

IV.9. Вахидов Ш. Сочинение Фазли Фергани «Умарнома» // Адабий мерос. 1991. -№3 (57). -С.28–33.

IV.10. Зияев Х.З. «К истории завоевания узбекских ханств» // Обҳественные науки в Узбекистане. -1990. -№2. С.22-30.

IV.11. Зияев Х.З. «Завоевания Бухарского и Хивинского ханств» // Обҳественные науки в Узбекистане. -1990 г. -№8. –С.30-39.

IV.12. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш манба-шунослиги // Ўзбекистон тарихи. -1999. №1. –Б.35-53.

IV.13. Кабулова Р. Об одной рукописи по истории Восточного Туркестана // Адабий мерос. –1989. -№ 3. –С.40–46.

IV.14. Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ Юлдузи. 1996. -№ 1-2. –Б.214-217.

IV.15. Набиев Р. Народные восстания в Коканде в 1840 – 1842 гг. // Обҳественные науки в Узбекистане. –1961. -№7. –С.37–42.

IV.16. Нурекин А. Очерк истории Коканда с 1841 по 1864 год // Туркестанские Ведомости. -1871, сентябрь.

IV.17. Турон тарихи. Т.: Мерос, 1992. –32 б.

IV.18. Турон тарихи. Т.: Мерос. 1993. –32 б.

IV.19. Турон тарихи. Т.: Мерос. 1994. –36 б.

IV.20. Хуршут Э. «Мунтахаб ут – таворих» как источник по истории Средней Азии и сопредельных стран XVIII – XIX вв. // Обҳественные науки в Узбекистане. –1984. -№ 7. –С.36–42.

IV.21. Хуршут Э. Изучение среднеазиатских источников XVI–XIX

веков: значение, состояние, проблемы // Обҳественные науки в Узбекистане. –1989. -№ 2. –С.49–53.

IV.22. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиҳа // Ўзбекистон тарихи. -1999. №1. –Б.31-35.

IV.23. Ҳўқандий Аваз Муҳамммад Аттор. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ Юлдузи. -1991. -№8. –Б.119-141.

## V. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

V.1. Бабабеков Х.Н. Историческая литература о Кокандском ханстве. (Русская литература 60 – 70-х гг.): Автореф. дисс… канд. ист. наук –Т., 1977. -20 с.

V.2. Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально – экономические и политические предпосылки: Дисс…д-ра. ист. наук. –Т., 1991. -302 с.

V.3. Бейсембиев Т.К. «Тарих-и Шохрухи» как исторический источ-ник: Автореф. дис… канд. ист. наук. –Т., 1983. –22 с.

V.4. Бекназаров Р. Юг Казахстана в составе Кокандского ханства и его присоединение к России (по русским архивным и опубликованным материалам): Дисс... канд. ист. наук. -Алма-Ата, 1969. -157 с.

V.5. Вахидов Ш. Аваз Мухаммад Аттар Хуканди и его сочинение «Тарих - и жахоннамойи» исследование, перевод и примечания: Автореф. дис… канд. ист. наук. –Т., 1990. – 19 с.

V.6. Воҳидов Ш.Ҳ. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фанлари д-ри… дисс. –Т.: 1998. -302 б.

V.7. Дергачёва Л.Д. Средная Азия в политике России 1857-1868 гг. (Борьба правительств и общественных группировок): Дисс…канд. ист. наук. -М., -1967. -165 с.

V.8. Исмаилова Ж.Х. Национально - освободительное движения в Туркестане в начале XX века: Автореф. дисс… д-ра. ист. наук. –Т., 2002, -27 с.

V.9. Исмаилова З.М. Рукописная книга Средней Азии позднего периода (XIX в.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Т., 1990. –49 с.

V.10. Левтеева Л.Г. Мемуарные источники по истории Средней Азии: Дисс… канд. ист. наук. –Т., 1975. -168 с.

V.11. Масалиева О.М. История Бухарского, Хивинского, Кокандского ханств в англо-американской историографии XX века: Автореф. дисс... канд. ист. наук. –Т., 1999. -22 с.

V.12. Пляшко Г.А. К истории русско - английских отношений в Средней Азии: Дисс… канд. ист. наук. -Кировоград, 1953. -159 с.

V.13. Сагатов С. Присоединения Узбекистана к России и его значение: Дисс... канд. ист. наук. -М., 1957. -165 с.

V.14. Усенбаев К. Присоединение Южной Киргизии к России: Дисс... канд. ист. наук. -Фрунзе, 1954. -167 с.

## VI.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИ

VI.1. Фонд 1. Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора.

VI.2. Фонд 17. Сырдарьинское областное управление.

VI.3. Фонд 19. Ферганское областное управление.

VI.4.Фонд 336. Военный губернатор и командующий войсками Туркестанской области.

VI.5. Фонд 715. Подготовительные материалы к составленной полковником Серебренниковым публикации документов Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания.

VI.6. Фонд 1043. Архив Кокандского ханства.

# И Л О В А Л А Р

**1 - илова**

Мулла Алимкулъ Начальнику отряда, пришедшему съ войском изъ Алматовъ и Аулиэ – Ата.* 2 октября 1864 г.[1]

Прежде Белый царь и Кокандский хан были в хорошей дружбы, но с недавняго времени между нами и вами нашлись такие люди что заставляют нас ссориться, а также изветсно Вам, что когда воцарился у Вас нынишний Государь, то наш молодой хан посылал к нему посланников узнать о его здоровьи: но в настояҳее время наш хан услыхал, что войска Белого царя заняли Аулиэ-Ата и Туркестан и пришли сюда, вследствие чего собрав, гарнизоны и кавалерию пришел, с войском в Чимкент узнать, зачем пришли ваши войска и что нужно. К пришедшему же из Туркестана вашему отряду хан послал четырех начальников, которые окружили русских три дня, и когда хотели взять их то они послали нам письмо, которым увидомили, что пришли не драться с нами, и Русский царь их сюда не посылал, а они только хотели узнать дорогу и просили нас, чтобы мы освободили их, обҳаясь по приезди в Туркестан написать. Белому царю письмо об освобождени Туркестана, почему мы, не причиняя им никакого вреда отправили обратно, чтобы не терять между Белым царем и ханом дружелосья и мира. Но в настояҳее время мы увидили, что и Вы пришли из Аулэ-Ата, а потому и посылаем к Вам письмо узнать, зачем Вы пришли: чтобы проливать кровь ваших воинов и наших, или зачем нибуть другим, и чтобы не терять Вам свои войска, а нам свои, то сначала переговорим и если Вы не хотите с нами ссориться, то дайте нам ответ зачем пришли, если же хотите драться, то посмотрим кто сильнее. Можеть быть хотите осмотрить земли, то также дайте ответ, а если хотите быть с нами в дружби, то напишите нам, а мы, смотря еа это ответим Вам: выбирайте что Вам лучше.

**2 – илова**

## Полк. Черняев Регенту Коканского ханства Мулла Алимкулу. 2 октября 1864 г.[2]

Письмо ваше присланное с Мирсабиром бием я получиль. Вы земли ваши я пришель со войсками по аоль нашего великаго Благо Государя и могу согласиться только на верепенко прекрашение военных действий, но на заключение постоянного мира уполномочия не имею.

---

* Бу ва кейинги мактубларни асл ҳолида қандай бўлса, шундайлигича кўрсатишга ҳаракат қилиниб, ўша давр тил ва ёзув хусусиятларини сақлаган ҳолда берилмоқда.

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж., 434-в.

[2] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р.,29-й.ж. 435-в.

Если же Вы желаете вступить со Русским Правительством во переговоры, чтобы иметь прочный мирь, что конечно послужить к несомненной выгоды ханства и спокойствие то я со своей стороны могу предложить Вам избрать лучших почетных людей и отправить их черезь мое посредство в Петербург, где и будет с ними заключено должное условие.

Проихавь Россию и увидав благосостояние миллионов наших подданных, они убидятся в могуҳеству Белого царя и ясно поймут все выгоды зависить успех упавшой ныне у вас торговли, составляюшей главный источник к процвытанию ханства.

Ответь, на это письмо я ожидаю, на этом же месте и приближение ваших войск буду считать, за нежеланние снарядить посольство к могуҳественнийшему из царей, а что именно ханство ваше можеть ожидать от вашего виликаго Государя послы могут услышать от меня.

**3 - илова**

**Уважаемым и прямодушным высоким друзьям и старым доброжелательям биям Джантаю и Худаяру и всем почетным людям рода Сарыбагишь[1].**

После засвидетельствования наших поклонов и милостей следуюшая речь: волею Всевышняго и безпредельнаго Бога 92 кочевых племени унизились между собою и наконець соединяяс единым духом согласие поработили своего внутренняя врага и положили подножия престола в Кокан: после чего по всем отрослям правления совершенное приобрели спокойствие. Этой милостию ниспосланною Богом, воспользовались особенно все ак-калпаки (дикокаменные).

За то, что Вы до сых порь не поспешили прибыть к Хазрет хану с поздравлением и для узнания его благополучие и получения его ҳедрать, мы по родственному к Вам чувству весьма темь огорчены, но все таки по чувству того же родства мы надеемся на Вас и думаем, что вы не приезжали из опасения по делу Паридыбека Рахметуллы и если это действительно так, то Вы нисколько не опасайтесь, потому что после воцарения на ханство, в пятый день месяца Сафара, Великого нашего хана, объявлена амнистия.

На случай же враговь внешных и наказания в пример перед народом и ослушников внутренних. Мы формируем войска и приводим в порядке оружие.

К Вам же единственно из чувства родства послали доверенное лица Парваначи Койчи, по прибыти котораго Вы должни во всем его слушаться и поступать согласно его воли. С ним посылаются наши подарки. 1780 года.

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 27-й.ж., 103-104-вв.

**4 - илова**

## Письмо регента Кокандского ханства Алимкула коменданту крепости Ниязбекъ Мулла Ир - Магомету и пансатам Мулла Юлдашу, Халукулу и Токебы[1]

Предписываю Вам, по получении сего письма, сделайте следуюҳие распоряжение. Соберите джигитов с рода Канглы и прочих волостей и направте крепост Ниязбек: а также, чтобы и гарнизон Ниязбекский входиль на работы, еслы есть большая поправка крепости.

Если русские придуть к Ниязбеку и с окрестности этой крепости жители курганов будут переходить на их сторону то курганы сожигать, а имение и скоть забирайте себе. Лесь, который вы найдёте в курганах, употребите для укрепления крепости. Сколько жителей перейдет к русским, меня уведомите; а также напишите мне, сколько останется вам от жителей скот и разное имуҳество.

На письмо ваше дам распоряжение, как поступить, а вслед за предписанием я и сам к Вам приду с войсками. Отправляю у Вам с отрядом начальников крепостей Анджана и Тюра-Кургана. Надеюсь, что они с отрядом скоро придуть к Вам на помошь. Что будете слышат, обо всем мне пишите.

На ____ печать регента Муллы-Алимкула.

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 265-в.

**5-илова**

## Хонликда ҳарбий қўшинларнинг қалъалар ва шаҳарлар бўйича тақсимланиши
## 1860 йил[1]

| № | Шаҳар ва қалъларнинг номи | Қышинлар микдори | Замбараклар сони |
|---|---|---|---|
| | Қўқон | 6000 киши | 30 тагача |
| 2 | Тошкент | 2000 киши | 20 дан ортиқ |
| 3 | Туркистон | 600 киши | 2-4 тагача |
| 4 | Янгиқўрғон | 60 киши | 1-3 тагача |
| 5 | Кировчи | 400 киши | 1-3 тагача |
| 6 | Бекларбеги | 50 киши | 1-3 тагача |
| 7 | Шойдон | 50 киши | 1-3 тагача |
| 8 | Чиноз | 100 киши | 1-3 тагача |
| 9 | Чимкент | 250 киши | 2-4 тагача |
| 10 | Сызоқ | 60 киши | 1-3 тагача |
| 11 | Жўлак (Чўлоқ) | 50 киши | 1-3 тагача |
| 12 | Авлиёота | 600 киши | 2-4 тагача |
| 13 | Марки | 400 киши | 1-3 тагача |
| 14 | Исфара | 200 киши | 1-3 тагача |
| 15 | Пишпак | 800 киши | 1-3 тагача |
| **Жаъми** | | **11620 киши** | **Тахминан: 60 – 90 тагача** |

**Эслатма**: Россия империяси ҳарбий босқинчилик ҳаракатлари кучайиши билан ҳарбий қўшинларнинг миқдори ҳарбий ҳолатларда ҳалқдан йиғиладиган ҳалқ лашкарлари ҳисобига кўпайтирилган ва мудофаа қобилияти кучайтирилган.

[1] ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 24-й.ж. 244-247 – вв.

## МУНДАРИЖА


**Кириш** ............................................................................................ **3**

**I БОБ Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрнини ўрганишнинг тарихшунослик – манбашунослик муаммолари ва методологик асослари** ..................................................... **11**

**II БОБ Алиқули Амирлашкарнинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни** ........................................................ 34

II.1 XIX аср 50-60 йилларида Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият ..................................................................... 34

II.2 Алиқули Амирлашкарнинг давлат арбоби сифатида шаклланиши ва Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётидаги фаолияти ........................................................................... 51

**III БОБ Алиқули Амирлашкарнинг Россия империяси тажовузига қарши курашлардаги ҳарбий саркардалик фаолияти** ........................................................................... **73**

III.1. Алиқули Амирлашкарнинг Туркистон, Чимкент ва Иқон жангларидаги саркардалик маҳорати ................................ 73

III.2. Тошкент ҳимояси учун олиб борилган курашларда Алиқули Амирлашкарнинг ўрни ....................................... 89

**Хулоса** ........................................................................................ **109**

**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати** ......................... **115**

**Иловалар** ........................................................................................ **127**

**Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети илмий кенгаши томонидан 2008 й ______________ №____-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган**